

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ
йўналиши

**ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ
ХАВФСИЗЛИГИ**

ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабр 648 -сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: п.ф.н., доцент С.И.Хусанова, ўқитувчи Н.Н.Назарова
ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти

Тақризчи: ТДТУ, т.ф.д. проф С.С.Сулейманов

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.ИШЧИ ДАСТУР	4
II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	14
III.НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	17
IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	117
V.КЕЙСЛАР БАНКИ.....	144
VI.ГЛОССАРИЙ	145
VII.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	164

I.ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ушбу ишчи ўқув дастурда инсон ҳаётий фаолият хавфсизлиги таълимотининг юзага келиши сабаблари, мақсади ва мазмун-моҳияти, микроиклим шароити унинг инсон фаолиятига таъсири. инсон организмига микроиклим параметрларининг таъсири, саноат санитарияси, ҳавфли ва зарарли саноат омилларининг инсон саломатлигига ва психологиясига таъсири, уларнинг турлари, инсон фаолияти даврида электр токининг аҳамияти бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш малакаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” модулининг мақсади: инсонларнинг хавфсиз ҳаётий фаолиятини таъминлашдан иборат. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини касбий фаолияти давомида хавфсизлик ва ҳимояланиш чора-тадбирларини тўлиқ ўзлаштиради. Хавфизлик

талабларига түлиқ риоя қилиш инсонларнинг иш қобилиятини ва соғлиқликларини түлиқ сақлаши ва экстремал вазиятдан чиқа олишга тайёоргарлигини оширади. Шу билан биргаликда дунёда, минтақа ва мамлакатимизда юз бериши мумкин бўлган турли тусдаги хавфлар ва вазиятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар билан таништириш ва бу борадаги малакасини оширишга қўмаклашиш таъминлашнинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” модулининг вазифалари:

- ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ечиш;
- ишлаб чиқариш тизимларида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўрни ва истиқболли йўналишларига мос билим, кўникма ва малакани шакллантириш;
- инсонни иш фаолиятида ва дам олишида хавфсизлик талабларига жавоб берадиган шароит яратиш;
- табиий ва антропоген мухитлар таъсири натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатларни тугатиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- инсонларга таъсир этувчи салбий оқибатлар таъсирини илмий асослаш ва тадбиқ қилиш йўлларини ўргатиш;
- техник лойиҳа тайёрлаш ва тадбиқ қилишда технологик жараёнларнинг хавфсизлик чоралари ва экологик ҳамда иқтисодий заараларини ҳисобга олишни ўргатиш;
- ҳаётий фаолият хавфсизлиги муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;
- корхона ходимларини ва аҳолини ўзини ҳимоя қила олиш ва бу хавфли таъсирлар (халокатлар, фожия, табиий оғатлар) ва янги ҳимояланиш усулларини кўллаш, шунингдек, хавфиниолдини олиш чораларини кўришни ўргатиш.
- салбий таъсирларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг оқибатларини баҳолай олишни ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” ўкув модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

tinglovchilar:

- ҳаётий фаолият хавфсизлигининг асосий назариясини, “инсон ва унинг яшаш муҳити” тизимини;
- ҳаётий фаолият хавфсизлигининг ўзига хос қонуниятларини, техник меъёрларини жорий қила олишни;
- инсоннинг физиологиясини билган ҳолда меҳнат шароитларини тўғри ташкил қилиш;
- жароҳатга олиб келувчи заарли ва хавфли омилларни келтириб чиқарувчи вазиятларни аниқлаш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;
- техник воситалар ва технологик жараёнларнинг хавфсизлигини экологик заарсизлигини ва мустахкамлигини ошириш манбалари ва усусларини;
- ишлаб чиқариш объектларининг барқарор ва хавфсиз ишлатиш усусларини ва техник тизимларининг фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлигини тадқиқ қилишни **билиши** керак.
- ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ечишда глобал кўриниш олаётган инсон ҳаётига таъсир кўрсатувчи жараёнларга қарши курашиш;
- ускуналарнинг кўрсаткичларининг ва салбий таъсир қилиш даражасини меъёрий талабларга мос келишини назорат қилиш;
- жароҳатланишга олиб келувчи ҳолатларда ҳимоя воситаларидан самарали фойдалана олиш;
- ишлаб чиқариш фаолиятида тозаликни таъминлаш ва хавфсизликни ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- электр токидан ёки бошқа жароҳатлардан заарланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш **кўникмаларига**эга бўлиш керак.
- ўкув модулини ўргатиш натижасида тингловчи ҳаётий фаолияти

хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва зарурий ҳисоблаш ишларини амалга ошириш *малакаларига* эга бўлиши керак.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси”, “Меҳнат мухофазаси” ва “Ёнғин хавфсизлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, инсон ҳаётига нисбатан таҳдидлар ва уларга қарши курашувчи воситалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назай	Амалий	Кўчма
1	“Ҳаёт фаолият хавфсизлиги” фанининг аҳамияти, мақсад ва вазифалари. Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг назарий ва хукуқий асослари	2	2		
2	Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси. Ишлаб чиқариш корхоналаридағи микроиклим параметрлари ва уларнинг аҳамияти.	2	2		
3	Ишлаб чиқариш корхоналарини ёритиш. Ишлаб чиқаришда шовқин, титраш, ультра ва инфратовушлар	2	2		
4.	Ишлаб чиқариш объектларида ҳаво алмаштириш. Ишлаб чиқаришда электр хавфсизлик асослари.	2	2		
5.	Ишлаб чиқариш хоналарининг заарли чанглар билан ифлосланганлик даражасини аниқлаш.	4		4	
6.	Саноат корхоналари ва муассасаларда микроиклим шароитларини аниқлаш.	2		2	
7.	Ишлаб чиқариш корхоналарида ва иншоотларда табиий ёруғликни аниқлаш.	2		2	
8.	Саноат корхоналарида шовқинни аниқлаш.	2		2	
	Жами:	18	8	10	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанининг аҳамияти, мақсад ва вазифалари. Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг назарий ва хуқукий асослари.

Ҳаётий фаолият хавфсизлиги фанининг таркибий қисмлари ва уларнинг текшириш обьектлари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмунни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Техносферада хавфсизликни таъминлаш воситалари. “Инсон - муҳит” тизимида инсон омили. Фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг эргономика асослари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг иқтисодий жиҳатлари.

2-мавзу. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги микроқлим параметрлари ва уларнинг аҳамияти.

Ишлаб чиқариш санитарияси, унинг вазифалари. Ишлаб чиқаришда заарли омиллар, уларнинг инсон организмига салбий таъсирини камайтириш тадбирлари ва методлари. Ишлаб чиқариш микроқлимининг параметрлари ва уларнинг гигиеник меъёрларини белгилаш. Микроқлимнинг қўрсаткичларини ўлчаш ва назорат қилиш асбоблари, ҳамда таҳлил қилиш услублари. Ишлаб чиқариш хоналарида ва иш ўринларида микроқлимнинг қўрсаткичларини ҳамда заарли моддаларнинг ҳаводаги миқдорини талаб даражасига келтиришнинг чора-тадбирлари.

Ишлаб чиқариш чангнинг ишчилар саломатлигига заарли таъсири, омиллари, чанг зарраларининг физик-кимёвий хоссалари, катталиги ва шакли, ҳаводаги чангнинг миқдори, смена давомида таъсир этиш муддати ва касбда ишлаш даври, муҳит ва меҳнат фаолияти каби омилларнинг бир вақтда таъсир этиши, ташқи ҳарорат кўтарилиганда ёки киши жисмоний меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш даражаси ошиши.

Ишлаб чиқаришда ишчига меҳнат фаолияти шароитида таъсир этадиган ва иш қобилиягини пасайтирадиган, шунингдек, соғлиғига путур етказадиган касбий ёки ишлаб чиқаришда рўй берадиган заҳарланишлар.

Технологик жараёнларнинг ва иш зонасига заҳарли моддаларнинг тушишига қарши кураш воситалари. Рухсат этилган чегаравий миқдор ҳақида тушунча.

3-мавзу. Ишлаб чиқариш корхоналарини ёритиш Ишлаб чиқаришда шовқин, титраш, ультра ва инфра товушлар.

Ишлаб чиқариш корхоналари хоналарини ёритиш усуслари. Ишлаб чиқариш корхоналари хоналарини ёритишга қўйиладиган асосий талаблар.

Ишлаб чиқариш хоналарини ва иш жойларини ёритиш. Ёритишнинг турлари ва унга бўлган гигиеник талаблар. Ёруғликни тавсифловчи тушунча ва кўрсаткичлар. Ишлаб чиқариш ёритишнинг тавсифи ва нормаланиши. Ёруғлик манбалари ва ёритгич ускуналари. Иш жойларида ёритишни ўлчаш ва назорат қилиш.

Замонавий ишлаб чиқариш жараёнида қурилмалардан фойдаланиш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнида сезиларли даражадаги шовқин ва тебранишлар хосил бўлиши, ишчиларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши, асосий физик тавсифлари ва инсонларга таъсири классификацияси.

4-мавзу. Ишлаб чиқариш объектларида ҳаво алмаштириш. Ишлаб чиқаришда электр ҳавфсизлик асослари.

Корхоналарни шамоллатиш ва кондиционерлаштириш, вентиляция тушунчаси, табиий ва механик вентиляция тизимлари, инфильтрация, табиий шамоллатиш, аэрация, шамоллатиш тизимларининг турлари, афзалликлари, камчилиги, механик шамоллатиш турлари, маҳаллий, ҳаво киритувчи ва сўрувчи, авариявий шамоллатиш тизимлари, саноат корхоналарининг хоналарини замонавий шамоллатиш тури, кондиционерлашган ҳаво билан таъминланишини амалга ошириш. Юк ташиш ва уларни қўтариб-тушириш воситаларининг техник ҳолатига қўйиладигай ҳавфсизлик талаблари. Юк

күтариш-тушириш машиналаридаги хавфсизликни таъминловчи қурилма ва асбоблари.

Ишлаб чиқаришдаги юқори босим ва катта қувват билан ишлайдиган машина, механизмлар ва қурилмаларни сақлаганды, сервис хизмат кўрсатганда ва ишлатганда техника хавфсизлиги талаблари. Давлат назорат органи томонидан текшириш ва ҳисобга олиш.

Ток таъсирига тушиб қолиш хусусиятлари. Электр токи таъсирига тушган инсонга биринчи ёрдам кўрсатиш. Электр токининг хавфлилик хусусиятлари. Электр токида жароҳатланиш сабаблари. Электр ускуналарнинг ва хоналарнинг электр хавфсизлиги бўйича классификацияси. Қадам кучланиши ва ундан ҳимояланиш. Электр токидан жароҳатланганларга биринчи ёрдам бериш тартиби ҳақида тушунча.

Ерга улаб муҳофазалаш қурилмаси ва унинг турлари. Электр қурилмаларида қўлланиладиган муҳофаза воситалари. Статик электр заряди ва унинг манбалари.

Электр токидан ҳимояланиш тадбирлари, ўтказгичларни изоляциялаш, кичик кучланиш, потенциалларни тенглаштириш, ерга улаш, ноллаштириш, ҳимоялаш, ажратгичлар, блокировка ва шахсий ҳимоя воситалари. Кўчма электр ускуналарида электр хавфсизлигини таъминлаш. Статик электр заряди таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш.

Амалий машғулот мазмуни

1-амалий машғулот: Ишлаб чиқариш хоналарининг заарли чанглар билан ифлосланганлик даражасини аниқлаш.

Чанг камерасидан чангни сўрилиши. Иш жойларда пайдо бўладиган чангни сўриш воситалари ва механизмлари. Чанг нормалари билан таништириш.

2-амалий машғулот: Саноат корхоналари ва муассасаларда микроиклим шароитларини аниқлаш.

Саноат корхоналари ва муассасаларида микроқлимни ташкил қилувчи параметрлар билан танишиш. Ўлчов асбоблари барометр, термометр, анемометр, психрометр ёрдамида иш бажарилиб ҳисобот тайёрлаш.

3-амалий машғулот: Ишлаб чиқариш корхоналарида ва иншоотларда табиий ёруғликни аниқлаш.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ва иншоотларда табиий ёруғликни аниқлаш усуллари билан танишиш. Ўлчов асбоби люксметр ёрдамида олинган натижалар асосида ҳисобот тайёрлаш.

4-амалий машғулот: Саноат корхоналарида шовқинни аниқлаш.

Ишлаб чиқариш корхона дастгоҳлари ва ускуналаридан ҳосил бўладиган шовқинни аниқлаш. Шовқин меъёрлари билан танишиш ва олинган натижаларни ҳисоблаш.

Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурӯҳли (кичик гурӯҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гурӯҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гурӯҳларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурӯҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача

иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилған таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиши методига кўра гурҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин. Бир турдаги гуруҳли иш ўкув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда – ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Блиц-сўров” методи

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўкувчи (талаба)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

1. Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни
ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласди

2. Талабалар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб
беради

ЗГурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб
қайтаради (унинг гуруҳдошлари жавобни тўлдиради, (бироқ, фикрлар
такрорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг
моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма)
тарзида ёритилиши мумкин.

Методнинг мавзуга қўлланиши:

Талабаларга қўйидаги саволлар берилади:

- 1.Хавф-хатар деб нимага айтилади?
2. Қандай хавф-хатарларни биласиз?
3. Нима учун хаёт фаолият хавфсизлиги асосий муаммога айланди?
4. Инсон фаолияти хавфсизлигини таъминлаш керакми?
5. Ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш давр талаби деб ҳисоблайсизми?

6. “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” фани нимани ўрганади?
7. “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

«Венин диаграммаси» методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвири орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

Иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади; навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан групҳ аъзоларини таништирадилар; жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Методнинг мавзуга қўлланилиши:

Шовқинлар келиб чиқиши бўйича асосан уч хил бўлади:

1. Саноат шовқини;
2. Транспорт шовқини;
3. Маиший шовқинлар.



Тингловчилар жуфтликларда берилған вазифаны бадаражи. Тақдимот қиласы
ва үқитувчи томонидан муҳокама қилинади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. “Хаётий фаолият хавфсизлиги” фанининг аҳамияти, мақсад ва вазифалари. Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг назарий ва хуқуқий асослари.

Режа:

- 1.1.Фанинг асосий тушунча ва таърифлари.
- 1.2.Таваккал назариясининг асосий қоидалари.
- 1.3.Хавфсизликнинг системали тахлили.
- 1.4.Фаолият хавфсизлигини таъминлаш принцип, усул ва воситалари.
- 1.5.Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий ва хуқуқий асослари.

Таянч иборалар: Ҳавф, фаолият хавфсизлиги, таксономия, ҳавфларнинг номенклатураси, хавфсизлик концепсияси, технологик жараёнлар, микроиқлим, ишчи ҳудудининг ҳаво мұхити, вибратсия, вентиляция, ёритиш, гигиеник нормалар.

1.1. Фанинг асосий тушунча ва таърифлари.

Ҳавф – хаётий фаолият хавфсизлигининг (ҲФХ) марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса, жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўридан-тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини тушунилади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади¹.

Тахлилнинг мақсадига кўра ҳавфни характерловчи белгиларнинг сони кўпайиши ёки камайиши мумкин. ҲФХ даги ҳавфга берилган юқоридаги таъриф мавжуд бўлган стандарт тушунчаларни (ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари) ўзига тортувчи, ҳамда фаолиятнинг хамма турларини хисобга олувчи жуда салмоқли тушунчадир.


Ҳавф энергияга эга бўлган кимёвий ёки биологик актив компонентларни ўзида жойлаштирган хамма системаларни, ҳамда инсон хаёт фаолияти шароитига жавоб бермайдиган тавсифларни ўзида сақлайди.

¹ SHEFFIELD CITY COUNCIL. Health and Safety Enforcement Team. Health and Safety in the Workplace 2013. ISBN: 9780717612765. Series code: HSG65. P-14.

Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг назарий асослари фани таркибида инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини ўз ичига қамраб олади.

Ҳаётий фаолият хавфсизлигининг назарий асослари бу хар қандай кўринишдаги фаолиятда қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликни назарий асосидир.

«Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» фани қурбонлар ва улар натижасида келиб келиб чиқадиган зааррларни камайтириш ва олдини олиш масалаларни хал қиладиган фандир. Демак, фаннинг мақсади меҳнат хавфсизлигини чуқур ўрганиш, билиш, ташвиқот қилиш ва инсонларни хавф-хатардан ҳимоя қилиш масалаларини ўрганишдан иборат. Бунинг илмий замини эса ишлаб чиқаришда шикастланиш, касбий касалликлар ва уларнинг сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, меҳнат фаолиятида қўлланиладиган асбоб ва ускуналарнинг шу жумладан, замонавий компьютер техникаси ва асбобларининг хавфсизлик ҳамда зааралик даражасини аниқлаш, технологик жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишларини тўғри ташкил этишдан иборат.



1-расм. «Хаётий фаолият хавфсизлиги» фанининг структуравий тузилиши.

«Хаётий фаолият хавфсизлиги» фани бир қатор маҳсус фанлар билан узвий боғлиқ. Шу жумладан, «Эргономика», Мухандислик психолоияси», «Мехнатни илмий асосда ташкил қилиш», «Техник эстетика», «Мехнат физиологияси ва гигиенаси» ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Фанинг структуравий тузилиши 1-расмда акс эттирилган.

Хавфлар ва вазиятларнинг турлари – хилма-хилдир. Шу сабабли, уларни аниқ бир тартиб бўйича жойлаштириш мумкин. Яъни, ўзгарувчан ҳаракат, ҳаво тезлиги, босим, ёруғлик, ҳавони ионлаштириш, портлаш, гербецид, шовқин, тебраниш, ёнғин, заҳарли моддалар, лазер нури, электр ёйи каби турлари мавжудлигига эга бўламиз.

Хавф-хатар- одамлар ҳаёти ва соғлигига, ҳаёт фаолиятга таҳдид ва атроф – муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарар. У фавқулодда вазият манбаи ҳисобланади ва маълум қулай шароитда фавқулодда вазиятга айланади.

Фавқулодда вазият- одамлар қурбон булиши, уларнинг соғлиги ёки атроф муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофотлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишга олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, халокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа оғат натижасида муайян худудда юзага келган вазият.

Фаолият –инсоннинг жамиятда мавжуд бўлиши учун керакли шароит. Мехнат фаолиятнинг юқори шакли. Мехнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб, улар ҳаётда учрайдиган ақлий маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Фаолият жараёни модели икки элементдан иборат:

- Инсоннинг муҳит билан тўғри муносабати.
- Инсоннинг муҳит билан тескари муносабати.

«Инсон-Муҳит» системаси иккига бўлинади.

- Аниқ бир мақсадга эришиш.
- Кўнгилсиз ҳодисаларни чиқариб ташлаш.

Ушбу натижасида хавфлар келиб чикиши мумкин.

Фаровонлик - иш жойида шахслар тинчлиги ва саломатлигини ҳимоя қилишга доир имтиёзларни таъминлашдир. Фаровонликнинг қулайликлари ўз ичига қўйидагиларни олади: ювиш ва санитария келишувлари, сув истеъмолини таъминлаш, иситиш, ёритиш, кийим-кечак учун жой, яшаш (Қачон иш фаолияти ёки дам олиш учун заруурат туғилганда) истеъмол қилиш ва дам олиш хоналари. Биринчи ёрдам хизматлари ҳам фаровонликнинг имтиёзлари бири ҳисобланади².

Касб ёки ишга боғлиқ жароҳатланиш – бунга иш жойидаги фаолияти натижасида сабаб бўладиган ёки туртки бўладиган касалликлар ёки жисмоний ва ақлий тартибсизликларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Бундай ҳолатлар шахснинг муаян иш фаолияти орқали ёки иш жойидаги бошқаларнинг фаолияти натижасида юзага келиши мумкин. Касалликнинг таъсири ва бошланиши ўртасидаги вақт оралиғи қисқа (масалан, астма хуружи) ёки узок (масалан карлик ёки саратон) бўлиши мумкин.

Атроф мухитни муҳофаза қилиш – булар иш жойида атроф- мухитга ва, эҳтимол, ходимлар ва бошқаларнинг соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик таъсир қиласидаги фаолиятлар тугатишга доир келишувлар (флора, фауна, сув, ҳаво ва тупроқ шаклида) дир. Бундай тадбирлар чиқиндилар ва атмосфера ифлосланишлари кабиларни ўз ичига олади.

Бахтсиз воқеа - Бу хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш кенгаши (ХСЕ) томонидан “одамларнинг касал бўлиши ёки жароҳатланиши, ёки мулк, ўсимлик, материаллар ёки атроф - мухитга зарари ёки зиёни, ёки бизнес имкониятига заарга сабаб болиши мумкин бўлган ҳар қандай режасиз воқеа” билан белгиланади. Бошқаларда бахтсиз ходиса хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш Кенгашига қараганда торроқ ифодалаган. Бу китоб ҳар доим хавфсизлик ва Соғлиқни сақлаш Кенгаши (ХСЕ) таърифидан фойдаланади.

²Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-27.

Түқнашув - Бу бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа ҳисобланади. Тўқнашувни олдиндан билиш, изланишлар кўрсатганидек, (таксинан, иш жойидаги маълум ҳудудда деярли 10та тўқнашув ҳодисалари содир бўлади) жуда муҳим ҳисобланади.

Хавфли воқеа - бу бир «тўқнашув» бўлиб, жиддий жароҳати ёки ҳаёт йўқотилишига олиб келиши мумкин. Хавфли воқеалар жароҳатланишлар ҳисботида ҳамда Касалликлар ва хавфли можаролар низомида (кўпинча ЖҲҚҲМН сифатида маълум бўлган) белгиланади ва ҳар доим тартибот органларига ҳисбот беради. Кран ёки ҳавоза ағдарилиши, ҳар қандай йўловчи ташувчи ускунанинг бузилиши бунга мисол бўла олади.

Хавф ва хатар - хавф бу моҳиятнинг салоҳияти бўлиб, заарар етказувчи шахс, ҳаракат ёки жараён ҳисобланади. Хавф кўп кўринишларга эга, масалан, кимёвий моддалар, электр ва нарвон устидаги иш. Хатар бу моҳиятнинг эҳтимоллиги бўлиб, фаолиятни ёки жараённинг заарар етказишга бўлган эҳтимолини билдиради. Хатарни камайтиrsa бўлади ва хавфни эса яхши назоратчи томонидан бошқарса бўлади. Хавф ва хатар ибораларини фарқлаш жуда муҳим саналади - икки атамалар тез-тез янгиштирилади ва қурилиш ишлари каби ишларни юқори хавфда бўлса ҳам тез-тез юқори даражадаги хатар дейишади. Хавф юқори бўлишда давом этган сари, хатар камайтирилади³.

Хавфсизлик – бу баъзи эҳтимолларга асосланган ҳолда пайдо бўладиган хавф-хатарларни истисно этилган фаолият холатидир. Хавфсизлик бу мақсад бўлиб унга эришиш учун қўлланадиган воситалар танлашни, йўл- йўриқларни, қўлланмалар тузишни ва усусларни ҳаёт фаолият хавфсизлиги назарий асослари ўргатади.

Хавфлар руйхати- бу аниқ бир тартиблар буйича қўйилган номлар, атамалардир (ўзгарувчан ҳарорат, хаво тезлиги, босим, ёруғлик, портлаш, шовқин, титраш, ёнгин, захарли моддалар, лазер нури, электр ёйи ва.х.к.). Ҳар

³ Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-27.

бир объектда ўтказиладиган аниқ текширишлар натижасида хавфлар руйхати тузилади.

Хавфлар таксономияси. Таксономия - бу мураккаб ходисалар, тушунчалар ва объектларни синфлаштириш ва системалаштириш хақидаги фандир. Таксономия сўзи хавфларни қонун бўйича жойлаштириш деган маънони беради. Модомики хавф кўп белгиларга эга бўлган мураккаб иерархик тушунчадир. Фаолият хавфсизлиги соҳасида илмий билимларни ташкил килишда хавфларни таксономиялаш мухим рол ўйнайди ва уларнинг табиатини чуқур билишга ундейди. Ҳозирча хавфларнинг етарлича тўлиқ мукаммал таксономияси яратилмаган. Бу ўқитувчи ва олимлар олдида келгусида жуда катта илмий изланишлар олиб боришни кўрсатади.

Хавфлар номенклатураси. Номенклатура - маълум белгиларига кўра системалаштирилган хавфли ном ва сўзлар рўйхатидир. Ҳозирги кунда хавфларнинг номенклатурасини умумий холда алфавит тартибида қўйидагича келитирамиз: ажал, аланга, алкоголь, вакуум, вулкан, вахима, газ, гербисид, дард, динамика зўриқиши, емирилиш, ёмғир, ёнгин, зўриқиши, захар, зилзила, ифлосланиш, ичкилик, касаллик, камчилик, куйиш, латемоқ, лойқаланиш, лазер нурлари, магнит майдони, момақалдирок, метеоритлар, микроорганизмлар, намланиш, пулсасия, пасайиш, радиасия, резонанс, соғаймоқ, сағланиш, сирпаниш, тебраниш, ток уриши, тоймоқ, ўзилиш, яшин урмоқ, ултратовуш, хужум, хавф, чарчаш, шамол, шовкин, электр токи, электр майдони, яхмалак, ядро.

Аниқ илмий изланишлар олиб борилганда, хар бир алоҳида объектлар учун (ишлаб чиқариш, цехлар, иш жойлари, жараёнлар, касблар ва хакозо) хавфлар номенклатураси тузилади.

Хавфлар квантификацияси. Квантификация - мураккаб тушунчаларнинг сифатини аниқлашда сонли тавсифларни жорий қилишдир. Амалда квантификасиянинг сонли, балли ва бошқа усувлари қўлланилади. Хавфларни баҳолашнинг энг кенг тарқалган усули таваккалдир.

Хавфлар идентификацияси⁴. Идентификация - деганда хаёт фаолиятини таъминлашга йўналтирилган олдини олиш ва тезкор тадбирларни яратишга зарур ва етарли бўлган сонли, вақтинчалик, фазовий ва бошқа тавсифларни топиш ва аниқлаш жараёнини тушунамиз. Идентификация жараёнида аниқ масалаларни ечиш учун муҳим бўлган хавфлар номенклатураси ва уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги, жойини яккалаш, кўзда тутилган зарар ва шунга ўхшаш ўлчамлари аниқланади.

Сабаб ва оқибат. Потенциал (яширин) хавфларни юзага келтирувчи шароит сабаблар дейилади. Бошқача қилиб айтганда, сабаблар вазиятлар тўпламини характерлайди, унга кўра хавфлар пайдо бўлади ва у ёки бу кутилмаган оқибатлар ва заарларни келтириб чиқаради. Зарар ёки кутилмаган оқибатларнинг шакллари ҳар хилдир: ҳар хил оғирликдаги жароҳатлар, замонавий усуллар билан аниқланадиган касалликлар, атроф мухитга зарар ва бошқа.

Хавф, сабаблар ва оқибатлар - булар шундай воқеалар, яъни баҳтсиз ходиса, фавқулодда холат ва ёнғинларнинг асосий кўрсатгичлариdir.

Учлик “хавф-сабаблар-кўнгилсиз оқибатлар” - бу ривожланишнинг логик жараёни бўлиб потенсиал хавфни бор бўлган заарга олибкелади. Коида бўйича бу жараён бир неча сабабларни ўз ичига олади, яъни у кўп сабаблидир. Хавф кўнгилсиз воқеага ҳар хил сабаблар билан айланиши мумкин. Баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш асосида сабабини қидириш ётади.

Бунга бир қанча мисоллар келтирамиз:

- Захар (хавф) - хато (сабаб) - захарланиш (кўнгилсиз оқибат).
- электр токи (хавф) - қиска туташув (сабаб) - куйиш (кўнгилсиз оқибат).
- Ичимлик (хавф) - кўп ичиш (сабаб) - ўлим (кўнгилсиз оқибат).

Хавфларнинг синфланиши.

⁴ Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-28.

1. Келиб қикиш табиатига кўра хавфлар қуидагиларга бўлинади: табиий, техникавий, антропоген (инсон билан боғлик), экологик, аралаш (иккита ва ундан ортиқ).

2. Maxsus стандартлар бўйича: физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик.

3. Салбий оқибатларнинг вақт бўйича келибчиқишига кўра хавфлар импулсли ва кумулятив (инсон организмида йигилувчи) бўлади.

4. Олиб келувчи оқибатига кўра: толикиш, касалланиш, жарохатланиш, халокат, ёнгин ва ўлим хавфлари.

5. Келтирувчи зарарига кўра: ижтимоий, техник, экологик.

6. Яккалаши бўйича: литосфера, гидросфера, атмосфера ва космос билан боғлик бўлган хавфлар.

7. Келиб чиқиш соҳасига кўра: турмушга, спортга, йўл - транспортига, ишлаб чиқаришга оид хавфларга бўлинади.

8. Тузилишига кўра хавфлар оддий ва хосил қилинган (оддийларнинг таъсирида хосил қилинган) бўлади.

9. Инсонга таъсир қилиш характеристига қараб фаол (актив) ва суст (пассив) хавфлар бўлади.

Энергия ҳисобига фаоллашадиган хавфлар суст хавфларга киради, буларни инсоннинг ўзи вужудга келтиради. Булар: ўткир (санчилувчива кесувчи) қўзгалмас жисмлар, инсонлар юрадиган юзаларнинг нотекислиги, қияликлар, баландликлар, бир-бирига тегаётган текисликлар орасидаги ишкаланиш ва бошқалар. Хавфларнинг баҳтсиз ходиса юз беришидан олдинги (априор) ва у юз бергандан кейинги (апостериор) белгилари мавжуд.

Фаолиятнинг потенциал хавфи хақида аксиома ҳар қандай фаолиятнинг хавфлилигини тасдиқлашга инсоният тажрибаси асос беради. Фаолиятнинг биронта тури йўқки, у абадий хавфсиз амалга ошса. Ўз навбатида, қуидаги хulosани ифодалашимиз мумкин: ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиоматик характерга эгадир. Берилган аксиома факат методологик ва эвристик аҳамиятга эгадир.

Моддий дунёning қарама қаршилигидан келиб чиқкан ҳолда тескари муносабатлар содир бўлади.

Мутлақо хавфсиз бўлган иш ёки фаолият бўлиши мумкин эмас. Демак, фаолият қандай бўлмасин унда яширин хавф мавжуд. Шу билан бирга, табиатда бир қатор инсон фаолиятига хавф солувчи фавқулотда вазиятлар мавжуд. Уларни 2 та асосий гурӯхга ажратиш мумкин.

1. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар;
2. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар;
3. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар.

Табиий фавқулотда вазиятларга зилзила, кучли сел, ер кўчиши, туфон, сув тошқини ва бошқалар киради.

Техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларга эса сув омборларидағи авария ва ҳалокатлар, ёнгин, портлаш, транспорт, энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар, кимёвий ва радиациявий хавфлар шулар жумласидандир. Шу сабабли, табиий ва техноген фавқулотда вазиятларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш, олдини олиш, хавфни башорат қилиш фавқулотда вазиятларда қутқарув ишларини ташкил этиш, иқтисодий зарарни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Хавфларни ўрганиш тартиби 3 босқичда амалга оширилади, яъни **I- босқич** хавфларни олдиндан таҳлил этиш. Бу босқичда 3 та кичик босқич амалга оширилади .

Яъни, 1-қадам - хавф манбаларини аниқлаш.

2-қадам - хавфни вужудга келтирувчи ҳолатларни аниқлаш.

3-қадам - таҳлилни чегаралаш, яъни текширилмайдиган хавфларни чиқариб ташлаш.

II-босқичда -хавфли ҳолатларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, ходиса ва «Хавфлар дарахтини» (шажарасини) тузиш.

III-босқич эса оқибатларни таҳлил қилишдан иборат.

Хавфсизлик тизими – бу хавфсизликнинг мураккаб масалаларини ҳал қилиш йўлларини тайёрлаш, асослаш ва фойдаланиладиган методологик чоралар йигиндисидир.

Узаро таъсири билан аниқ бир мақсадга эриштирадиган алоқалар ва қисмлар йигиндиси **тизим** деб аталади. Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш асослари маълум методологик аҳамиятига эга.

Асос бу - фикр, ғоя, мақсаддир.

Усул эса - энг умумий қонуниятларни билиш орқали мақсадга эриштириш йулидир. Асослар ва усуллар узаро боғлиқдир. Хавфсизликни таъминлаш чоралари эса бу усуллар ва асосларни амалий, ташкилий, моддий гавдалантириб амалга оширишдир. Демак, асослар, усуллар, чоралар хавфсизликни таъминлашдаги мантиқий пағоналардир.

1.2. Таваккал назариясининг асосий қоидалари

1990 йил сентябрда Келн шаҳрида фаолият хавфсизлиги бўйича Биринчи Бутунжохон конгресси илмий фан сифатида “Ҳаёт хавфсизликда” шиори остида бўлиб ўтади. Бу анжумандада дунёнинг турли жойларидан келган олим ва мутахассислар ўзларининг маъруза ва хабарларида доимо “таваккал” тушунчасига таяндилар. Хавфсизлик бўйича бу тушунча бизнинг техник адабиётларимизда хали эътироф қилинмаган ва тарқалмаган эди. «Таваккал» хақида В. Маршалл қўйидаги таърифни беради, яъни у таъкидлайдики таваккал - хавфларни амалга ошириш частотасидир.

Умумий қилиб айтганда таваккал - хавфларни сон жихатдан баҳолашдир. Сонли баҳолаш - у ёки бу кўнгилсиз оқибатлар сонининг маълум давр ичида бўлиши мумкин бўлган сонига нисбатидир. Таваккални аниқлаш мобайнида оқибатнинг синфини кўрсатиш мухимдир, яъни ниманинг таваккали деган саволга жавоб бериш керак. Расмий равишда таваккал - бу тез-тез такрорланишдир. Бундай олганда бу тушунчаларни хавфсизлик муаммоларига нисбатан қўлланилганда улар орасида анча фарқ бордир. Таваккал муаммоларининг бошқа жихатларини ўрганишдан олдин қўйидаги мисолларни келтирамиз.

1-мисол. Бир йилда МДХда ишлаб чиқаришида бўладиган инсон ўлиш таваккалини аниқланг, агар хар йили 14000 одам ўлса, ўртacha ишлайдиганларнинг сони 138 миллион бўлса:

$$R_{mam} q \frac{1,4 \cdot 10^4}{1,38 \cdot 10^8} = 10^{-4}$$

демак ишлаб чиқаришда бўладиган инсон ўлиш таваккали - 10^{-4} тенг.

2-мисол. Хар йили мамлакатда табиий бўлмаган ўлимдан ташқари хар хил хавфлар оқибатида 500 минг киши ўлса, мамлакат аҳолиси 300 млн.бўлса, мамлакатда хавфлар натижасида бўладиган аҳоли ўлиш таваккали қўйидагича аниқланади:

$$R_{mam} q \frac{5 \cdot 10^5}{3 \cdot 10^8} = 1,7 \cdot 10^{-3}$$

Таваккал социал ва индивидуал (якка) турларга бўлинади.

Индивидуал таваккал алоҳида шахс учун маълум турдаги хавфни характерлайди.

Социал таваккал - бу бир гурӯх одамлар учун бўлган таваккал.

Социал таваккал- одамлар орасидаги ходиса частотаси билан зарарланганлар сони ўртасидаги боғланишдир.

Таваккал ва хавфларни жамоатчилик томонидан қабул қилиш субъективдир. Кўп сонли бир вақтдаги йўқотишларга олиб келувчи ягона воқеаларни инсонлар бирданига сезади ва қабул қиласди. Шу вақтда хусусий воқеа натижасида бир ёки катта бўлмаган гурӯх одамларнинг халок бўлиш шовшувли халотларга олиб келмайди. Ишлаб чиқаришда бир кунда 40-50 одам ўлса, мамлакат бўйича хар хил хавфлардан 1000 одам хаётдан кўз юмади. Аммо бу маълумотлар битта авария ёки жанжалда 5-10 кишининг ўлишига қараганда унча тафсилотли кўринмайди. Буларни маълум бўлган таваккал муаммоларини кўрганда албатта эътиборга олиш мухимдир. Таваккални баҳолашда субъектив камчиликдан воғиқ бўлган усуслар ва услубиятларни излаш мухимлигини таъкидлайди. Мутахассисларнинг фикрича хавфларни баҳолашда таваккални кўллаш трофитоп кўрсатгичларни ишлатишга қараганда устунлигини кўрсатади. Қийдаги жадвалда мисол тариқанасида якка индивидуал таваккални

тавсифловчи хорижий маълумотларни келтирамиз. 1-жадвал. Бир йилда хар хил сабаблардан келиб чиққан якка таваккал (АҚШ нинг хамма аҳолисига тегишли маълумотлардан).

Якка индивидуал таваккал

1.1-жадвал

Келтирилган сабалар	Якка таваккал
Автомобил транспорти	3×10^{-4}
Тушиб кетиш	9×10^{-5}
Ёнғин ва куйиш	4×10^{-5}
Чўкиш	3×10^{-5}
Захарланиш	2×10^{-5}
Ўқ ўтар қурол	1×10^{-5}
Станик жиҳоз	1×10^{-5}
Сув транспорти	9×10^{-6}
Ҳаво транспорти	9×10^{-6}
Тушувчи предметлар	6×10^{-6}
Електр токи	6×10^{-6}
Темир ёл транспорти	4×10^{-6}
Яшин токи	5×10^{-7}
Хоказо	4×10^{-5}
Умумий таваккал	6×10^{-4}
Ядро энергияси (100 та реакторда)	2×10^{-10}

Таваккал квантификасияси. Кўпчилик мутахассислар таваккал билан афзалликни таққослашда инсон хаётининг молиявий ўлчовини киритишни таклиф қиласидилар. Бундай ёндашиш айрим шахслар ўртасида норозиликларни олиб келмоқда, улар таъкидлайдиларки инсон хаёти буюkdir, уни молиявий жихатдан баҳолаш мумкин эмас. Лекин тажрибада, инсонлар хавфсизлиги

мақсадида бундай баҳолаш зарурияти мүккарап равишида пайдо бўлади. Агар олдимизга шундай саволни қўйсак: “Инсон хаётини қутқариш учун қанчамаблағ сарфлаш керак?” АҚШда хорижий олимларнинг илмий-тадқиқотлари бўйича инсон хаёти 650 мингдан 7 млн.доллар атрофида баҳоланади.

Таваккални аниқлашини 4 хил услубий ёндашишига бўлиши мумкин:

1. Инженерлик - бу статистика, частоталар ҳисоби, ҳавфсизликнинг эҳтимолий таҳлили ва ҳавф дараҳтларини қуришга асосланади.

2. Моделли - бу алоҳида одамга, ижтимоий ва қасбий гурухларга заарли омилларнинг таъсир қилиш моделини қуришга асосланади.

Бу иккита усул (метод) ҳисобларга асосланади, ҳамма вақт ҳам маълумотлар етарли бўлмайди.

3.Текширишга асосланган (эксперт) бунда ҳар хил ҳодисаларнинг эҳтимолини малакаси ошган мутахассис (эксперт)ларни сўраш билан аниқланади.

4. Ижтимоий - аҳолини сўрашга асосланган.

Юқорида қайд қилинган усуллар таваккалнинг ҳар хил томонларини очиб беради. Шунинг учун уларни комплекс холда қўллаш зарурдир.

Маъқул бўлган таваккал концепсияси. Анъанавий техника ҳавфсизлиги қатъий равишида ҳавфсизликни таъминлаш ва хеч қандай талофатларга йўл қўймасликка асосланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича бундай концепсия техносфера қонунларига мос келмайди. Мутлоқ (абсолют) ҳавфсизликни талаб қилиш инсонлар учун ўзининг инсонпарварлигидан сотиб олинган фожиага айланиши мумкин, шунинг учун ишлаётган системаларда нолинчи даражадаги таваккални таъминлаш мумкин эмас.

Ҳозирги дунё мутлоқ ҳавфсизлик концепциясидан юз ўгиради ва маъқул бўлган (руҳсат қилинган) таваккалга келади. Маъқул бўлган таваккалнинг мазмуни ҳозирги давр вақтида жамиятга маъқул бўлган ҳавфсизликга интилишдир. Маъқул бўлган таваккал ўзида техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жихатларни мужассамлаштиради ва ҳавфсизлик даражаси билан уларни амалга ошириш имкониятлари уртасида айрим баҳсларни келтириб

чиқаради. Ҳаммадан олдин шуни назарда тутиш керакки, техник системаларнинг хавфсизлигини оширишда иқтисодий имкониятлар чегаралангандир. Хавфсизликни ошириш учун жуда кўп маблағлар сарф қилиб, ижтимоий соҳага катта зарар келтириш мумкин, масалан, тиббий ёрдамни ёмонлаштириш. Ҳаражатларнинг ошиши билан техник таваккал камаймоқда, аммо ижтимоий таваккал ошиб кетмоқда. Техник ва ижтимоий соҳалар ўртасидаги маълум бир нисбатда жамий таваккал минимумга эгадир. Шу кунда жамият тинчлигини таъминлаш учун, бу холатни таваккални танлашда албатта эхтиборга олиш мухимdir.

Айрим давлатларда, масалан Голландияда, маъқул бўлган таваккал қонуний тартибда белгиланган. Бир йилда инсон улиш якка таваккалининг максимал мумкин бўлган даражаси 10^{-6} га teng хисобланади. Хисобга олинмайдиган даражада энг кичик бўлган улишнинг якка тавакқали бир йилда 10^{-8} га teng. Агар биогесеноза турларининг 5% заарланадиган бўлса, экосистема учун максимал маъқул бўлган таваккал хисобланади. Маъқул бўлган таваккал концепсияси хали бизнинг мамлакатимизда ўрганилмаган. Найнки айрим мутахассислар буни ўрганишни муаммога нисбатан ноинсонпарварлик тарзда ёндашиш деб қараб, уни танқид остига олмоқда. Ҳақиқатда 2-3 тартибли маъқул бўлган таваккаллар “қаттиқ” фактларга асосланади. Бинобарин маъқул бўлган таваккални ўрганиш ва уни фанга киритиш инсонларни химоя қилишда бирдан-бир тўгри юл ҳисобланади⁵.

Таваккал билан бошқариш. Хавфсизлик даражасини қандай кўтарамиз? Бухавфсизлик назарияси ва тажрибасининг асосий саволидир. Чамаси бу мақсадда маблағларни 3 хил юналишда тақсимлаш лозим:

- техник системалар ва объектларни такомиллаштириш;
- хизматчиларни тайёрлаш;
- фавқулодда холатларни бартараф қилиш.

⁵ Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-27-30.

Априор таҳлилда ҳар бир йўналиш бўйича маблағлар нисбатини аниқлаш қийин. Аниқ маълумотлар ва шароитларни қўллаган холда маҳсус таҳлил зарурдир. Бунда хulosалар анча кутилмаган бўлиши мумкин. Таваккалга ўтиш техносфера хавфсизлигини оширишда принципиал янги эҳтиёжларни очади. Техникавий, ташкилий, маъмурий усулларга таваккал билан бошқаришнинг иқтисодий усуллари қўшилади. Буларга: сугтғурта (страхование), заарга пул компенсасияси, таваккал учун туловлар ва бошқалар киради. Таваккал учун конуний тартибда хуқуклар (квоталар) киритишни мутахассислар максадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Таваккални ҳисоблашда асосланган маълумотлар зарурдир. Ҳозирги кунда маълумотларга бўлган чукур талаб дуненинг хамма ерида миллий ва халкаро даражада тан олинган. Таваккал билан бошқаришда асосли пухта яратилган база ва банк маълумотлари ва улар корхона, регион шароитларида амалга оширилган булиш зарурдир. Хулоса килиб айтганда, таваккал билан бошқариш асосида харажат билан таваккални камайтириш ҳисобига олинган фойдаларни таккослаш усули ётади.

Хавфсизликни таъминлаш йўллари. Хавфсизликни таъминлашни йўллари жуда кўп уларни белгиларига қараб бир неча синфларга ажратиш мумкин. Масалан, йуналтирувчи, техник, ташкилий, бошқарув.

1. Йуналтирувчи белгиларга - операторни ёки компьютерда ишловчи ходимни, дастурловчини фаоллигини, иктидорини, уларни алмаштириш, тартиблаш ва хавфларни йўқотиш киради.

2. Техник белгилар - блокировка қилиш, шифрлаш, вакуумлаш, герметиклаш, масофа билан ҳимоялаш, маҳкамлаш, ҳаракатларни секинлаштиришdir.

3. Ташкилий белгилар - вақт билан ҳимоялаш, ахборот, заҳиралаш, мос келмаслик, меъёрлаш, ходимлар танлашdir.

4. Бошқарув белгилари эса - мослик, назорат, қарши алоқа, жавобгарлик, режалик, рағбатлантириш, самарадорлик каби бошқаришларни ўз ичига олади.


Инсон меҳнат фаолияти жараёнида бўладиган фазо иш жойи дейилади (демосфера), доим мавжуд ёки вақти - вақти билан хавф пайдо бўладиган фазо эса **максосфера** дейилади.

Хаётий фаолият хафсизлигини бошқариш қоидалари қўйидагилардан иборат.

1. Объект ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш.
2. Бошқариш тадбирлари.
3. Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларни ташкил этиш.
4. Ташкилий ишларни назорат қилиш.
5. Тадбирларни таъсир қилишини ва фойдасини аниқлаш.
6. Рағбатлантиришдан иборат.



2-расм. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларнинг турлари.



3-расм. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларнинг ўзаро боғлиқлик схемаси.

Демак, хаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш фанининг асосий мақсади ва вазифалари шулардан иборат.

Мавзу буйича якунлар: мавзу буйича куриб утилган саволлар инсоннинг хаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун зарур булган маълумотлар ва тушунчалар берилди. Талаба хавф ва хавфсизлик буйича тушунчага эга булиш учун дастлабки билимларни олди.



4-расм. Хавфсизликни таъминлаш усуллари.

Хавфларни ўрганиш тартиби

Хавфларни ўрганиш тартиби қуйидаги босқичларда олиб борилади:

Биринчи босқич- хавфни олдиндан тахлил қилиш. Бубосқич 3 та қадамдан иборат бўлади.

1-қадам. Хавфнинг манбанини аниқлаш.

2-қадам. Хавфни келтириб чиқариши мумкин бўлган система қисмларини аниқлаш.

3-қадам. Тахлилга чегараланишлар киритиш, яъни ўрганиш талаб қилинмаган хавфларни чиқариб ташлаш.

Иккинчи босқич- хавфли холатларнинг кетма-кетлигини белгилаш, хавфлар ва ходисалар дараҳтини қуриш.

Учинчи босқич- оқибатларни тахлил қилиш⁶.

1.3. Хавфсизликнинг системали тахлили

Системали тахлил - мураккаб муаммолар бўйича қарорларни тайёрлаш ва асослашда ишлатиладиган методологик воситалар йиғиндисидир, шу жумладан хавфсизликда хам. Система деганда элементлар мажмуаси тушунилади, улар орасидаги ўзаро таъсиrlар адекватли равишда бир хил натижага олиб келади. Бундай системани аниқ система деб атаемиз. Агар элементларнинг ўзаро таъсири хар хил натижаларга олиб келса, буни ноаниқ система дейилади.

«Система» сўзи грекча - система сўзидан олинган бўлиб, бутун қисмлар ва бирималардан тузилган демакдир.

Системанинг ташкил қилувчилари (элементлари, қисмлари) деганда нафақат моддий объектлар тушунилмасдан, яна улар орасидаги ўзаро муносабатлар ва боғланишларни хам англаш керак. Техник холати жихатидан соз бўлган хар қандай машина техник системага мисол бўла олади. Система элементларидан биттасини инсон ташкил қилса - эрготик система дейилади.

⁶ Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-29-30.

Эрготик системага мисоллар: “инсон-машина”, “инсон-машина-мухит” ва ҳоказо. Умуман олганда хар қандай предметни (жисмни) системали топиш шаклига эга деб тасаввур қилиш мумкин.

Системалик принципи ходисаларга бир бутун тўплам ёки комплекс деб караб уларни ўзаро боғликларда ўрганади. Тизим юзага келтирувчи мақсад ёки натижа система хосил қилувчи элементлар деб аталади. Масалан, системали ходиса бўлган ёниш (ёнғин) қуидаги асосий учта шарт (елемент) бўлгандагина юзага келади: ёнувчи модда, оксидловчи (кислород) ва ёндирувчи манба. Ташкил қилувчиларнинг хохлаган биттасини юқотиб бу тизимни бузишимиз мумкин.

Система, уни ташкил қилувчи элементларида юқ бўлган сифат белгисига эгадир. Системанинг жуда муҳим бу хусусияти эмерджентликдеб аталади. Бу хусусият, аслини олганда, умуман тахлил қилишнинг, шу жумладан хавфсизлик муаммоларининг хам асосида ётади. Системали тахлилнинг услубий статуси жуда гаройиб: унда назария ва амалиёт элементлари ўзаро аралашиб кетган, аниқ шаклланган услублар, хис-туйғу, шахсий тажрибалар ва эвристик услублар билан қўшилиб кетган.

Хавфсизликни системали тахлил қилишнинг мақсади қўнгилсиз ходиса (авария, ёнғин, жароҳатланиш, касалланиш ва ҳоказо)ларнинг юзага келишига таъсир қилувчи сабабларни аниқлаш ва уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини камайтирадиган олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишидир. Хар қандай хавф бир ёки бир нечта сабаблар туфайли юзага келади ва маълум миқдорда заар етказади. Сабабсиз реал (бор бўлган) хавфлар юзага келмайди. Демак, хавфларнинг олдини олиш ёки улардан химояланиш уларнинг пайдо булиш сабабларини аниқлашга, ўрганишга асосланган.

Юзага келган хавфлар ва уларнинг сабаблари ўртасида ўзаро сабаб-оқибат боғланиши мавжуд; хавф маълум бир сабаб оқибатидир, у эса, ўз навбатида, бошқа бир сабаб оқибатидир ва ҳоказо. Шундай қилиб, сабаблар ва хавфлар керакли, иерархик, занжирли структураларни ёки системаларни хосил қиласади. Бундай боғланишларнинг график кўриниши, шохланиб кетган дарахтни эслатади. Объектлар хавфсизлигининг тахлилига бағишлиланган хорижий

адабиётларда, шундай тушунча (термин)лар ишлатилади: “сабаблар дарахти”, “бўзилишлар дарахти”, “хавфлар дарахти” ва “ходисалар дарахти”. Курилаётган дарахтларда қоида бўйича сабаб ва хавф шохчалари мавжуд бўлади. Бу эса, сабаб-оқибат боғланишларининг диалекти хусусиятга эга эканлигини тулик намоён қиласди. Бу шохчаларни бир-биридан ажратиш мақсадга мувофик эмас, баъзида асло иложи юқ. Шу сабабли объектларнинг хавфсизлигини тахлил қилиш жараёнида хосил бўлган график кўринишлар “сабаблар ва хавфлар дарахтлари” деб аниқ айтилади. “Дарахт”ларни кўриш хар хил қўнгилсиз ходисаларнинг сабабларини аниқлашда жуда катта самара берадиган усул хисобланади. “Дарахт” шохланишининг кўп босқичли жараёни, унинг чегараларини аниқлаш мақсадида чеклашлар киритишни талаб киласди ва бу чеклашлар илмий изланишларнинг мақсадига бутунлай боғлик бўлади. Умуман, шохланишнинг чегараси янги шохлар хосил қилинишининг мантиқий мақсадга мувофиқлиги асосида аниқланади.

Хавфсизликни тахлил қилиш усуллари⁷. Хавфсизликни тахлил қилиш априор ва апостериор услублари билан амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, қўнгилсиз ходиса юз беришидан олдин (априор) ва юз бергандан кейин (апостериор) тахлил қилиниши мумкин. Априор тахлилда изланувчи берилган система учун потенциал бўлиши мумкин бўлган, шундай қўнгилсиз ходисаларни танлайди ва уларнинг содир бўлишига олиб келувчи ҳар хил холатлар тўпламини тузишга интилади. Апостериор тахлил қўнгилсиз ходисалар рўй бергандан кейин ўтказилади. Бундан тахлилнинг мақсади - келажак учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатdir. Бу икки услуб бир-бирини тўлдиради. Тахлилнинг тўғри (априор) усули оқибатни кўриш учун сабабларни ўрганади. Тескари усулда сабабларни аниқлаш мақсадида оқибатлар тахлил қилинади, яъни тахлил асосий ходисадан бошлаб ўрганилади. Иккаласида хам охирги мақсад ҳамма вақт ҳар қандай қўнгилсиз ходисаларнинг олдини олишdir. Бирламчи ходисаларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги ва частотасини билган холда, пастдан юқорига

⁷ Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-30-33.

харакатланиб, асосий ходисанинг юз бериш эхтимолини аниқлаш мумкин. Хавфсизликни таҳлил қилганда энг асосий муаммо системанинг кўрсаткичларини аниқлаш ёки уни чегаралашдир. Агар системанинг чегараси жуда тор қўйилган бўлса унда тарқоқ, тизимишламаган олдини олиш чоратадбирларини хосил қилишга имконият пайдо бўлади, яъни айрим хавфли холатлар дикқатдан четда қолиб кетади. Бошқа томондан, агар чегара жуда кенг қўйилса унда таҳлил натижалари умумий, ноаник бўлиб қолиши мумкин. Умумий холда ёндошиш ходисани аниқлашдан иборат, яъни берилган аниқ холатда олдини олиш тадбирлари орқали таъсир қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Ҳаёт даври (цикл)нинг босқичлари. Босқичларда, хавфсизликнинг барча талаблари хисобга олинган холда, тўлиқ фаолият сикли ҳосил қилинади, яъни: илмий фикр; илмий изланиш ишлари; констуркторлик ишлари; лойиха; лойихани амалга ошириш; синаш; ишлаб чиқариш; ташиш; фойдаланиш; такомиллаштириш ва тўзилишини узгартериш; саклашга куйиш ва бартараф қилиш; йўқ қилиш. Хавфсизлик талабларини ўз вақтида хисобга олиш фақат техник шартларгагина эмас балки иктисадий қарашларга таянади.

ҲФХ ни бошқариш вазифалари. Бошқариш - бу шундай жараёнки, уни бир нечта босқичларга бўлиш мумкин:

1. Объектнинг холатини таҳлил қилиш ва баҳолаш.
2. Бошқаришнинг мақсад ва масалаларини амалга ошириш учун тадбирларни режалаштириш ва олдиндан аниқлаш.
3. Бошқарувчи ва бошқариладиган система (тизим)ларни бевосита ташкил қилиш.
4. Назорат, яъни бошқаришни ташкил қилиш устидан кузатиш ва текшириш.
5. Тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш.
6. Рағбатлантириш, яъни бошқариш қатнашчиларини бошқарув муаммоларини муваффақиятли ҳал қилишга ундовчи таъсир шакллари.


ҲФХ ни бошқариш воситалари. ҲФХни бошқариш воситаларини қуидаги жихатларга ажратиш мумкин: физологик, психологик, ижтимоий,

тарбиявий, эргономик, экологик, тиббий, техник, ташкилий-оператив, хуқуқий ва иктиносидий. Уз навбатида бу жихатларга асосан ҲФХни бошқаришнинг воситалари бой ва ранг-барангдир. Буларга қуйидагилар киради:

- халқ оммасини ўқитиш;
- хавфсиз хулқ маданиятини тарбиялаш;
- касбий ўқитиш; касбий танлаш;
- бошқариш субъектига психологик таъсир қилиш; дам олиш ва ишлаш режимларини расионаллаштириш;
- коллектив химояланишнинг техник ва ташкилий воситалари;
- шахсий химоя воситалари;
- енгиллик ва компенсация тўловлари тизими ва бошқалар.

Фаолиятни ташкил қилувчиларга ажратиш. “Инсон-мухит”, “инсон-ишилаб чиқариш” ва бошқа тизим (система)лар мураккаб кўп тенгламали ва қисмли ташкил қилувчилардир. Хавфлар идентификациясини ижобий ечишда бу тизимларни тахлил жараёнида ташкил қилувчиларга ажратиш (декомпозисия қилиш) мухимдир. Умумий холда улар элемент (қисм)ларга ажратилади. Чегараланган фаолият шароитида бу элемент (қисм)лар аниқлаштирилади. Фаолиятни ташкил қилувчиларга ажратиш бир маънода хавф ва унинг хавфли туркумларини аниқлашга имкон беради. Шунинг учун фаолиятни лойихалашда маъқул бўлган манба маълумотларидан фойдаланилган холда уни етарли даражада деталлаштириш (элементларга ажратиш) ва хавфли хусусиятларини аниқлаш мухимдир.

Инсонни ҳаётий фаолият уни ураб турган атроф-мухитда мавжуд бўлиб, у ҳар хил омиллар таъсирида кечади. Бу омиллар келиб чиқиш моҳиятидан кўра инсонга кўрсатадиган таъсири, характерига кўра ниҳоятда турлича бўлиб, уларнинг баъзилари инсон ҳаёт фаолияти давомида ўта таъсир этади. Бу омилларга меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, энергия, меҳнат маҳсуллари, технология, флора (ўсимлик), фауна (ҳайвонот), табиий оғатлар, урушможаролар, ижтимоий, иктиносидий муносабатлар ва хоказолар киради (1.1-расм).



1.1 - расм. Ташиғи омилларнинг инсонга таъсири

ХФХ ни лойихалашнинг таҳминий схемаси

Хавфсизлик шароитларини лойихалаш жуда қийин жараён бўлиб, инсондан махсус тайёргарликни талаб қиласди.

Фаолият хавфсизлигини лойихалаш ва таҳлил қилишнинг мантиқий - методологик схемаси

1.2 - жадвал

№	Харакат тартиби	Харакат натижаси
1	2	3
1.	Лойихаланаётган ёки мавжуд объектни ташкил килувчи (элемент)ларга ажратиш	<p>Аниқлаштирилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мехнат предметлари. 2. Мехнат воситалари: машина, иншоот, бинолар. 3. Мехнат озукалари, ярим фабрикатлар. 4. Энергия (электрик, пневматик ва хоказо). 5. Технологик жараёнлар, операсиялар, харакатлар. 6. Табиий-климатик омиллар. 7. Усимлик, ҳайвонлар. 8. Хизматчилар. 9. Иш жойлари, цехлар, бўлимлар ва хоказо.
2.	Яратилган хар бир элемент учун хавфлар идентификасиясини тўзиш.	Хавфлар рўйхати
3.	“Сабаб ва хавфлар дарахтини” кўриш	Хавфлар сабаби
4.	Хавфларни сон ва сифат жихатдан баҳолаш, уларни хавф-хатарнинг рухсат қилинган қиймат ва даражаси билан таққослаш	Химояланиш муҳим бўлган хавфлар ва сабаблар рўйхати

5.	Мақсадни аниқлаш	Еришилиш зарур бўлган Мехнат шароитининг сонли ўлчамларини аниқлаш
6.	Объектларни хавфсизлик кўрсатгичлари бўйича комплекс баҳолаш	Қабул қилинган интеграл ёки балли кўрсатгичлар
7.	Мумкин бўлган хавфсизлик принцип, усул ва воситаларини таҳлил қилиш	Принциплар, усуллар, алтернативларни тўплаш
8.	Ҳар бир алтернатив бўйича талофат ва ютуқнинг афзалик ва камчиликларини таҳлил қилиш	Маъқул бўлган вариантни танлаш
9.	Маъқул бўлган усул, принцип ва воситаларни таҳлил қилиш	Аниқ усул, принцип ва воситаларни танлаш
10.	Ҳисоблар	Аниқ ечим (тадбир)лар
11.	Самарадорлигини баҳолаш	Техник, ижтимоий ва иқтисодий самара кўрсаткичлари.

1.4. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш принцип, усул ва воситалари

Хавфсизлик умумий назарияси структурасида принциплар ва усуллар эвристик ва услубий рол ўйнайди, хамда ўрганилаетган фан соҳаси билан боғланганлиги хақида тўла тушунча беради.

Принципларнинг ахамияти хақида франсуз философ - материалисти Гелвесий (1715-1771) шундай ёзган: “Айрим принципларни билиш айрим омилларни билмасликни енгил тўлдиради”.

Хавфсизликни таъминлаш усул ва принциплари бошқа умумий усуллардан фарқ қилган ҳолда диалектика ва логикага тегишлидир. Принциплар ва методлар маълум миқдорда ўзаро боғликдир. Хавфсизликни таъминлаш воситалари кенг маънода бу конструктив, ташкилий, иқтисодий бўлиб усул ва принципларни

аниқ рүёбга чиқаришга хизмат қиласы. Принцилар, методлар ва воситалар хавфсизликни таъминлашнинг логик босқичлари дидир. Уларни танлаш фаолиятнинг аник шароитига, хавф даражасига, баҳосига ва бошқа кўрсатгичларга боғлик бўлади.

Хавфсизликни таъминлаш принциплари. Хавфсизликни таъминлаш ўз ичига мураккаб жараённи олади ва уни элементар ташкил этувчиларга дастлабки холатлар, ғоялар, принциплар деб аталувчиларга бўлиш мумкин. «Принцип» сўзи лотинча “принципим” сўзидан олинган бўлиб, бошланиш, ғоя, асос демакдир. Ишлаб чиқаришнинг тури, технологик жараёнларнинг афзалликлари, кўлланиладиган жихозларнинг хар хиллиги - буларнинг хаммаси хавфсизликни таъминлаш принципларининг кўп хиллигига шартлашади.

Принцилар мухим услугий ахамиятга эгадир. Хавфсизликни таъминлаш бўйича тўлаконли профилактик иш илмий-текшириш, тажриба - конструкторлик, лойиха ишларида, ишлаб чиқариш обьектларини қайта кўриш ва фойдаланиш босқичида факат онгли равишда хавфсизлик принципларини хисобга олиш билан мумкин бўлади. Принциларнинг назарий ва илмий ахамияти шундан иборатки, улар бизни ўраб олган дунёдаги хавфлар бўйича бизларнинг билим даражамизни аниқлайди ва ўз навбатида химоя тадбирларига ва уларни хисоблаш усусларида талаблар белгилайди. Принциларнинг ахамияти амалий жихатдан хам мухимдир: улар рақобатлашаётган вариантларни таққослаб тахлил қилиш асосида хавфлардан химояланишнинг оптимал ечимларини топишга имкон беради. Принциларнинг эвристик қиймати шундан иборатки улар Мехнат хавфсизлигини бошқаришни ташкил қилишда хал қилувчи ахамиятга эгадир. Хавфсизликни таъминлаш принципини бир-бирини тўлдирувчи элемент сифатда ўзаро боғланишда қараш мухимдир. Конкрет шароитларга боғлик холда бир ва бошқа принциплар хар хил амалга оширилади. Хавфсизликнитаъминлаш принциплари уларни амалга ошириш белгиларига қараб шартли равишда 4 та синфга бўлинади: тахминий, техникавий, ташкилий ва бошқарув принциплари.

Тахминий принциплар ўзида хавфсиз ечимларни топувчи йўналишни аниқловчи методологик ва маълумот базаси бўлиб хизмат қилувчи асос солувчи гояларни тақдим этади. Бунга қуйидаги принциплар киради: операторнинг активлиги, фаолиятни гуманлаштириш, структуруни ўзгартириш, операторни алмаштириш, синфлаштириш, хавфни бартараф қилиш ва камайтириш, системалик ва бошқалар. Техникавий принциплархавфли омилларнинг таъсирини бевосита олдини олишга йўналтирилган. Техник принциплар физик қонунларни шлатишга асосланган. Бунга қуйидагилар киради: масофадан химоялаш, экранлаштириш, каттиклигини ошириш, блокировкалаш (яккалаш), вакуумлаштириш, хаво кирмайдиган қилиш, пассив звено киритиш, зичлаштириш, флегматизасиялаш ва ета олмаслик принциплари. Бошқарув принциплари деб, хавфсизликни таъминлаш жараёнининг алоҳида босқич ва этаплари орасида ўзаро боғланиш ва муносабатларни аниқловчи принципларга айтилади. Уларга режали, назоратли, бошқармали, мажбурийли, қайта алоқали, самарали, жавобгарлик, рағбатлантириш, иерархик, бир маъноли, адекватли принциплари киради. Ташкилий принципларга хавфсизлик мақсадида Мехнатни илмий ташкил қилиш қоидаларини амалга оширувчи принциплар киради. Уларга вақт бўйича химоялаш, маълумот бериш, резервлаштириш, нормаллаштириш, кадрларни танлаш, кетма-кетлик, эргономик, Мехнатни расионал ташкил қилиш ва зидлик принциплари киради. Бир вақтда айрим принциплар бир нечта синфларга киради. Хавфсизликни таъминлаш принциплари системаларни хосил қиласи. Бир вақтнинг ўзида хар бир принцип нисбатан мустакиллик кашф қиласи. Айрим принципларни алоҳида кўриб чиқамиз. Хар бир кўриб чиқаётган принципга таъриф берамиз ва мисоллар келтирамиз. Системалик принципи - шундан иборат бўлиб хар қандай ходиса, харакат ва обьект системалик концепсияси билан кўрилади. «Система» сўзи грекча - система сўзидан олинган бўлиб, бутун, қисмлар ва биримлардан тўзилган демакдир. Система деганда элементлар мажмууси тушунилади, улар орасидаги ўзаро таъсиrlар адекватли равища бир хил натижага олиб келади. Бундай системани аниқ система деб атаемиз. Агар элементларнинг ўзаро таъсири хар хил натижаларга олиб келса,

буни ноаниқ система дейилади. Системанинг ноаниқлик даражаси қанча юқори бўлса шунга кўра хар хил натижалар пайдо бўлади. Системадаги ноаниқлик унинг элементларини ва улар ўртасидаги ўзаро таъсир характерини тўлиқ хисобга олмаслиқдан туғилади. Системанинг элементларига моддий объектлар хамда улар орасидаги муносабат ва алоқалар киради.

Мисол: Ёнгин физик ходиса, у қуйидаги шароитларда пайдо бўлади: ёнувчи модда; ҳаводаги кислород миқдори камида - 14%; ўт олиш манбайи маълум қувватда ва юқорида учта шартни; бўшлиққа; вақт бўйича олиб чиқиш.

Мазкур 5 та шарт битта системани ташкил қиласди. Буларнинг ўзаро биргаликдаги таъсирида аниқ бир оқибат пайдо бўлади - бу ёнгиндир. Юқоридаги элементларнинг лоакал биттасини бартараф қилиш, ёнгиннинг тўхташига олиб келади, бинобарин, берилган системанинг бузилишига олиб келади.

Деструксия принципи (у лотинча деструствус сўзидан олинган бўлиб бузувчи деган маънони беради). Унинг мохияти шундан иборатки, бунда хавфли натижага олиб келувчи система ундаги битта еки бир неча элементларни бартараф қилиш билан бўзилади. Деструксия принципи ташкилан кўриб ўтилган системалик принципига боғлик ва қисман универсал ахамиятга эгадир. Хавфсизликни тахлил қилганда олдин системалик принципи ишлатилади, кейин деструксия принципини хисобга олиб системанинг айрим элементларини бартараф қилишга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқилади (исталган мақсадга олиб келувчи).

Хавфларни бартараф қилиш принципи - ўз ичига технологияларни ўзгартириш, хавфли нарсани хавфсизига алмаштириш, хавфсиз жихозларни қўллаш, Мехнатни илмий ташкил қилиш ва воситаларни такомиллаштириш билан хавфли ва заарли омиллар бартараф қилинади. Бу принцип ўзининг мазмуни билан жуда илгор ва амалга ошириш шакли билан жуда кўпdir.

Мисол: Кўпчилик технологик жараенларни олиб боришда кўп портлашга хавфли ва ўткир захарли газлар йўқ қилинади. Хавфсизликни таъминлаш учун

бу газларни йиғиши, ишлатиш ва йўқ қилишга машхала қўллаш системасидан фойдаланилади.

Хавфларни камайтириш принципининг моҳияти шундай қарорларни қўллашга асосланган бўлиб хавфсизликни оширишга йўналтирилади, лекин талаб қилинган даражада еки мееридаги ишлар амалга оширилмайди. Бу принцип маълум маънода компромисс характерга эгадир.

Мисол: электр токи уришдан химояланишучун хавфсиз кучланиш (12,24, 36 В) қўлланилади. Бундай кучланишларда токдан заарланиш хавфи камаяди. Бироқ бундай кучланишларни абсолют хавфсиз деб бўлмайди, шундай холатлар маълумки инсонларни ток уриши асосан шундай кучланишлар таъсирида содир бўлади. Операторни алмаштириш принципи шундан иборат бўлиб, бунда операторнинг вазифасини ишлаб чиқариш роботларига, автоматик манипуляторларга топширилади ёки технологик жараенни ўзгартериш хисобига бутунлай йўқ қилинади. Бу ишловчиларни заарли омиллар таъсиридан холос қиласи, лекин омилларнинг ўзи йўқ қилинмайди.

Информация принципи (лотинча информатио - хабардор қилиш, бир нарса хақида маълум қилиш деган маъноларни беради)нинг моҳияти бир маълумотни хизматчига етказиш ва уни эгаллаб олиш кўзда тутилган хавфсизлик даражасинитаъминлайди. Буни амалга ошириш усуллари: ўқитиш, инструктажлар ўтказиш, хавфсизлик ранг ва белгиларини куйиш, огохлантирувчи езувлар ва жихозларни маркировка қилиш ва хоказо.

Классификация принципи (лотинча слассис - разряд, погона, фасио - бажараман, бераман деган маъноларни беради) бу хавф билан боғлик белгиларига қараб обьектларни синф ва категорияларга бўлишдан иборат.

Мисол: санитарий - ҳимоя зоналарини 5та синфга, ёнгин-портлаш хавфи бўйича ишлаб чиқариш биноларининг А, Б, В, Г, Д категорииларга бўлиниши.

Компенсация принципи (лотинча сомпенсатио - тўлаш деган сўзни англатади)да ишловчиларга психологик ва психофизиологик жараёнларнинг бўзилган мувозанатини тиклаш учун бериладиган хар турдаги енгилликлар тушунилади.

Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Метод - мақсадга эришиш усулидир. Ҳозирги қараётган ҳолатимизда мақсад хавфсизликни таъминлашдир. Методлар принципларни конструктив ва техникавий жихатдан ҳақиқий борлиққа гавдалантириш билан амалга оширилади. Хавфсизликни таъминлаш усулларини билган холда инсон билан ишлаб чиқариш мухити тавсифлари орасидаги ўзаро таъсирларни келишиш мумкин, яъни маълум хавфсизлик даражасига эришиш мумкин. Хавфсизлик усулларини ўрганишдан олдин, биз уйидаги янги тушунчаларни киритамиз. Кўрилаетган фаолият жараёнида инсоннинг турган жойи гомосфера дейилади. Хар доим ва даврий равишда содир бўлиб турадиган ҳавфли жой ноксосфера дейилади. Бу сфераларни ҳавфсизлик нуқтайи назардан қўшиш мумкин эмас. Хавфсизликни таъминлаш усуллари 3 хил турга бўлинади:

Усул - А, гомосфера билан ноксосферани бир-биридан жой ёки вақт жихатдан ажратиш усули. Бу усул ишлаб чиқариш жараенларини механизасиялаштириш ва автоматлаштириш, жихозларни масофадан бошқариш, манипулятор ва роботларни қўллаш билан амалга оширилади.

Усул - Б, хавфсизлик принципларини қўллаб ҳавфларни йўқ қилиш ва ноксосферани (ишлаб чиқариш мухитини) нормаллаштириш, хамда ноксосфера характеристикаларини инсон характеристикаларига мослаштиришга асосланади. Бу усул инсонларни шовқин, чанг, газ, жарохатланиш ва хоказо ҳавфли омиллардан химоя қилишга қаратилган тадбирлар мажмууси, хамда қисман хавфсиз техникани яратиш билан амалга оширилади.

Агар А ва Б методларни қўллаш билан талаб қилинган хавфсизлик даражасига эришиш таъминланмаганда В - метод қўлланилади.

Усул - В, тегишлича химоя воситалари ёрдамида инсонларнинг химояланиш хусусиятларини оширишга, хамда инсонни ноксосферага мослаштиришга асосланган. Бу усул касбий танлаш, ўқитиш, инструкцияларбериш, психологик таъсир қилиш ва шахсий химоя воситаларини қўллаш билан амалга оширилади. В - методни амалга оширишда ноксосфера характеристикаларини ўзгартириш учун хар хил воситалар қўлланилади.

Реал шароитларда юқорида келтирилган усулларнинг биттаси ёрдамида зарур хавфсизлик даражасини хар доим таъминлаш мумкин бўлмайди. Бундай холатларда юқорида келтирилган усуллар мажмуасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хавфсизликни таъминлаш воситалари⁸. Ишловчиларга заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки олдини олиш учун химоя воситалари қўлланилади. Ишловчиларнинг химоя воситалари инсон организмига энг маъқул шароитларни хосил қилиши ва қуидагиларни таъминлаши лозим:

- иш зонасидан хавфли ва заарли нарсалар, хамда материалларни узоклаштириш ёки хайдаш;
- заарли омиллар миқдорини белгиланган даражадаги санитар нормагача камайтириш;
- ишловчиларни қабул қилинган технологиялар ва иш шароитларида хамроҳ бўлган заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларидан химоя қилиш;
- технологик жараён бўзилганда пайдо бўладиган салбий омиллардан химоя қилиши лозим.

Химоя воситаларини танлаш хар бир алохидা холатларда Мехнат хавфсизлиги талабларига асосан амалга оширилади. Хавфсизликни таъминлашпринциплари ва усулларини гавдалантиришда хар хил химоя воситалари қўлланилади.

Химоя воситаларининг қўлланилиши характери бўйича колектив химоя воситалари (КХВ) ва шахсий химоя воситаларига (ШХВ) бўлинади. Хар бири вазифасига кўра синфларга бўлинади. КХВ заарли ва хавфли омилларга боғлик холда: шовқиндан, титрашдан, электростатик зарядлардан химоялаш воситаларига синфланади. ШХВ асосан химояланадиган инсон аъзоси ёки аъзолар гурухига қараб: нафас аъзоларини, қўл, бош, бет (юзни), кузни ва эшитиш аъзоларини химоя қилиш воситаларига бўлинади.

⁸Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 1. p-31-32.

КХВ техник тайёрланишига қараб қуйидаги гурұхларға бўлинади: тўсиқлар, блокировкалар, тормозлар, сақлагувчи мосламалар, ёруғлик ва овоз сигналлари, хавфсизлик асбоблари, сигнал ранглари, хавфсизлик белгилари, автоматик назорат қурилмалари, масофадан бошқариш воситалари, электр жихозларини ерга улаш ва ноллаш қурилмалари, шамоллатиш (вентилятсия), ёритиш, иситиш, совутиш (кондиционерлаш), изоляциялаш, герметизасиялаш воситалари киради.

Шахсий химоя воситаларига: гидроизоляция костюмлари, скафандрлар, противогазлар, респираторлар, пневмошлемлар, пневмомаскалар, хар хил турдаги маҳсус кийим ва пояфзаллар, тутгичлар, қўлқоплар, каскалар, шлемлар, шапкалар, шляпалар, шовқинга қарши шлемлар, қулоққа қўйичлар (вкладўшлар), химоя кўзойнаклари, сақлагувчи белбоғлар, химояловчи дерматологис (кремлар) воситалар ва бошқалар киради.

Химоя воситалари эстетик ва эргономик талабларга жавоб бериши керак, алоҳида, инсон фаолияти учун нормал шароитларни таъминлаши лозим. Бир вақтнинг ўзида ШХВ қўллашда техник меъёrlарни хисобга олиш керак, кўпчилик ШХВ маълум нокулайликларни келтириб чиқаради ва инсон иш кобилиятининг пасайишига олиб келади. Талабларни хисобга олишнинг йўқлиги, қисман ШХВ қўллашда бузилишининг сабабчиси бўлади. Химоя воситалари химоя ва физиологик кўрсатгичлари бўйича баҳоланиши керак:

- Саломатлик ва хафсизликни таъминлаш соҳасида тўғри танланган сиёsat⁹ Тажрибаларга қараганда саломатлик ва хавфсизлкини таъминлаш соҳасида тўғри танланган сиёsat ташкилотнинг бизнес самарадорлигига ва ишлаб чиқариш соҳасининг муңтазам яхшиланиб боришига ўз хиссасини қўшади. Бу ҳолат ФВ лар содир бўлганда уларни бартараф этишга сарфланадиган молиявий йўқотишлар даражасини камайтиришда, ҳодимларнинг ўзларини хавфсиз сезишлари ва натижада иш унуморлигини ошишига сабаб бўлади. Юқорида санаб отилган омиллар шунингдек ташкилотнинг қуйидаги соҳага

⁹Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 2. p-60.

масъулият била ёндашганлигини намойиш этади ва шу орқалитомонларнинг ташкилот билан ҳамкорлик борасидаги қизиқишиларини ошириши мумкин. Саломатлик ва хавсизликни таъминлаш жараёнлари бошқариш сиёсатининг тўғри танланиши хатарларни тизимли баҳолаш методлар мавжудлигини, ушбу методларни амалиётда қўллаш учун ҳодимлар, маблағлар ва ресурслар етарли бўлишини кафолатлайди. Шу жумладан, қуйидаги сиёсат ишлаб чиқариш жараёнларини мунтазам такомиллаштириб бориш жараёнларини амалга оширишнинг узлуксизлигини таъминлаб беради;

- Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъмилаш жараёнларининг аниқ ташкиллаштирилиши¹⁰ Ташкиллаштиришнинг тушунчаси саломатлик ва хавфсизликни таъминлаш қоидалари ва маданиятининг асосий компоненти ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида ижобий натижаларга еришиш учун авваламбор ташкилот ўз олдига қўйиши керакбўлган мақсадларни аниқлаштириб олишиҳамда уларнинг амалиётга тадбиқ этиш жаратонлари устидан нозорат олиб бориш тизимларини ишлаб чиқиши зарур. Ташкилотнинг формал ташкилий тузилмаларида Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш жараёнлари амалга ошириш ташкилотнинг барча ишчи-ҳодимлари учун умумий фаолиятсифатида қаралиши лозим. Самарали натижаларга эса фақатгина барча ишчиларнинг фаол иштирокини, алоқа таъминотининг юқори сифатлилигини, ҳодимларнинг хукуқ ва имкониятларини кенгайтиришини таъминлаш орқали эришиш мумкин;

- Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъмилаш жараёнларининг аниқ режалаштирилиши¹¹ Ушбу жараён ўз ичига соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида юритиладиган сиёсатнинг самарали амалга ошиши учун бажариладиган созлама ишлари ва протседураларни ўз ичига олади. Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъмилаш жараёнларининг аниқ режалаштирилиши иш жараёнида юзага келдиган хатарларни баҳолаш ва уларнинг юзага келиш

¹⁰Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 2. p-61.

¹¹Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 2. p-62.

эҳтомилини пасайтириш жараёнларини ҳамда қўйилган мақсадларга эришишда қабул қилинадиган мухим қарорларни назарда тутиб амалга оширилиши зарур. Куйидаги жараёнларнинг натижаларига баҳо бериш учун ташкилот ўз кўрсаткичларини ўрнатилган маълум стандартлар билан солиштириш ҳамда ушбу стандартларга қанчалик даража мос тушишини аниқлаш орқали ойдинлаштириши мумкин;

4. Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъмилаш учун зарур бўладиган ўлчовлар ва кўрсаткичларни олиш жараёни¹² Ушбу жараён соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимлари қай дааржада самарали ишлаётганини аниқлаш учун ўз ичига бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам реактив мониторинг усулларини қамраб олади. Актив мониторинг деганда биз корхона ундаги иш жойлари, ҳодимлар, протседуралар ва тизимлар устидан кузатув ишларини олиб боориш жараёнларини тушунамиз. Реактив мониторин эса текширув ишлари олиб бориш орқали нима сабабдан турли ФВлар содир бўлганлигини ва нима учун уларни бартараф этиш тизимларида бузилишлар рўй берганлигини аниқлайди. Бундан ташқари ташкилотнинг узоқ даврга мўлжалланган мақсад ва вазифаларининг жорий даврда ҳам белгиланган стандартларг мос келишини аниқлаштириш жуда мухимдир;

5. Ишлаб чиқариш жароёнларини кузатиши. Мониторинг ва мустақил тарзда ўтказилга аудит натижаларига асосланиб, Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимлари томонидан аниқланган мақсад ва вазифаларга нисбатан эксплуатасион характердаги кузатув ишлари олиб борилиши зарур. Бу руҳдаги кузатув жараёнлари ўтказишдан мақсад бир қанча муддат олдин Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимлари томонидан аниқланган мақсад ва вазифаларга ўзгатриш киритиш зарурати туъгилган бўлиши мумкинлигидир. Кузатув натижалари эса ташкилотнинг ички самадорлик кўрсаткичларини ташқи корсаткичлар яъни, шу ташкилотга

¹²Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 2. p-64.

аналогик мос келувчи юқори стандартларга эга ташкилот кўрсаткичари билан солиштириш натижалрига асосланиши зарур.

6. Аудит. Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимлари устидан мустақил ва структуравий аудит ўтказиш жараёнлари кузатиш ишларининг жадаллашига шароит яратиб беради. Аудит текширувлари ташқи ва ички аудит текширувларига бўлинади. Аудит жараёни меҳнат хавфсизлигини бошқариш механизлари ва процедураларини баҳолайди. Аудит жараёни самарадорлиги юқори болиши учун у иш жойларида амалга оширилаётган протседуралар кўрсатмларга қанчлик даражада мос тушишини баҳоласи зарур. Аудит Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимлари сиёсатининг камчиликларини аниқлайди, уларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари қанчалик даражада нореал ва ноадекват эканлигини кўрсатиб беради¹³.

1.5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий ва хукуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси хавфсизликни тартибга солиш ва тартибни ўрганишда қўйидаги гурухларга ажратган ҳолда ўрганишни таклиф этилади; Биринчи гурух норматив ҳужжатларга меҳнат муҳофазаси масалаларини ўз ичига олувчи ва юридик қучга эга бўлган ҳамда давлат ҳокимиятининг олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари киради. Иккинчи гурух норматив ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофaza қилиш соҳасидаги қарор ва фармойишлари киради: Учинчи гурух норматив ҳужжатларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳужжатлари киради. Тўртинчи гурух норматив ҳужжатларга меҳнат муҳофазаси талаблари белгиланган стандартлар киради. ГОСТ – давлат стандарти – бу Республика ҳудудидаги амалда бўлган стандартларнинг асосий тоифаларидан бири ҳисобланади. Стандарт кенг маънода – ўхшаш обьектларнинг солиштириш учун бошланғич асос сифатида қабул қилинадиган намуна, этalon ва моделдир.

¹³Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/ Chapter 2. p-66.

Назорат саволлар:

1. Хавф-хатар деб нимага айтилади?
2. Қандай хавф-хатарларни биласиз?
3. Нима учун хаёт фаолият хавфсизлиги асосий муаммога айланди?
4. Инсон фаолияти хавфсизлигини таъминлаш керакми?
5. Ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш давр талаби деб ҳисоблайсизми?
а) Ҳа б) йүк с) уйлаб кўриш керак. д) жавоб берадимайман.
6. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани нимани ўрганади?
7. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

Фойдаланган адабиётлар руйхати:

1. Introduction to Health and Safety at Work. Phil Hughes, Ed Ferrett. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford OX5 1GB, UK. ISBN: 978-0-08-097070-7. Fifth edition 2011/
2. SHEFFIELD CITY COUNCIL. Health and Safety Enforcement Team. Health and Safety in the Workplace 2013. ISBN: 9780717612765. Series code: HSG65. P-14.
3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология менежменти (чизмалар, тушунчалар, фактлар ва рақамларда): дарслик / А.Нигматов, Ш.Мухамедов, Н.Хасанова. – Т.: Наврўз. 2014.– 199 б.

2-Маъруза: Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги микроиклим параметрлари ва уларнинг аҳамияти.

Режса:

1. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги микроиклим параметрлари ва уларнинг аҳамияти. Терморегуляция.
2. Ишлаб чиқаришда заҳарли ва зарарли моддалар, ҳимояланиш тадбирлари. Рухсат этилган чегаравий мидор.

1.1. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги микроқлим параметрлари ва уларнинг аҳамияти.

Терморегуляция.

Иш жараёнларининг ва атроф муҳитнинг ишчилар организмига таъсирини ўрганадиган фан меҳнат гигиенаси дейилади. Меҳнат гигиенасини қўллаш натижасида қулай шароитларни яратадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, касбий касалликларни камайтира оладиган ёки бутунлай йўқ қила оладиган санитария, гигиена ва даволаш профилактик тадбирлари ишлаб чиқилади.

Маълумки, иш жараёнида киши организмига ташқи муҳит салбий таъсир қилиши, айни пайтда айрим аъзолар чарчаши ҳам мумкин. Организмнинг чарчаши икки хил бўлади:

-тез чарчаш, бу ишга кўникма ҳосил қилинмагандага ёки оғир жисмоний иш бажаришдан келиб чиқади. Бундай чарчаш иш тугагандан сўнг тезда ўтиб кетади.

-секин-аста ривожланиб борувчи чарчаш, меҳнат қобилиятининг аста-секин пасайишига олиб келади. Бу хил чарчаш узоқ вақт ва ҳамиша бир хил (монотон) ишларни бажариш натижасида юзага келиб, киши организмини путурдан кетказади.

Иш жойларидаги микроқлим омилларни – ҳарорат, нисбий намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ҳамда атмосфера босими ташкил этади. Бундай муҳит киши организмига салбий таъсир қилиб, уни совутиб ёки қизитиб юборади. Бундан ташқари организмдан чиқадиган иссиқлик киши бажараётган ишнинг жадаллигига ҳам боғлик.

Киши организмининг меъёрий ҳарорати $36,5^{\circ}\text{C}$ бўлади. Организм ўзи учун зарур бўлган ҳароратни таъминлаб туриш қобилиятига эга. Организмнинг бу ҳусусияти “ҳароратни ростлаш” дейилади. Масалан, биз совқотсак қалтираймиз, бу мускуларнинг иш бажариши натижасида энергия чиқаришидир. Қизиб кетсак, терлаймиз, бу ортиқча иссиқликни ташқи муҳитга бериш ва шу орқали

организм ҳароратини маълум миқдорда сақлаб туришдир. Бу ҳақда 1-бобда тўлароқ маълумот берилган эди.

Маълум оғирлиқдаги жисмоний меҳнат билан банд бўлган киши ўзини яхши ҳис қилиши, яъни у қизиб кетмаслиги, ёки совқотмаслиги учун микроиқлим шароитлари маълум даражада бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Бу шароитларни яратиш Сан Пин № 0065-93. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” билан белгиланади.

Берилган иш тури учун комфорт (энг мақбул) шароит иссиқлик баланси таъмин этилгандагина бўлиши мумкин. Иссиқлик баланси қуидаги формула билан ифодаланади.

$$Q = Q_{\dot{y}} + Q_K + Q_H + Q_\delta + Q_x \quad (3.1)$$

бу ерда $Q_{\dot{y}}$ – кийимнинг иссиқлик ўтказувчанлиги,

Q_K – баъзан атрофидаги конвекция,

Q_H – атроф юзаларга нурланиш,

Q_δ – бадандан чиқаётган намликнинг буғланиши,

Q_x – нафас олинаётган ҳавони иситиш.

Цех ҳавосининг ҳарорати юқори бўлганда қон томирлар кенгайиб, терига қон меъёридан кўп кела бошлайди ва атроф муҳитга иссиқлик узатиш бирмунча кўпаяди. Бу цех ҳавосининг ҳарорати $30-35^0$ С дан юқори бўлганда тўхтайди. Киши терлайди, бунинг натижасида организм учун зарур бўлган тузлар ҳам тер билан чиқиб кетади. Шунинг учун иссиқ цехларда сал шўрланган газ сувлар берилади.

Цехдаги ҳаво ҳарорати пасайганда, қон томирлар торайиб, терига қоннинг келиши сусаяди ва тананинг ташқи муҳитга иссиқлик бериши камаяди. Шундай қилиб, киши ўзини иш шароитида яхши ҳис қилиши учун ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракати тезлигининг маълум уйғунлиги зарур экан.

Тананинг ҳароратини ростлашда цех ҳавосининг намлиги катта таъсир кўрсатади. Юқори нисбий намлик ($\phi > 20\%$) нафас йўллари шиллиқ пардасининг куриб қолишига олиб келади. Намликнинг энг мақбул қиймати 40-60% деб қабул қилинган, лекин тўқимачилик корхоналарида технологик жараён талаблари

нисбий намликнинг ўзгаришига олиб келади. Айни пайтда ҳар қандай шароитда ҳам биринчи навбатда инсон саломатлиги, унинг меҳнатини муҳофаза қилиш муаммоси қўйилиши керак. Иш жойларида ҳавонинг ҳаракати иш шароитини яхшилашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Иссиклик юқори бўлган цехларда ҳавонинг ҳаракати организмдан чиқадиган иссиқликни атроф муҳитга берилишини яхшилайди ва аксинча совуқ цехларда организмга салбий таъсир қиласди.

Ҳавонинг одам учун сезиларли минимал тезлиги 0,2 м/с ҳисобланади. Йилнинг совуқ пайтларида ҳавонинг тезлиги 0,2-0,5 м/с, иссиқ кунларда эса 0,2-1,0 м/с бўлиши тавсия этилган. Иссик цехларда бу тезлик 3,5 м/с гача оширилиши мумкин. Цехда ҳаво тезлигини танлашда унинг технологик жараёнга ҳалақит бермаслигини ва зарарли моддаларни учириб цехга тарқатмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариш хоналари (бинолари) микроиклими - бу бинолар ички муҳитининг метео (иқлим) шароитлариидир. Улар ҳаво ҳарорати, намлиги ва ҳаракат тезлиги билан бирикма ҳолда, шунингдек тусўвчи мосламалар, технологик ускуналар ва иссиқлик нурланиш юзалари ҳароратининг инсон организмига таъсири билан белгиланади.

Микроиклим шароити. Ишлаб чиқариш муҳитида метеорология шароитини ифодаловчи омиллар – ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, барометрик босими ва иш жойларидаги ҳаво ҳаракатининг тезлиги ҳисобланади. Юқоридагилар микроиклим параметрлари дейилиб, улар кишининг иш қобилиятига, меҳнат унумдорлигига ва инсон организмининг функционал жараёнларига катта таъсир кўрсатади.

Микроиклим кўрсаткичлари. Микроиклим ишчи худудда ишчиларнинг доимий ва вақтинча турган жойидан 2 м баландликда баҳоланади.

Энг қулай шароитлар - терморегулясия механизmlари кучланишисиз организмнинг нормал иссиқлик аҳволини таъминловчи ҳамда узоқ ва мунтазам инсонга таъсир қилувчи микроиклим ўлчамларининг йиғиндисидир. Улар

мехнатга қобилиятлиликнинг юксак савияси учун шарт - шароит яратади ва иссиқ - қулай сезувчанликни таъминлайди.

Инсонга узоқ мунтазам таъсир этишда терморегулясия механизmlари - кучланиши билан давом этадиган организмнинг иссиқлик ҳолатида дархол нормаллашувчи ўзгаришлар чақирадиган микроиқлим ўлчамлари йифиндиси йўл қўйиладиган иқлим шароитлари деб қаралади. Бундай ҳолда организмга шикаст этмайди ёки саломатликнинг аҳволига зарар бўлмайди, бироқ дискомфорт иссиқликни сезиш, инсон ўзини ёмон ҳис қилиши ва меҳнатга лаёқати пасайиши (сустлашиши) мумкинлиги кузатилади.

Ишлаб чиқариш микроиқлимининг гигиеник нормалари. Ишлаб чиқариш микроиқлими нормалари меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси "Иш зонаси микроиқлими" га асосан белгиланган. Улар гигиеник ва техник иқтисодий негизларга асосланган.

Саноат корхоналари хоналарининг характеристи, йил фасллари ва иш категориясига қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво характеристининг иш жойлари учун рухсат этилган нормалари белгиланган.

Иш категориялари қўйидагича белгиланади: энгил жисмоний ишлар (I категория) – ўтириб, тик туриб ёки юриш билан боғлиқ ҳолда бажариладиган, бироқ мунтазам жисмоний, зўриқиши ёки юкларни кўтаришни талаб қилмайдиган ишлар, энергия сарфи соатига 150 ккал (172 Ж.С) ни ташкил этади. Бунга радио қисимларини йиғиш корхонаси, аниқ асбобсозлик ва шу каби корхоналар киради. Ўртacha оғирликдаги жисмоний ишлар (II категория) – соатига 150-250 ккал (172-293 Ж.С) энергия сарфланадиган фаолият турлари киради. Бунга доимий юриш ва оғир бўлмаган (10 кг гача) юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар киради. Масалан, механик-йиғув, пайвандлаш цехларидаги ишлар шулар жумласидандир. Оғир жисмоний ишлар (III категория) – мунтазам жисмоний зўриқиши хусусан оғир юкларни (10 кг дан ортиқ) муттасил бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва кўтариш билан боғлиқ ишлар киради. Бунда энергия сарфи соатига 250 ккал (293 Ж.С) дан юқори бўлади. Бундай ишлар темирчилик, қуюв ва бошқа қатор цехларда бажарилади.

Ҳарорат, нисбий намлиқ ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги рисоладаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган микдорлар қўринишида нормаланади. Рисоладаги микдорлар деганда одамга узок муддат ва муңтазам таъсир қилгандა ташқи муҳитга мослашув реакцияларини кучайтирмасдан организмнинг нормал фаолиятини ва иссиқлик ҳолатини сақлашини таъминлайдиган микроиқлим кўрсатгичларининг йиғиндиси тушунилиб, улар иссиқлик сезиш мўтадиллигини вужудга келтирадива иш қобилиятини юксалтириш учун шарт - шароит ҳисобланади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган микроиқлим шароитлари-организмнинг фаолиятини ва иссиқлик ҳолатдаги ўзгаришларини, физиологик мосланиш имкониятларидан четга чиқмайдиган ташқи муҳитга мослашиш реакцияларининг кучайишини бартараф этадиган ва тез нормага соладиган микроиқлим кўрсатгичларининг йиғиндисидир. Бунда соғлиқ учун хатарли ҳолатлар вужудга келмайди, бироқ номўтадил иссиқлик сезгилари, кафиятнинг ёмонлашуви ва иш қобилиятининг пасайиши кузатилиши мумкин. 2.3 - жадваларда микроиқлимнинг рисоладаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган нормалари келтирилган. Доимий ишларда 2.3 - жадвалда келтирилган микдорлар таъминланиши лозим, улар ҳавони мутадиллаштиришда ҳам мажбурийдир. Бироқ қатор ҳолларда, масалан иссиқлик кўп ажралиб чиқадиган ёки иситиладиган хоналарининг ҳажми катта металлургия, машинасозлик ва бошқа заводларда йўл қўйиладиган нормаларга (2.3 - жадвал) асосланиши мумкин, бироқ меҳнат ва дам олиш режимларига қўйиладиган гигиеник талабларга, организмнинг иссиқлаб кетиши ва совуқ қотишини олдини олишга қаратилган барча воситаларидан фойдаланишга ҳам амал қилиш зарур.

Ишлаб чиқариш хоналари иш хонасидаги ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракат тезлигининг рисоладаги нормалари.

2.1-Жадвал

Йил fasli	Иш категориялари	Ҳавонинг ҳарорати, °C	Нисбий намлиги, %	Ҳаракат тезлиги, м/с
Совуқ	Енгил - I	20 – 23	60 - 30	0,2

	Үртача оғирлиқдаги- II _a	18 – 20	60 - 40	0,2
	Үртача оғирлиқдаги- II _b	17 – 19	60 - 40	0,3
	Оғир- III	16 – 18	60 - 40	0,3
Илиқ давр	Енгил- I	20 – 25	60 - 40	0,2
	Үртача оғирлиқдаги- II _a	21 – 23	60 - 40	0,3
	Үртача оғирлиқдаги- II _b	20 – 22	60 - 40	0,4
	Оғир- III	18 – 21	60 - 40	0,5
Иссик	Енгил - I	20 – 30	60 - 40	0,3
	Үртача оғирлиқдаги- II _a	20 – 30	60 - 40	0,4 - 0,5
	Үртача оғирлиқдаги- I _b	20 – 30	60 - 40	0,5 - 0,7
	Оғир - III	20 – 30	60 - 40	0,5 - 1,0

3.

Нормаларда организмнинг ташқи муҳитга мослашиш фақат ташқи шароитларга эмас, балки меҳнатнинг оғир-енгиллигига боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган иссиқлик ҳосил қилиши миқдорига алоқадорлиги ҳам ҳисобга олинади. Шунга кўра энгил ишларда, ўртача оғирлиқдаги ва оғир ишларга қараганда, ҳавонинг бирмунча юқори ҳароратларда ва ҳаракатининг бирмунча кам тезлиқда бўлиши қабул қилинган.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган нормалар йилнинг совуқ ва бир мавсумдан иккинчисига ўтиш даврларида (ташқи ҳавонинг) ўртача кунналик ҳарорати –10 °C дан юқори (ёки мувофиқ ҳолда паст) доимий иш жойларидан ташқарида (2.3-жадвал) бирмунча катта рақамларда ўзгариб туриши, йилнинг иссиқ пайтида эса цехлар ҳавосининг ошган ҳарорати (айниқса Ўрта Осиё шароитида ва иссиқлик

ажралиб чиқиши мумкин бўлган цехларда) иссиқликнинг аниқ ортиқча бўлишини кўзда тутади. Бу ташқи муҳитининг иссиқ бўлиши билан бирга катта миқдордаги иссиқликни йўқотишни қийинлиги билан боғлиқ.

Бироқ бу ҳолда ҳам нормалар йўл қўйса бўладиган максимумни чегаралайди (аммо Ўрта Осиё широатини учун эмас). Иссиқлик ажралиши юқори бўлган цехларда ҳавонинг ҳаракат тезлиги ҳам бирмунча ортиқча белгиланади. ҚМҚда хоналарнинг катта кичиклиги, иссиқлик ва намлик ажратилишнинг бирга учраши, доимий ҳарорат ёки ҳарорат ва намлик кабиларни сунъий усулда тутиб туриш шароитларини ҳисобга оладиган қатор қўшимча тавсиялар ва аниқликлар ҳам мавжуд.

Кўрсатиб ўтилган нормаларга қўшимча қилиб, СанПиН да баён этилганидек, иш жойларида иссиқликнинг нурланиш интенсивлиги 300 ккал.м^2 дан юқори бўлганда албатта ҳаво душлари қурилишизарур эканлигини назарда тутиш лозим. Бунда бериладиган ҳаво ҳарорати ва ҳаракат тезлиги йил фаслига, иш категорияси ва иссиқлик нурларининг кўп-камлигига боғлиқ. Иш нечоғлик оғир бўлса, ҳарорат шунчалик паст ва ҳаво ҳаракати юқори бўлади.

Микроиқлимнинг инсон фаолиятига таъсири. Курилиш ишларида инсоннинг кайфияти ва унинг меҳнат унумдорлиги уни ўраб турган муҳитга яъни ҳароратнинг ўзгаришига, ҳаво намлиги ва ҳаракатланиш тезлигига ҳамда атмосфера босимиға кўп жиҳатдан боғлиқ. Инсон ўзини ўраб турган ҳавонинг ҳарорати $40 - 60\%$, ҳамда ҳаво ҳаракатининг тезлиги $0,1 - 0,2 \text{ м/с}$ бўлганда ўзини яхши ҳис этади ва ишchan ҳисоблайди. Инсон организмига атмосфера босими ҳам таъсир қиласи.

Инсон организмига метеорологик шароитларнинг таъсири организмни ўз иссиқлигини бошқаруви - терморегуляциясига боғлиқ бўлади. Инсон танасидаги доимий ҳарорат яъни организмнинг терморегуляцияси физиологик ва кимёвий жараёнлари билан ушлаб турилади ва бу орқали ташқи муҳит билан организм орасидаги иссиқлик алмашинуви тўлиқ таъминланиб турилади. **Ҳароратнинг $15 - 20^\circ\text{C}$** бўлиши ва **нисбий намликнинг $35 - 70\%$** миқдори

организмдаги модда алмашинуви ва иссиқлик **алмашинуви жараёнларини амалда ўзгартирмайди.**

20⁰С даражадаги ҳарорат организмда иссиқлик ажralуви ва буғланишни юзага келтиради. Инсон организмида буғланиш ҳисобига тер ажralиб чиқади ва бу уни иссиқ уришидан сақтайди. **Нисбий намлик 80 -85 %дан ошиб кетганда, организмдан ажralаётган тернинг буғланиши секинлашади ва бу физиологик терморегуляциянинг бузилишига сабаб бўлади.**

Организмнинг ташқи муҳит билан иссиқлик алмашинуви метеорологик шароитдан ташқари, бажарилаётган иш тури ва ишчининг физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Ҳарорат 30⁰ С дан ошган пайтда ишчи бир сменада 10 – 12 литр атрофида тер ажратади ва меъёрдаги 10 гр ўрнига 30 – 40 гр туз йўқотиши мумкин. Бундай микдордаги сувни йўқотилиши организмнинг сувни сақлаб туриш қобилиятини сусайтиради ва бунда иссиқ уриши содир бўлади. Иш жойларида ҳаво ҳароратининг пасайиб кетиши ҳисобига тананинг ҳаддан ташқари совуб кетиши юзага келади ва натижада инсон шамоллаш касаллигига чалинади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш минтақаларида “Саноат корхоналарини лойиҳалашнинг санитар меъёрлари” (СанПиН) га асосан бажарилаётган **ишнинг тури ва йилнинг фаслларини** ҳисобга олиб, доимий ва ўзгарувчи иш жойлари учун метеорологик шароитлари белгилаб берилган. Унга кўра, йилнинг совуқва ўзгарувчан даврлари учун, ишлаб чиқариш биноларидаги **мўътадил ҳаво ҳарорати 16 – 22⁰ С, нисбий намлик 60 – 30 %, ҳаво оқимининг тезлиги 0,2 – 0,3 м/с деб қабул қилинган.**

Иссиқ цехлардаги иш жойларида меҳнат шароитларини яхшилаш учун, технологик жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, табиий шамоллатиши етарли бўлишини таъминлаган ҳолда хоналарни режалаштириш; ҳавфли ёки чанг ажralиб чиқадиган жараёнларни алоҳида хоналарга жойлаштириш; иссиқ сиртларни ҳимоя қопламалари билан таъминлаш; табиий шамоллатишини йўлга қўйиш ва сунъий шамоллатишида сўрувчи шамоллатишининг унумдорлигини соатига 2 - 4 маротаба бўлишини амалга

ошириш, ҳаво душларини қуриш, иссиқлик нурларига қарши қалқонли экранлар ўрнатиш; шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш; ишчиларга дам олишлари учун зарур шароитлар яратиш, ичимлик суви (газ-сув) билан таъминлаш ва санитар-маиший хизматларни йўлга қўйиш керак бўлади. Ишчи хоналари, шунингдек автомашина, бульдозерлар, кранларнинг кабиналарида ҳаво ҳарорати, йилнинг совуқ ва ўтиш даврларида $13 - 17^{\circ}\text{C}$, йилнинг иссиқ даврларида 28°C ва намлик миқдори $40 - 80\%$ ни ташкил этиши керак. Бунда қиши давридаги ҳаво оқимининг тезлиги $0,5 \text{ м/с}$ дан кам ва ёзда $0,7 - 1 \text{ м/с}$ ни ташкил этиши керак. Бир қатор маҳсус ишлар (туннеллар, кессонлар, сув ости иншоотларини қуришда) ҳавонинг юқори босими 20 дан 405 КПа бўлиши талаб этилади. Бундай шароитларда қисқартирилган иш куни жорий қилиниб, бир босим шароитидан иккинчи босим шароитига, мавхусус ўтиш камералари (шлюзлар) қурилиб улар орқали ўтилади.

Айрим пайтларда, баланд тоғли жойларда ишларни бажаришга тўғри келади, бунда атмосфера босимининг камайиши кузатилади (баландлик 2500 м бўлганда босим 73330 Па гача тушиб кетади). Ушбу шароитларда инсон организми кислород этишмаслигидан азият чекади. Уни олдини олиш мақсадида ишчилар кислород аппаратлари, иссиқ ва қулай кийим-бошлар билан таъминланади. Ҳаво ҳарорати термометрда, оқимининг тезлиги косали ёки қанотли анемометр билан, намлиги Агуст психрометри ёрдамида ўлчанади.

2.2.Ишлаб чиқаришда заҳарли ва заарли моддалар, ҳимояланиш тадбирлари. Рухсат этилган чегаравий миқдор.

Чанг заррачалари таркибига кўра органик ва минерал қисмлардан иборат. Бунда унинг асосий қисмини органик модда бўлмиш тола ва унинг бўлакчалари (пахта чангидаги 92-98%) ташкил қиласди. У мураккаб таркибли бўлиб, турли шакл ва катталикларда учрайди.

Чангга гигиеник баҳо берилганда унинг таркиби асосий роль ўйнайди. Унинг органик қисми целлюлозадан ташкил топган бўлиб, у организмга заҳарли таъсир қилмайди, лекин уларда моғор замбуруғлари ва споралари мавжуд бўлиши мумкин, бу эса организм ҳароратини оширади, бош оғриғи ҳамда титроқ тутиш ҳолларига олиб келади. Пахта толаси чангидан пайдо бўладиган касаллик

биссиноз деб аталади. Бундан ташқари пахта чангидар, пахтага ишлов бериш вақтида аралашып қолған заһарлы моддалар бўлиши мумкин.

Чангнинг таркибидаги минерал қисмида кремний икки оксиди SiO_2 бўлиб, унинг нафас йўллари орқали ўпкага маълум концентрацияда кириб бориши пневмокониоз касаллиги хавфини туғдиради. Чанг таркибида бу модда қанча кўп бўлса касаллик хавфи шунча ортади.

Айрим ҳолларда чангнинг майда заррачалари киши ўпкасининг альвеолларига кириб, уларни беркитиши натижасида, ўпканинг иш фаолиятини пасайтиради, яъни киши ўпканинг тўлиқ ҳажмида нафас ололмайди, натижада бориб-бориб хасталикка учраши, яъни пневмокониоз касалига дучор бўлиши мумкин.

Чангларни киши танасига таъсирини аниқлашда нафақат уларнинг физик хусусиятларини, балки уларнинг ўлчамини ҳам ҳисобга олиш керакдир. Бу борада энг хавфли катталиги 5 мкм гача бўлган чанглардир, чунки улар ўпканинг катталиги 4-5мкм бўлган альвеолларига бемалол кираоладилар ва уларни беркитиб кўядилар. Бундан катта бўлган чанг зарралари эса юқори нафас йўлларида ва бронхларда ушланиб қолади ва танадан чиқарилиб юборилади. Яна чанг зарраларининг катталиклари, уларнинг ҳавода қанчалик кўп ушланиб туришини белгилайди, бу эса уларнинг организмга кириш имкониятини кучайтиради. Татқиқодлар натижаси чанг зарралари қанчалик майда бўлса улар ҳавода шунча кўп ушланиб туришларини кўрсатади.

Корхоналарида чанги учун қуйидаги йўл қўйса бўладиган концентрация (ЙҚБК) қабул қилинган. Бу эса чанг таркибидаги SiO_2 га боғлиқдир. Санитария меъёрларида келтирилишича: агар чанг таркибидаги SiO_2 2%дан кам миқдорда бўлса, ЙҚБК -6мг/м³, 2дан 10% гача бўлса-4мг/м³ ва 10% дан ортиқ бўлса, унда ЙҚБК -2 мг/м³ бўлиши келтирилган.

Тўқимачилик саноатида охор тайёрлашда сулфат кислотаси, хлорид ва сирка кислоталари, ўйувчи натрий ва бошқа моддалар ишлатилиб, улар цех ҳавосига заһарли газ ва буғлар ажратиб чиқаради.

Цех ҳавосидаги чангни камайтиришда қуйидаги тадбирлар қўлланилади.

- умумий шамоллатиш;
- зонтлар қўллаш;
- аспирациялаш;
- капсуляциялаш;
- гардишлардан сўриш;

Тўқимачилик саноати корхоналарида асосан аспирациялаш, яъни ажралиб чиқаётган чангни ўша жойнинг ўзидан вентилятор орқали сўриб олиш усули қўлланилади.

Барча машиналар вентиляторлар билан таъминланган бўлиб, улар чангли ҳавони машинадан сўриб оладилар ва тозалаш ускуналарига юборадилар. Бундан ташқари ҳаво оқими бу корхоналарда технологик жараёнда ҳам кенг қўлланилади. Одатда чангли ҳавони сўриш қувурларидағи ҳаво оқимининг тезлиги 8-14м/с қилиб олинади. Аммо, тадқиқотлар шуни қўрсатадики, аспирация системаларининг магистрал қувурларида ҳаво оқимининг тезлиги 20-25 м/с қилиб олинса, бу системанинг иш самараси юқори бўлади.


Охорлаш ва газлама тўклирини куйдириш машиналарида вентиляция асосан иш жойларидан намликни ҳамда иссиқ ҳавони сўриш учун қўлланилади. Бундай шароитда машиналар ҳаво сўрувчи ускуналар билан биректирилган зонтлар билан таъминланади.

Бундан ташқари тўқимачилик корхоналари цехларида умумий вентиляция кенг қўлланилади. Тараш, пилталаш, пиликлаш, йигириш, пишитиш, қайта ўраш, тандалаш ва тўқиши цехларидан чангли ҳавони сўрувчи каналлар орқали вентиляторлар ёрдамида сўриб олинади. Сўрувчи каналлар ер ости орқали ўтказилиб, панжаралар билан тўсиб қўйилади. Панжаралар машинанинг остки қисмида, йўлакларда бўлиши мумкин. Одатда бу каналлар орқали сўрилган ҳаво кондиционерларга юборилади ва мўътадил ҳолатга келтирилиб яна қайта цехга берилади.

Аспирация системасида қувурнинг исталган қисмида ҳаво оқимининг тезлиги у ёки бу чиқинди учун белгиланган тезликка teng бўлиши керак.

Трючлер (Германия) фирмасининг ДК760 тараш машинасида ҳаво сўриш системаси қуидаги вазифаларни бажаради;

- машина остидан ажралиб чиқсан чиқиндиларни сўриб олади;
- машина атрофини чангсизлантиради;
- машинани ифлосланишидан сақлайди;
- махсулотни имкони борича чангсизлантиради;



4-расм. Трючлер (Германия) фирмасининг ДК760 тараш машинасида ҳаво сўриш системаси

Ушбу талаблар бу машинада чанг ва чиқиндиларни уларнинг бевосита ажралиб чиқиш жойларидан узлуксиз сўриб олиш ҳисобига амалга оширилади.

Сўрувчи система машина конструкциясининг ажралмас қисми ҳисобланиб, сўрувчи каналлар машинага бориш йўлини тўсмайди, ишчига халақит бермайди.

Ушбу конструкциянинг афзал томони шундаки – сўрувчи система марказий сўрувчи системага уланиши мумкун. Бу полнинг устида ҳам полнинг тагида ҳам бўлиши мумкин. Чангли ҳавонинг узлуксиз сўрилиши машина остида доимий равища ҳавонинг сираклашуви, яъни манфий босим ҳосил қиласи ва у назорат

қилиб турилади. Марказий сўрувчи система ишдан чиқса тараш машинаси автоматик равишда дарҳол тўхтайди

Бундан мақсад маҳсулот сифатига таъсир қилмаслик ва машинани эҳтиёт қилишидир.

Ишлаш шароитига қараб, ушбу машина тўхтаб-тўхтаб ишлайдиган яшикли филтр билан ҳам таъминлаши мумкин. Ушбу филтр машинадан ажralиб чиқсан чиқиндиларни сўриш системасига узатиб туради.

Ускуналарда чангли ҳавони қабул қилувчи мосламаларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- улар бевосита чанг ва момик чиқаётган жойга яқинроқ ва зичроқ жойлашиши керак;
- тузилиши момиқнинг ҳаракат йўлида кескин тўсиқларга учрамаслиги,равон текис ва силлиқ бўлиши кескин ўтимлардан холи бўлиши керак;
- ўрнатилиш жойи чиқиндиларнинг ҳаракат траекториясини ҳисобга олиш ва уларни энг кўп тушадиган ерларга мослаштирилиши керак;
- сурувчи қувурнинг ҳаво кириш тирқиши машинанинг чанг ва момик чиқадиган ерига яқин ўрнатилиши керак, чунки узоқлашган сари ҳавонинг тезлиги кескин камайиб боради.

Йигирув фабрикасининг титиши – саваш бўлимларида чангли ҳавони тозалаш системасини мукаммаллаштириш бу цехларда биринчидан ёнгин ҳавфини кескин камайтирса, иккинчидан ҳавони тозалаш самарадорлигини оширади.

Чиқиндилар цехида айниқса чанг волчоги ва чиқинди тозалаш машиналарининг ишига алоҳида аҳамият бериш керак. Уларнинг эшик ва қопқоқлари зичлигини ошириш, тирқишлирини беркитиш керак.

Цехларида чангларнинг ажralиб чиқишини камайтириш бевосита ёки билвосита ишлаб турган дастгоҳларни лойихалаш пайтида такомиллаштириш ва ҳавфсизликни таъминловчи мосламаларни қўллашни кўзда тутиш ва янги дастгоҳларни технологик жараёнга тадбиқ этиш билан амалга оширилади. Булардан ташқари, дастгоҳларни ва бинонинг ички конструктив элементларини

chanǵdan tозалаш мақсадида puflab тушурувчи va chanǵ сўргич usкуналаридан ҳам фойдаланилади.

Цехлардаги chanǵlarни камайтиришнинг асосий омилларидан бири, машиналарга, полларга va бинонинг конструктив элементлари (устун, дераза токча)га ўтириб қолган chanǵlarни тезда тозалаб олишдир. Чунки улар озгина ҳаво оқими тезлигига ҳам яна цех ҳавосига кўтарилиб, chanǵланганлик даражасини ошириб юборади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, пахта заводлари цехларида ўтирган chanǵни ҳавога кўтарилиши chanǵланганликни аввалги даражасига нисбатан 2-3 баробар ошириб юборар экан.

Тўқимачилик саноати цехларида ўтириб қолган chanǵlarни тозалашни механизациялаш асосан икки усулда олиб борилади, биринчиси вакуум ёрдамида юзалардаги chanǵни сўриб олиш, иккинчиси кучли ҳаво оқими ёрдамида chanǵни шу юзалардан puflab қўзғатиб юбориш.

Биринчи усул, яъни chanǵни сўриб олиш усули гигиеник нуқтаи назардан афзалроқдир, чунки chanǵ қайтадан ҳавога кўтарилемайди, лекин бунда иш унумдорлиги иккинчи усулга нисбатан 8-10 марта камдир. Бундан ташқари сўриб олиш усулида шип, устун va баландлиги 5m. дан ортиқ жойларни тозалаш қийин. Puflash усули эса буларни тезда бажаришга имкон беради. Бунда puflab полга туширилган chanǵlarни эса сўриб олиш усули билан тозалаш тавсия қилинади.

Ўтириб қолган chanǵlarни puflab кўчириш, сикилган кучли ҳаво оқими орқали бажарилиб, улар компрессорлар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда сикилган ҳаво босими 0,4-0,6 МПа ($4-6 \text{кг}/\text{см}^2$) ни ташкил қиласи ва бу босимниенг тарқалган ВУ-6,4, ПКС-3,5, КСЭ-5 ва бошқа компрессорлар bemalol бера оладилар.

Chanǵli ҳавони тозалаш жуда муҳим масала бўлиб, тўқимачилик корхоналарида бунга алоҳида аҳамият берилади. Чунки бу биринчи навбатда ишловчилар саломатлигига таъсир қиласа, иккинчидан технологик жараённинг барқарорлигига, сифатли маҳсулот тайёрлаш, экологик муҳитни яхшилаш ва

қолаверса иқтисодий кўрсаткичларга ҳам сезиларли таъсир қиласи, яъни узунлиги 15 мм дан ортиқ бўлган толаларни чиқиндилар билан сўрилиб кетишига йўл қўйилмаслиги керак.

Чангланган ҳавони тозалаш қурилмалари. *Фильтрлар* - ғовакли механик чанг ажратувчилар, электрофильтрлар ва мойли. *Ғовакли-* (ипсимон, газмолли, донли, гравияли) чанг фильтрлар ғовакларида тез-тез ўтириб қолади, кўпинча фильтрловчи масса тепасида ва ғоваклар деворларида қолади. Механик чанг ажратувчилар – турли хил сиклонлар, чанг ўтирувчи камералар, чанг тўпловчилар. Электрофильтрлар – доимий тарзда юқори кучланишдаги токни ўтказувчи ҳаво ўтказгичи ичида электродлар ўрнатилган. Электродлар ёнидан ифлосланган ҳаво ўтаётганда чанг зарралари нурланаётган электрод электронларининг салбий электрзаряд оладилар, оқибатда улар эрга туташ электродлар йўналишида жойлашади ва шу эрда чанг тўпловчиларга ўтириб қолади. Самарадорлиги 99% дир. Шуни айтиб ўтиш керакки ёнувчи ва портлаш ҳавфи булган моддаларда ишлатиб булмайди. *Мойли фильтрлар* – ифлосланган ҳаво ва мойли устами билан туташ устунини ҳосил қилувчи мойланган қисқа металл қувурчалар билан тўлдирилган катакли қути. Бундай филтлар ирмоқ ва сўргич вентиляцияда қўлланилади.

Афзалликлари - қурилма ва хизмат курсатиши оддий. Фильтр ифлосланган пайтда доиралар даврий тарзда иссиқ сода эритмасида ювилади ва уларнинг устамалари мойланади (доиралар –қутиси билан мойли ваннага солинади). Чангни тозалаш учун қурилмалар чанг ва чанг заррачаларининг характери ва хажмини инобатга олган ҳолда танланади.


Замонавий фильтрлар 10 мк гача энг кичик чангни сезиб, 1 м³ ҳавога 1-2 мг ни тозалашга қодир. Тозалаш даражасига кўра газмолли ва электрик фильтрлар ўта самарали, улар 10000 мг/м³ гача, яъни 99,5% чанги мавжуд ҳавони тозалашга қодир. Ирмоқ вентиляцияси учун тозалаш даражаси қуйидагича – ишлаб чикириш биносининг ишчи худуди ҳавосида заарли моддалар концентрацияси < 30% МЙҚҚ. Ифлос чанг ёки заарланган моддалар бор ҳаво доимо ҳам тўлиқ кўзга ташланмайди. Йилнинг энг совуқ даврида сўрилаётган ҳавони иситиш учун

иссиқликни тежаш мақсадларида ифлосланган ҳаво аралаш камерага ҳайдалиб, ($>10\%$) ташқи ҳаво билан араласиб, сўнг тозалангач, яна бинога узатилади. Бундай ҳаво айрибошлаш ретсиркулясия деб аталади. Аралаштирувчи камерага сўриладиган ҳавода зарарли ва портлаш хавфи бўлган (аккумуляторлардан) моддалар мавжуд бўлса, ретсиркулясияга йўл қўйилмайди.

Чангли ҳавони тозалаш тўқимачилик корхоналарида илгари оддий ва содда усувлар, чанг камералари, чанг ертўлалари, чанг каналлари қўллаш билан амалга оширилар эди. Уларда чанг заррачалари гравитация кучларидан фойдаланиб, яъни ўз оғирлиги билан ўтказиб тозаланар эди. Улар катта майдонларни эгаллаб, иш унумдорлиги паст, кўп энергия ва ишчи кучи талаб қилас, тозалаш самарадорлиги қониқарли эмас эди (50-80%).

Маълумки цехдаги ҳаво мунтазам равишда алмасиб турилши керак. Цехдаги ҳавони 15-20 карра алмаштирилганда қиши фаслида цех ҳарорати пасайиб кетади, нисбий намлиқ ҳам меъёрдагидан ошиб кетади, натижада иссиқликнинг кўп сарф бўлишига олиб келади. Атмосферага чиқариб юбориладиган ҳаводаги чангланганлик даражаси юқори бўлганлиги учун бу ҳавони цехга қайтиб бериб бўлмайди.

Чанг ертўлалари ўрнига тозалаш самарадорлиги бирмунча юқори бўлган (85-95%) рециркуляцион филтрлар ФТ-2 қўлланилмоқда.



6-расм. Рекиркуляцияловчи фильтр ФТ-2 нинг схемаси

ўйнайди.

6-расмда 2 поғонали ФТ-2 рециркуляцион филтрининг схемаси кўрсатилган. Чангли ҳаво машиналардан кувур 1 орқали сурилиб, диффузор 2 орқали вентилятор 3 билан тўрли барабан 4 камерасига юборилади ва унинг майда тўрли юзасидан ўтиб, ички қисмига тозаланиб ўтади. Барабан майда кўзли тўр билан қопланади (1cm^2 да 100-200 кўзлари бор). Тўрли барабаннинг юзасида калта толалар ва чанг заррачаларидан иборат қатлам хосил бўлиб, ҳавони чангдан тозалашда асосий рол

Барабан 4 жуда секин (60-300 минутда бир марта) айланиб юзасида ҳосил бўлган қатlam зичлаштирувчи валик 5 орқали ажралиб, бункер 6 га тушади. Цехга чанг чиқмаслиги учун тўрли барабаннинг усти қопқоқ 7 билан ёпилган. Биринчи босқич ҳисобланган тўрли барабандан ўтган ҳаво унинг икки четидан ҳаво қувури 8 орқали (пунктир билан кўрсатилган) тозалашнинг иккинчи босқичи ҳисобланган, филтрловчи матодан тайёрланган енгсимон филтрлар 9 га йўналтирилади. Одатда филтрловчи мато сифатида қалин «диоганал» ёки «вегонь» мовути ишлатилади. Сўнгти йилларда филтрловчи материал сифатида трикотаж тўқималари қўллаш устида ТТЕСИ «Трикотаж технологияси ва дизайнни» кафедраси доценти т.ф.н. Ф.Рахимов томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Енгсимон филтрларнинг ички юзасига ўтирган калта тола ва чанг қатламишининг ортиши билан филтрнинг қаршилиги орта боради ва ҳаво оқимининг ҳаракат мароми сезиларли равишда ўзгаради.


Енгсимон филтрлар ҳар 3-4 соатда пневматик равишида тозалаб турилади ва енглардан чангни тушириш учун маҳсус титратувчи механизм ишга туширилади. Шу пайтда 10 ва 11 клапанлар очилиб, йигилган чанг бункерларга тушади. Бу филтрларнинг чангли ҳавони тозалаш самарадорлиги қуйидаги рақамлардан яққол кўриниб турибди: тараш машинасидан кейин чангланганлик $90 \text{ мг}/\text{м}^3$ бўлса, чангли ҳавони тозалашнинг биринчи поғонасидан (тўрли барабан) кейин – $13 \text{ мг}/\text{м}^3$ ни ва иккинчи поғонасидан (енгли филтрлар) кейин эса $1,0 \text{ мг}/\text{м}^3$ ни ташкил қиласи. Битта шундай филтр соатига $8-9 \text{ м}^3$ чангли ҳавони тозалайди. Бир квадрат метр матога тўғри келадиган ҳаво ҳажми $150-200 \text{ м}^3/\text{соат}$ бўлса, бундай филтрлар қаноатланарли ишлайди.

Ҳар икки поғонали филтр 12 та матоли енглар билан таъминланган бўлади.

Технологик жараёнларда замонавий ускуналарнинг қўлланилиши чангли ҳавони тозалаш борасида ҳам тубдан ўзгариш ясади. Охирги йилларда толали чиқиндиларни йигиши ва чангли ҳавони тозалашни биргаликда узлуксиз амалга оширувчи марказлаштирилган, автоматик ишловчи замонавий ускуналар

қўлланмоқда. Шундай ускуналардан бири бўлган LTG (Германия) фирмасининг TFC-4 русумли барабанли филтрини мисол тариқасида ўрганиб чиқамиз.

Йигириш корхонасининг титиш, аралаштириш, тозалаш ва тараш технологик ускуналаридан ажralаётган чангли ҳаво ҳамда толали чиқиндилар вентилятор ёрдамида TFC-4 барабанли филтрларга ҳайдалади (7-расм).




8-расм. LTG фирмасининг TFC-4 барабанли фильтри.

Фильтр икки қисмдан иборат бўлиб, дастлабки тозалаш А қисмида асосан машиналардан келаётган толали чиқиндилар қувур 1 орқали айланиб турувчи майда кўзли капрон тўр билан қопланган диск (сито-капрон) юзасида ушланиб қолади. Қайта тозалаш қисми Б да чангли ҳаво барабан ичига сўрилиб, унинг ички деворига ёпишган майда чанг заррачалари маҳсус айланма ва илгарилама-қайтма ҳаракатланиб турувчи соплолар орқали сўриб олинади.

Айланиб турувчи дастлабки тозалаш дискидан сидириб олинган толали чиқиндилар ва барабаннинг ички деворидан сўриб олинган чангли ҳаво қувурлар орқали чанг ажратгич 5 га ва компактор 7 га узатилади. У ерда ҳаво чангдан тозаланиб, чангли ҳаво қувурлари орқали филтрнинг дастлабки тозалаш қисми А га қайтарилади. Чиқиндилар эса компактор тубида жойлашган диафарагма ёрдамида узлуксиз чиқариб турилади ва автоматик пресс 8 ёрдамида зичлаштирилиб қадоқланади.

Филтр фақат чангли ва калта толали ҳавони тозалашга мўлжалланган. Бошқа ҳолларда қўллаш тавсия этилмайди. Филтр +5 °C дан + 60°C гача ҳароратда ҳамда ёнгин-сочин ва юқори намлиқдан ҳимоялаш мақсадида ёпиқ хоналарда ишлатишга мўлжалланган. У мусбат ва манфий босимда ҳам ишлай олади.

Чанг, толалар ва чиқиндиларни ўзи билан олиб келаётган асосий ҳаво оқими филтрловчи барабанга ён томондан киради (9- расм).



9-расм.

TFC-4 филтрида чангли ҳаво оқими дастлабки тозалаш диски 1 га келиб тушади ва унда тола ва чиқиндилар ушлаб қолинади. Дастлабки тозалаш диски майда кўзли капрон тўрдан иборат бўлиб, минутига 24 марта айланиб туради. Диск юзасида ушлаб қолинган тола ва чиқиндилар вентилятор ёрдамида Ҳаракатланмайдиган сапло 2 орқали суриб олинади ва компакторга узатилади. Компакторда ажратилган чангли ҳаво филтрнинг дастлабки тозалаш камерасига қайтарилади.

Чангли ҳавонинг асосий оқими барабан 3 ичига ўтиб, барабаннинг юзасига таранг қилиб қопланган филтрловчи элемент 4 орқали филтрланиб (тозаланиб)

ташқарига чиқади. Бунда ҳаводаги чанг заррачалари філтрловчи элементнинг ички деворида ушланиб қолади.

Філтрловчи элемент 4 сифатида икки ҳил материал: тукли трикаттаж полотноси (тукли тарафи барабаннинг ички тарафига қаратиб қопланади) ва игна санчма (иглопробивной) нотўқима материал (каландрланган, силлик, қаттиқ тарафи барабаннинг ички тарафига қаратиб қопланади) ишлатилиши мумкин. Філтрнинг қайта тозалаш қисмидаги барабан З ҳаракатланмайди.

Унга қопланган філтрловчи элементни тозалаш секциялар бўйича жойлашган, айланиб турувчи, сўрувчи жуфт сопплолар 5 ёрдамида амалга оширилади. Сопплолар эластик ҳаво ичаклари орқали сўрувчи қувурга бириклиганди.

Сўрувчи сопплолар ва дастлабки тозалаш диски марказий йўналтирувчи қувур-барабан ўқи 6 орқали ҳаракатга келтирилади. Марказий йўналтирувчи қувур 6 эса муфта, занжир, тишли ғилдирак ва червякли узатма орқали двигателдан ҳаракат олади. Бу узатмаларнинг ҳаммаси хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳимояловчи тўсиқ билан қоплангандир.

Марказий йўналтирувчи қувурда винтли-ўйма вал бўлиб, қувур билан биргаликда барабанли філтр ўқи атрофида айланади. Винтли-ўйма валда сирпанувчи мослама марказий йўналтирувчи қувур бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат қиласи. Бошқа мосламалар ҳам бир-бiri билан штангалар орқали бириклиганди учун бир хилда синхрон ҳаракатланадилар.

Ҳар бир сирпанувчи мосламада бир жуфт сўрувчи сопло 5 ўрнатилган бўлиб, улар ҳам синхрон ҳолатда айланма ва илгарилама – қайтма ҳаракатланадилар. Сўрувчи сопплоларнинг айланиш тезлиги 5 мин^{-1} ни ташкил қиласи.


Сўрувчи сопплоларнинг бу икки ҳил ҳаракати эвазига барабаннинг ички томонидан філтрловчи элемент юзаси чангдан мунтазам тозалаб турилади.

Барабанли філтр ишида чангли ҳавони тозалашда босимлар фарқи муҳим рол ўйнайди. Масалан, філтрнинг дастлабки тозалаш қисми А да босимнинг максимал фарқи – 500 Па, қайта тозалаш қисми Б да босимнинг максимал фарқи

– 1000 Па ва філтр корпуси билан ташқи мұхит орасидаги босимнинг максимал фарқи \pm 3000 Па ни ташкил қылади. Філтр ичидағи ҳаво босимлар фарқи ҳисобига ҳаракатланади.

Барабанли філтрнинг афзalліктеридан яна бири, электр энергиясини кам сарфлаши (0,37 квт) ва шовқин даражасининг пастлигидир (70 дБ).

Дастлабки ва қайта тозалаш қисмларидан сүриб олинган чангли ҳаво ва толали чиқиндилар биргаликда компактор FKC-3 га бир-биридан ажратиш учун юборилади. (6-расм).



6-расм.

Компактор толали материални ҳаводан ажратувчи ва зичловчи қисимлардан иборатдир. Бу толали материал філтрларнинг түрларидан, дастлабки тозалаш дискларидан ёки бевосита машиналардан сүриб олинади.

Компактор иккита, устки ва пастки цилиндрик қисмлардан иборат.

Компакторнинг устки қисміда редукторлы электродвигател ўрнатилған. Унинг үқига эса конусли шнек ўрнаштирилған. Пастки қисми асосан құзғалмас

тўрли металл конусдан иборат бўлиб, махсус цилиндр ичига юқори герметик ҳолатда жойлаштирилган.

Юқориги цилиндрда ҳаво киритувчи ва пастки цилиндрда эса ҳаво чиқарувчи қувурлар оғзи жойлаштирилган.

Ажратилган ва зичланган тола ва чиқиндилар агрегатнинг пастки қисмидан қопга, аравачага ёки контейнер (бункер)га итариб чиқарилади.

Тола ва чангли ҳаво оқими юқориги ҳаво киритувчи қувур орқали тўрли металл конусга урилади, чанг ва толалар унинг ички юзасида ушлаб қолинади ва тозаланган ҳаво пастки чиқарувчи қувур орқали ташқарига чиқариб юборилади ва қувур 2 (4-расмда қора рангта бўяб кўрсатилган) орқали барабанли филтрнинг А камерасига қайта тозалаш учун юборилади.

Чангли ҳавони бундай қайта-қайта тозаланиши бу филтрларнинг самарадорлигини юқори даражага кўтаради. Ундан тозаланиб чиқсан ҳавони рециркуляция (қайта ишлатиш) имконини беради. Тозаланган ҳаво В камерасидан вентилятор 4 (4-расм) ёрдамида сўриб олиниб, шахта орқали атмосферага чиқариб юборилади ёки қишиги мавсумда цехга ҳайдалади.

Тўрли металл конуснинг ички деворида йиғилган, чанг, тола ва чиқиндилар қатлами минутига 16 марта айланиб турган конусли шнек ёрдамида узлуксиз пастга сидириб турилади ва юзасининг камайиб бориши ҳисобига зичлаштирилади.

Зичланган толали материал компакторнинг тубида жойлаштирилган пластинкали диафрагмага сиқилиб бераверади ва бундан юқоридан мунтазам келаётган қатламларнинг итариши ҳисобига зичлиги ортаверади. Толали массанинг итариш кучи ҳисобига диафрагма мажбурий равища очилиб, материал узлуксиз чиқиб туради. Бу материални автоматик пресс 8 га юборилиб, қадоқлаш ҳам мумкин.


Компактор FKC-3 нинг узлуксиз ишлаши чангизлаштириш тизимида босимни бир хилда ушлаб туриш имконини беради.

Компактор ўлчамларининг кичиклиги (бўйи-1200 мм, эни -780 мм, диаметри – 454 мм) уни бевосита филтр бункерига, деворга ва алоҳида равища

полга ҳам ўрнатиш имконини беради. Иш унумдорлигининг (ҳаво ўтказа олиш қобилияти мах 4000 м³/соат, чиқинди тўплаш қобилияти – мах 200 кг/соат) юқорилиги, кам электр энергияси сарф қилиши – 0,55 кВт ва шовқин даражасининг пастлиги – 70 дб (А) каби кўрсаткичлари уларни замонавий корхоналарда ишлатиш орқали экологик муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда.

Ҳозирги пайтда кимё, металлургия ва бошқа саноатларда кенг қўлланаётган электр филтрларининг чангли ҳавони тозалаш самараодорлигининг юқорилиги уларни тўқимачилик саноатида ҳам қўллаш имкониятларини ўрганишни тақазо этмоқда. Бир қатор амалий қийинчиликлар уларни толали чангларни тозалашда қўллашга монелик қилмоқда.


Электр филтрларнинг ишлаш принципи 7-расмда кўрсатилган.



Агар иккита-бирининг учи ўткирланган ёки игна кўринишида, иккинчиси эса пластинка ёки қувур кўринишида электродлар олиб, уларга катта кучланиш берилса, бу электродлар орасида электр майдони ҳосил бўлади. Маълумки, ҳамма вақт ҳавода ионлар ва эркин электронлар мавжуд. Булар юқорида айтилган майдон таъсирида унинг куч чизиқлари бўйлаб ҳаракатга келади ва электродлар орасида электр токи оқа бошлайди. Электродларга берилаётган

кучланишни маълум миқдорга оширилганда ионлар ва электронлар шунчалик тез ҳаракат қиласидиларки, ҳаводаги молекулалар билан тўқнашиб ва бошқа электронларни майдондан чиқариб юбориб, уларни ионлайди. Газларнинг бу ҳосил бўлган ионлари электр майдони таъсирида яна ҳам катта тезланиш олиб, газларнинг молекулаларига тўқнашади ва уларни ҳам ионлайди. Бу жараён зарбали ионлаш деб аталади.

Зарбали ионлаш ўткирланган ёки игнали электрод яқинида тожли разряд ҳодисасини келтириб чиқаради.



12-расм. Толали чанглар учун электрофильтр схемаси

1-қўзғалмас цилиндр; 2-игналар; 3-айланувчи металл стакан; 4-диффузор; 5-чанг йиғувчи шнек; 6-шнек валининг подшипники; 7-стакан 3 ни ҳаракатга келтирувчи механизм; 8-чангли ҳаво юборувчи қувур.

Одатда тожлантирувчи электрод манбаънинг манфий кутбига уланади, шунда электродлар орасидаги бўшлиқ манфий ионлар ва электронлар билан қопланади. Электр майдоннинг таъсири остида мусбат зарядланган электродга йўналиб, улар ўз йўлида учраган чанг заррачаларини ҳам манфий зарядлар билан зарядлайди, натижада улар ҳам мусбат зарядланган электродга йўналади ва унда ўтириб қолади. Шунинг учун ҳам бундай электрод ўтказувчи электрод деб аталади. Чанг ўтказувчи электрод вақти-вақти билан зарядсизлантириб, чангдан тозалаб турилиши керак.

Бундай электрофильтрнинг схемаси 8-расмда кўрсатилган. Ускуна ихоталовчи енгил материалдан ясалган ва рамага консоль равишда ўрнатилган

юзасига тожли разряд ҳосил қилувчи металл иғналар 2 қадалган қўзғолмас цилиндр 1 дан иборат. Бу цилиндр атрофида металлдан ясалган, уч-беш минутда бир марта айланувчи стакан 3, уни ҳаракатта келтирувчи механизм 7 ёрдамида секин-аста айланиб туради. Цилиндр 1 нинг ичидан диффузор 4 билан тугайдиган ҳаво қувури 8 ўтказилган.

Стакан 3 нинг пастки қисмида унинг деворидан 3-5мм оралиқда шнек 5 ўрнатилган. Унинг ўқи подшипник 6 да консол равишида ётади.


Ўтказувчи электрод вазифасини бажарувчи стакан 3 ерга улаб қўйилган. Тожли разряд ҳосил қилувчи иғналарга манфий ишорали 30-40 кВ ўзгармас ток берилади.

Чангли ҳаво қувур 8 ва диффузор 4 орқали ўтиб, цилиндр 1 ва стакан 3 орасидаги ҳалқасимон тирқишига киради ва юқорида айтилган физик ҳодиса туфайли стаканнинг ички деворига ўтириб қолади. Тозаланган ҳаво стаканнинг очиқ томонидаги ҳалқали тирқищдан атмосферага чиқиб кетади. Стакан деворларига ўтирган чанг, унинг ва диск 5 нинг ўзаро ҳаракати натижасида стакан ичидан чиқарилиб, ҳаво ёрдамида чанг йиғиш бункерларига йўналтирилади.

Юқорида келтирилган электрофилтр намуна ускуна бўлиб, у юқори иш унумдорлигига (секундига 6m^3 чангли ҳавони тозалай олади.), юқори самарадорликка (99,9%)эга эканлигини ва толали чангларда ҳам қўллаш мумкунлигини кўрсатади. Бундай электрофилтрларни тўқимачилик саноати корхоналарида кенг қўллаш учун бу ускунани соддалаштириш йўлида илмий – тадқиқод ишларини давом эттириш керак.


Чангларнинг концентрациясини аниқлашда ва умуман чиқаётган чангларнинг ҳаводаги концентрациясини аниқлаш мақсадида лабаратория ходимлари томонидан вақти-вақтида цехларда ва корхона худудида намуналар олиб турилади. Таҳлил натижалари чангланганлик даражаси йўл қўйса бўладиган концентрациядан юқорилиги аниқланса дархол уни камайтиришга қаратилган чора тадбирлар қўлланади.

Ҳавонинг санитария ҳолатини назорат қилиш учун қуйидаги усуллар кўлланилади: лаборатория усули, индикация усули, экспресс усули, оптик усул, электрик ва стандарт (оғирлик) усуллари. Бу усулларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Тўқимачилик саноатида цехларда чанг концентрациясини аниқлашда энг кенг қўлланадиган усул оғирлик усулидир. Оғирлик усули текшириладиган маълум ҳажмли ҳавони филтр орқали сўриб ўтказилганида унинг оғирлиги ортиши принципига асосланган. Оғирлик усули пласмассадан ясалган патронларга АФА-В-18, АФА-В-10 маркали филтрлар ўрнатилади. Бу филтрлар ташки диаметрлари 70 ва 56 мм, ички диаметрлари 48 ва 36 мм (иш юзалари тегишлича $18,1 \text{ см}^2$ ва $10,1 \text{ см}^2$) ФПП – 15 маркали матодан тайёрланади



13-расм АФА-В-18 филтр ўрнатиладиган қофоздан ясалган ҳимоя халқаси.

Бу усулда чанг концентрациясини ўлчаш ускунаси қуйидагилардан ташкил топади (14-расм). Патрон 1га ўрнатилган филтр намуна олиниши керак бўлган жойга штатив 2 ёрдамида ўрнатилади. Одатда машиналарнинг иш зонасида ердан 1,5 м баландликка, яъни нафас олиш зонасига ўрнатилади. Патрон резинаси шланг 4 билан реометр (ёки ротаметр) 5 га уланади, у ўз навбатида ҳавони сўриб турувчи чанг ютгичга уланади. Реометр ва чанг ютгич ўрнига аспиратор ҳам ишлатилса бўлади. Бунда ҳавони сўрувчи чанг ютгич вазифасини аспиратор ичига ўрнатилган насос бажаради. Бутун ўлчаш давомида филтрдан ўтувчи ҳаво ҳажмининг бир хилдалигини таъминлаб туриш учун қисқич 3 дан фойдаланилади. Аспиратор қўлланганда қисқичнинг ҳожати йўқ, чунки унда ҳаво ҳажмини бошқариш тутгмалари мавжуд



14-расм. Чанг концентрациясини ўлчаш ускунаси схемаси.

Филтрлар намуна олишдан аввал нормал Ҳарорат ва намлик шароитида 40-60 мин сақланади. Сўнгра пинцет билан тўрт бўлаклаб аналитик тарози палласига қўйилади. Тўқимачилик саноати цехларида намуна олиш учун 3-5 мин вақт етарли.

Намуна олиб бўлғандан сўнг патрондан филтр олиниб, 40-60 мин давомида аввалги шароитда ушлаб турилади ва сўнгра яна тортилади. Агар намуна олиш юқори нисбий намлик шароитида бўлса (90-100%), бунда филтрлар термостатда 55-60° С да 20-30 мин давомида ушлаб қуритилади ва ундан сўнг 40-60 мин аввалги нормал шароитда ушлаб кейин тортилади.

Ҳаводаги чанг концентрациясини ($\text{мг}/\text{м}^3$) қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\eta = \frac{(g_2 - g_1)1000}{V \cdot t}, \text{ мг}/\text{м}^3 \quad (3.2)$$

Бу ерда g_1 - тоза филтр массаси, мг;

g_2 - чанг ўтирган филтр массаси, мг;

V – филтрдан ўтган ҳаво ҳажми, л/мин (реометр кўрсаткичи орқали махсус графиклардан фойдаланиб топилади);

t – намуна олиш вақти, мин.

Айрим холларда, ҳавода заҳарли моддаларни концентрациясини аниқлаш зарур бўлғанда, универсал газо анализаторлардан (УГ) фойдаланилади. Уларнинг ишлаш принципи индикаторлар шимдирилган махсус кукунлар солинган найчадан ҳаво ўтказилганда ундаги заҳарли модданинг концентрациясига қараб ранги ўзгаришига асослангандир. Найчадаги кукуннинг

рангли қисмининг узунлиги қанча катта бўлса, мазкур захарли модданинг концентрацияси шунча катта бўлади. Буни маҳсус тарировка қилинган чизғич орқали аниқланади.

Индикатор усули хавфлилик даражаси юқори бўлган моддаларни (симоб, цианий бирикмалари ва бошқалар) аниқлашда ишлатилади.

Хозирги кунда чангли ҳавони тозаловчи ускуналарнинг кўплаб турлари мавжуд, лекин уларнинг қай бирини танлаш чангнинг классификация турига боғлиқ.

Чанг заррачаларининг ўлчамларига биноан, барча саноат турларининг чанглари қўйидаги 5 та тасниф гуруҳига бўлинади:

I - жуда йирик чанг;

II - йирик чанг;

III - ўрта йириклидаги чанг;

IV - майдада чанг;

V - жуда майдада чанг;

Чангларнинг тасниф гуруҳига қараб, чангли ҳавони тозаловчи ускуналар ҳам самарадорлигига қараб қўйидаги беш синфга бўлинади.

Чангли ҳавони тозаловчи ускуналарнинг самарадорлиги бўйича таснифи

3-жадвал

Чангли ҳавони тозаловчи ускунанинг таснифи	Самараали ушланиб қоладиган чанг заррачаларининг ўлчами, мм	Чангнинг дисперслиги бўйича	
		Чанг гурухи	Самарадорлиги, %
I	0,3-0,5 ва ундан катта	V	80
II	2	IV	99,9-80
III	4	IV	92-45
		III	99,9-80
IV	8	II	99,9-99
		II	99,9-95
V	20	I	99,9
		I	99

Чангли ҳавони тозаловчи ускунанинг ишлаш самарадорлиги ҳаводаги чангни қанча миқдори ушлаб қолинганлиги билан белгиланади ва одатда % да ҳисобланади.

Масалан, ускунага m_1 кг чанг кирди, унда m_2 кг чанг ушлаб қолинди, унинг самарадорлиги

$$\eta = \frac{m_2}{m_1} \cdot 100 \% \quad (3.3)$$

Одатда бу катталик ускунага кираётган ва ундан чиқаётган ҳаводаги чанг концентрацияси билан аниқланади

$$\eta = \frac{C_k - C_u}{C_k} \cdot 100 \% \quad (3.4)$$

Айрим холларда чангли ҳавони тозаловчи ускуналарнинг самарадорлиги етишмаслиги натижасида икки босқичли ускуналар ҳам қўлланилади. Бундай холларда умумий самарадорлик қўйидагича ҳисобланади:

$$\eta_{ум} = \eta_1 + \eta_2 - \frac{\eta_1 \cdot \eta_2}{100} \quad (3.5)$$

Бу ерда η_1, η_2 – ҳар бир чангли ҳавони тозалаш ускунасининг ишлаш самарадорлиги.

Назорат саволлари:

1. Хавф таксономияси номенклатураси нима?
2. Хавфлар келиб чиқиш табиати бўйича қандай гурухланган?
3. Хавфлар расмий стандарт бўйича қандай гурухланган?
4. Жамиятда хавфсизлик даражасини қандай кўтариш мумкин?
5. Жамиятда хавфсизлик даражасини кўтариш учун қанақа йўналишларга маблағ сарфлаш лозим?
6. Техник системаларни ва объектларни такомиллаштиришга маблағ сарфлаш нималарга олиб келади?
7. Хизмат қўрсатувчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга маблағ сарфлаш қанақа самара беради?

8. Фавқулодда вазиятларни бартараф қилишга маблағ сарфлаш қанақа самара беради?
9. Хавфларни ўрганиш кетма-кетлиги нечта қадамдан иборат?
10. Хавфларни ўрганиш кетма-кетлигининг 1-қадами нимадан иборат?
11. Хавфларни ўрганиш кетма-кетлигининг 2-қадами нимадан иборат?
12. Хавфларни ўрганиш кетма-кетлигининг 3-қадами нимадан иборат?
13. “Сабаблар ва хавфлар дарахти” нима?
14. Хавфларни ўрганиш кетма-кетлиги қанақа?
15. Тизими таҳлилда қанақа ҳодисалар белгилари қўлланилидди?
16. Тизими таҳлилда қанақа мантиқий амаллар қўлланилидди?
17. Мантиқий қўпайтма ва мантиқий йиғинди қандай аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хусanova С.И и др. Аварийно-спасательные работы. Учебное пособие. Для студентов технических ВУЗов. Т., 2008. 139с.
2. Хусanova С.И. ва бошқ. Mehnatni muhofaza qilish va hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv amaliy qo‘llanma. “Adabiyot uchqunlari”. Т.,2016. 507b.
3. Хусanova.С.И., Гуръянов. В.Ф. Рекомендации по организации подготовки населения к действиям при чрезвычайных ситуациях. Услубий қўлланма. Т., 2016. 72б.
4. Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
5. 2.Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
6. Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” -T.: 2005. -355 b.

3-Маъруза: Ишлаб чиқариш корхоналарини ёритиш. Ишлаб чиқаришда шовқин, титраш, ультра ва инфра товушлар.

Режа:

1. Ишлаб чиқариш корхоналарини ёриттиши.
2. Ётугликтарни асосий тавсифлари ва катталиклари.

3. Ишлаб чиқариша шовқин, титраш, ультра ва инфра товушлар.

4. Уларнинг инсон организмига зарарли таъсири.

3.1. Ишлаб чиқариши корхоналарини ёритиш.


Ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири иш жойларининг ёритилишидир. Тўғри ташкил қилинган ёритилганлик меҳнат шароитининг меъёрда бўлишини таъминлайди.

Фақатгина ёритилганликни яхшилаш ҳисобига иш унумдорлиги 5% дан зиёдроқ ошганлиги аниқланган. Маълумки, киши 90% ахборотни фақат кўз орқали олади. Демак, корхонада ёритилганликни рационал ташкил қилиш киши саломатлиги ҳамда марказий асаб системасининг фаолияти нормал бўлишига сабаб бўлар экан. Ёритилганлик етарли бўлмаса ёки у рационал жойлаштирилмаса, машинанинг хавфли қисмларини сезмай қолиши натижасида бахсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Нормал ёритилганлик меҳнат унумдорлигини ошишига ва маҳсулот сифатини яхши бўлишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш шароитида ёритилганлик ишчилар саломатлигига зарар етказмаслиги учун у кўзни зўриқтирумайдиган, иш вақтида хонанинг ҳамма қисмларида бир текис тақсимланган бўлиши талаб қилинади. Ёруғлик кўзни қамаштирумайдиган бўлиши, бошқача қилиб айтганда, ёруғлик нурлари кўзга тўғридан- тўғри тушмаслиги керак. Ёруғликнинг спектрал таркиби шундай танланиши керакки, натижада киши атрофдаги нарсаларнинг рангларини тўғри қабул қилсин. Иш жойларида кескин ажralиб турувчи соялар бўлиши ва иш жойлари билан атрофдаги муҳитнинг ёритилганлиги жуда катта фарқ қилмаслиги керак. Чунки акс холда киши кўзини бир шароитдан иккинчи шароитга тез-тез ўзгартириб туриши натижасида кўзининг аккомодация хусусияти бузилиб, кўриш органларининг толиқиши ҳолати рўй беради.

3.2. Ёруғликнинг асосий тавсифлари ва катталиклари.

Иш жойларининг ёритилиши асосан қуйидаги схема бўйича амала оширилади.



1-расм. Ишлаб чиқаришда ёритилишнинг турлари ва системалари.

Маълумки, табиий ёруғлик манбаи қўёшдир. Сунъий ёруғлик манбаи эса электр энергияси бўлиб, у чўғланма ва люминесцент лампалар орқали амалга оширилади. Табиий ёруғлик бинонинг ён томонидан (деразалар), юқоридан (бунда ёруғлик шедлар ёки зенит фонарлари орқали) ва комбинациялаштирилган, яъни ҳам ён тарафдаги деразалар орқали ҳамда юқоридан тушган ёруғлик орқали ёритилади. Цехлар кундуз куни одамга ёқимли ва фойдали бўлган табиий ёруғлик билан ёритилишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Корхоналарда иш икки, уч сменали ёки цехларнинг ўлчамлари катта бўлганда тўқимачилик корхоналарига хос сунъий ёритиш қўлланади, чунки бундай катта цехларда табиий ёруғлик билан бутун цех бўйича етарли ва бир текис ёритилишни таъминлаш мумкун эмас.

Сунъий ёруғлик умумий (бутун цех бўйича), маҳаллий ёруғлик эса фақат иш жойларида, аралаш ёки умумий ёруғлик билан маҳаллий ёруғлик биргаликда қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий ёруғлик алоҳида, якка ўзи ҳеч маҳал қўлланилмайди.

Агарда бир хил ёруғлик оқими берувчи лампалар цех базаси бўйича бир текис ўрнатилган бўлса, буни teng тақсимланган умумий ёруғлик дейилади.

Агарда лампаларнинг ўрнатилишида ёруғлик оқими қўпроқ иш жойларига ёки бошқа зарур участкаларга йўналтириб ўрнатилса, буни умумий локаллаштирилган ёруғлик деб аталади. Сунъий ёруғлик ўзининг вазифаси бўйича иш ёруғлиги яъни корхонада технологик жараённи нормал бориши учун зарур бўлган ёруғлик, авария ҳодисалари вақтида ишлатиладиган ёруғлик ва маҳсус ёруғликка бўлинади.

Авария ҳодисалари учун ишлатиладиган ёруғлик ишчиларни эвакуация қилиш ва айрим ҳолларда муҳим участкаларда ишни давом эттириш учун ишлатилади. Булар шундай ҳолларки, иш ёриткичи ўчса, портлаш, ёнгин, жароҳатлар содир бўлиши ва технологик жараён узоқ муддатга ишдан чиқиши мумкун. Бундай ҳоллардаги (яъни авария режимида) ёритилганлик иш ёруғлигининг меъёридан 5%, шу билан бирга цехларда ва хоналарда 2 лк дан ва ташқарида 1 лк дан кам бўлмаслиги керак.

Ишчиларни эвакуация қилишга мўлжалланган ёритилганлик хоналарда камида 0,5 лк, ташқарида 0,2 лк дан кам бўлмаслиги (айниқса зиналарда ва ўйлакларда) шарт. Бунинг учун чўғланма лампалари ва люменсцент лампалар ишлатилиши мумкун. Авария ҳодисалари учун ишлатиладиган ёруғлик системаси алоҳида манбадан таъминланиши керак.

Махсус ёруғлик турига нурлантириш мақсадида ишлатиладиган ёруғлик киради. Бу ёруғлик эритм нурланиши, яъни ишчиларни маҳсус хонафотарийларда ёки лабиринт коридорлардан ўтказиб ултрабинафша нурлар билан нурлантириш. Бу айниқса ҳозирги пайтда кенг қўлланилаётган, факат сунъий ёруғлик билан ёритиладиган цех ишчилари учун зарурдир. Маълумки, бутун иш куни давомида улар қуёш нурини қўрмайдилар ва организмларида ултрабинафша нурларга муҳтожлик ортади. Яна бир нурланиш тури бўлган бактерицид нурланиши эса, сув ва ҳавони стериллаш мақсадида ишлатилади.

Маълумки табиий ёруғлик билан цеҳларни ёритганда улар катта чегарада ўзгаради. Бу ўзгаришлар, метеорологик шароитлар, йилнинг фасли ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқдир. Шунинг учун цеҳларда табиий ёруғликни ёритилганликнинг миқдорий жихатидан меъёрлаштириб бўлмайди.

Тўқимачилик саноати цехларидаги табиий ёруғликни ҳисоблашда ва меъёрлаштиришда табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) қабул қилинган. Бу катталик бир пайтда ўлчанган хона ичидаги ёритилганлик (Еи)нинг ташқаридаги (E_m) ёритилганликка нисбати билан Ҳарактерланади, ёки

$$T\ddot{E}K = \frac{E_u}{E_m} \cdot 100 \%$$

Табиий ёритилганлик коэффициенти деразаларнинг ўлчамлари, ойна турлари, уларнинг ифлосланиши хамда ёруғлик ўтказиш қобилиятига боғлиқдир.

Ҳар бир цех учун хонанинг нуртехник сифатини Ҳарактерлайдиган табиий ёритилганлик коэффициентининг юза бўйлаб ўзгариш графиги чизилади. Цех ён томонидан ёритилганда ТЁК нинг минимал миқдори, юқоридан ва комбинациялашган ёруғлик қўлланганда эса унинг ўрта миқдори меъёрлаштирилади. Бу эса ўз навбатида бир хил иш шароитида ТЁК нинг минимал қийматидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳозирги пайтда сунъий ёруғлик асосан икки хил лампалар – чўғланма ва люминесцент лампалар орқали амалга оширилади.

Чўғланма лампаларнинг фойдали иш коэффициенти кичик, (3-7%) уларга келадиган энергиянинг жуда озгина қисми ёруғликка, асосий қисми эса иссиқлик энергиясига айланади. Бу лампалар спектри қуёш спектридан кескин фарқ қилувчи ёруғлик берадилар, шунинг учун бу лампалар ишлатилган ерларда кишининг рангларни идрок қилиш қобилияти сусаяди. Лекин бу лампалар тузилишининг оддийлиги ҳоҳлаган қувватда ишлаб чиқариш мумкинлиги босимнинг ва намликнинг жуда катта диапазонида ишлатилиши мумкинлиги сабабли ҳам кенг миқёсда қўлланмоқда. Бу лампаларни ёрдамчи цехларда, фонарсиз биноларнинг техник этажларида, вентиляция камераларида ва конденционерлар жойлашган хоналарда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Люминесцент лампалар табиий ёруғлик спектрига яқин спектрда ёруғлик тарқатадилар. Бу ишчиларни камроқ толиқтиради, рангларни идрок қилиш қобилияти ортади. Бу лампалар электр энергиясини тежашда анча авзалдир ва

чўғланма лампаларга қараганда ёруғлик чиқарувчи юзлари катта бўлгани учун кўзни қамаштириш қобилияти камдир. Люминесцент лампалар паст ва юқори босимли қилиб тайёрланади.


Люминесцент лампалар камчиликлардан холи эмасдир.

Ёруғлик оқимининг пулсацияли тарқалиши люминесцент лампасининг камчилигидир. Бу биринчидан ишчиларнинг физиологиясига салбий таъсир қиласа, иккинчидан стробоскопик самара пайдо қиласи. Бу шундай ходисаки, машина ва дастгохларнинг ҳаракатдаги қисмлари тўхтаб турган, секин айланаётган ёки нотўғри ҳаракат қилаётган бўлиб туюлади. Бу эса қўшимча хавф-хатар туғдиради. Бундан ташқари радио тўсиқлар пайдо қиласи, яъни товушни тиниқ эшитилишига халал беради ва айрим пайтларда шовқин чиқариб ишлайди.

Маълумки, цехларда ёруғликни тўғри тақсимлашда қандилларнинг аҳамияти катта. Уларни афзалликларидан бири шундаки, ишловчиларнинг кўзига лампалардан чиқаётган нурларни туғридан-туғри тушишдан саклайди. Кўзга нур тўғридан-тўғри тушганда кўз қамашиб, равшанлик катта бўлганда маълум вақтгача кўз олди қоронғилашиб обьектлар ёмон кўринади ёки кўринмай қолади. Ёруғлик манбаларининг кўзни қамаштириш хусусиятини камайтириши қандилларнинг ҳимоя бурчагига боғлиқдир. Ҳимоя бурчаги (9-расм) бу қандилнинг пастки қиррасининг горизантал чизиги билан лампанинг қиздириш чизигидан қарама-карши томонга ўтказилган нур орасидаги бурчакдур.

Бу бурчак одатда қуйидаги формула бўйича ҳисобланиб $\tan \alpha = \frac{h}{d}$, чўғланма лампа учун $\alpha=30^0$, люминесцент лампалари учун $\alpha=15^0$ олинади.


Конструкцияси бўйича қандиллар очик, ҳимояланган, ёпик, чанг ўтказмайдиган, намлик ўтказмайдиган, портлаш хавфидан ҳимояланган турларга бўлинади



. Қандилларнинг турлари.

1-очиқ қандиллар, 2-ёпиқ қандиллар, 3 – портлаш хавфидан ҳимояланган қандиллар.

Қандилларнинг махсус турларидан бири ҳисобланган тирқишли световодлар алоҳида эътиборга лойиқдирлар. Булар портлаш хавфи бор корхоналарда ишлатилади. Зеро, тўқимачилик корхоналари цехларида ҳам кўллаш фойдадан ҳоли эмас.



Тирқишли қандилларнинг схемаси.

1–цех; 2–дастгох ёки машиналар; 3–световод қанали; 4–ёруғлик манбалари;

5 – алоҳида хона; 6 – зар; 7 – тирқиш.

расмда тирқишли нур бергичнинг схемаси берилган. Ёруғлик манбалари 4, оптик система билан биргаликда цехдан ташқари алоҳида хона 5 да жойлашган бўлиб, ундан ёруғлик нурлари бериладиган ва нурларни яхши ўтказадиган эластик пленка световод канали 3 га йўналтирилади. Унинг ички юзаси алюмин фолгаси (зар) билан қоплангандир. Қайтган нурлар тирқиш 7 орқали цех 1 га йўналтирилиб дастгох ёки машиналар 2 ни ва иш жойларни ёритади. Цехдаги ёруғликни яхшилаш учун световод каналининг узунлигини, диаметрини ва формасини ўзгартириш имконияти мавжуд. Бу световодларни қўллаш, лампаларни ўз вақтида алмаштириб туриш, ёритиш системаларини мунтазам назорат қилиш, электр токи ва юқорида ишлаш сингари хавф-хатарлардан сақлайди. Бу световодларнинг яна бир афзал томони шундаки, ёруғлик

оқимининг бир текис тақсимланиши билан бирга цехда ёритилганликнинг юқори даражасига эришиш мумкин.

3.3. Ишлаб чиқаришда шовқин, титраш, ультра ва инфра товушлар.

Уларнинг инсон организмига зарарли таъсири.

Турли баландликдаги ва частотадаги товушларнинг тартибсиз равища қўшилиб эшитилиши шовқин деб аталади. Товуш физик ҳолат сифатида ҳавода, сувда ва бошқа таранг муҳитдан келиб чиқадиган тўлқинсимон Ҳаракатлардан иборатdir. У товуш чиқарадиган жисмларнинг тебраниши натижасида ҳосил бўлади ва бизнинг эшитиш органимиз томонидан қабул қилинади.

Шовқин касбий касалликка олиб келиши мумкин. У бошни айлантириб, мияда оғриқ турғизади ва қулоқ шанғиб, асаб системасига ҳам ёмон таъсири қиласди. Айниқса фикрни тўплаб, ақлий иш билан шуғулланишга имкон бермайди, бутун диққат – эътиборни бериб ишлаш лозим бўлса, иш қобилиятини (10-60% га) пасайтириб юбориши мумкин. Узоқ вақт мобайнида шовқиннинг одамга сезилмас даражада таъсири қилиши асаб системани ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Айниқса қаттиқ ва кучли товушлар, шунингдек тўхтовсиз равища бир хилда чиқиб турадиган товушлар одамга ёмон таъсири қиласди.

Шовқин таъсирида турли аъзолар ва системаларнинг, масалан ҳазм қилиш (ошқозон шираси секрециясининг ўзгариши) қон айланиши (қон босимининг кўтарилиши) ва шунга ўхшашларнинг нормал фаолияти бузилади.

Шовқинлар келиб чиқиши бўйича асосан уч хил бўлади:

4. Саноат шовқини;
5. Транспорт шовқини;
6. Майший шовқинлар.

Шу билан бирга газ ва суюқликларнинг ҳаракати натижада ҳам шовқин чиқиши мумкин. Бундай шовқинлар аэродинамик шовқинлар деб аталади.

Тўқимачилик саноати корхоналари ҳам шовқиндан мустасно эмасдир. Шовқин даражаси юқори бўлган цехларда ишловчи ишчиларда касбий касаллик “шовқин касаллиги” учраб туради. Шу билан бирга айрим иш жойларининг сурункали титраши натижасида “титраш касаллиги” ҳам учраб туради.

3.4.Шовқин тавсифи ва уни меъёрлаштириш.

Шовқин – бу товушдир. Товуш эса ҳаводаги заррачаларнинг механик тебранишидир. Бу тебранишлар тўлқинсимон равишда тарқалиб, киши қулоғига бориб етади ва қулоқ пардасини босади, натижада товуш эшитилади. Товуш эшитилиши учун тўлқин маълум кучга эга бўлиши керак. Бу куч эса товуш тўлқинининг паскальда (Па) ўлчанадиган босими билан белгиланади.

Киши қулоғи товуш босимининг $2 \cdot 10^{-5}$ дан $2 \cdot 10^2$ Па гача бўлган диапазонини қабул қилаолади. Пастки чегара яъни ($P_0 = 2 \cdot 10^{-5}$ Па) киши қулоғи илғай оладиган минимал товуш босими – **эшитиш чегараси** деб аталади.

Юқориги чегара, яъни ($P_{\max} = 2 \cdot 10^2$ Па), киши қулоғи оғриқ сезгунча чидай оладиган максимал товуш босими – **оғриқ чегараси** деб аталади. Оғриқ чегарасидан юқорида қулоқлардан қон сизиб чиқиши ва қулоқ пардасининг йиртилиши ҳоллари бўлиши мумкин. Икки кишининг ўзаро сухбати одатда 0,1 Па босимда кечади.

Частоталари бўйича киши қулоғи 20 дан 20000 Герц оралиғидаги товушларни қабул қиласди. Бу кичик ва ўрта ёшдаги одамларга хос. Киши қариганда эса юқоридаги чегара 15000 Гц ларга тушиб қолади, шунинг учун кўпчилик кишилар қариганда ёмон эшитадиган бўлиб қолади. Киши қулоғи айниқса 37,5 – 9600 Гц оралиғидаги частоталар диапазонини яхши қабул қиласди. 20 Гц дан кичик ва 20000 Гц дан катта частотали товушлар инфратовуш ва ультратовуш дейилади. Бу областлардаги товушларни киши қулоғи эшита олмайди.

Киши қулоғининг эшитиш қобилиятини товуш босимининг абсолют ўзгариши бўйича эмас, балки унинг нисбий ўзгариши бўйича олиши қабул қилинган. Товуш босимининг бундай нисбий ўзгариши шовқин кучининг бошланғич даражаси деб аталади ва этalon сифатида қабул қилинган.

Бошланғич даражада (эталон) қилиб тебраниш частотаси 1000 Гц, товуш босими $2 \cdot 10^{-5}$ Па қабул қилинган. Бу эшитиш қобилияти нормал бўлган

кишилардаги эшитиш чегараси билан мос келади. Бу частотаси 2000 Гц бўлгандағи товуш қуввати 10^{-12} Вм/м² га мос келади.

Шовқин кучини ўлчаш учун логарифмик шкала қабул қилинган, ҳар бир кейинги поғона, олдинги поғонадан ўн марта каттадир. Шовқинларнинг бундай нисбати шартли равища бел (Б) деб аталиб, қуйидаги формула билан ифодаланади.

$$B = \lg \frac{J_i}{J_0} \quad (3.7)$$

бу ерда J_i – товуш босимининг ўлчангандык қиймати, Па

J_0 – товуш босимининг эталон қиймати, $P_0 = 2 \cdot 10^{-5}$ Па

Агар бир қанча шовқинлар биргаликда таъсир қилганда, биринчиси бошланғичидан, яни асос қилиб олинганидан 10 марта катта бўлса, $J_i/J_0 = 10$. Бунда шовқин 1Б га катта деб олинади, чунки $\lg 10 = 1$. Агар $J_i/J_0 = 100$ бўлса 2Б га катта деб олинади, чунки $\lg 100 = 2$ ва ҳоказо. Бел анча катта қиймат. Одамнинг қулоғи одатда товуш кучи ўзгаришининг 0,1Б ни пайқайди. Шунинг учун товуш кучининг ўлов бирлиги қилиб амалиётда Белнинг ўндан бир бўлаги бўлган децибел (dB) қабул қилинган. Эшитишнинг юқори максимал чегараси 13 Б (130 dB) га тўғри келади. Бундан юқори шовқинларда қулоқда оғриқ пайдо бўлади.

Частотаси бўйича шовқинлар уч синфга бўлади:

Паст частотали – 350 Гц гача;

Ўрта частотали – 350 дан 800 Гц гача;

Юқори частотали – 800 Гц дан юқори.

Инсон танасига таъсири бўйича юқори частотали шовқинлар заарли ҳисобланади.

Шовқинлар товуш босими, частотаси, шовқин тури (тонал, кенг минтақали, импулсли) ва таъсир қилиш вақтининг узунлиги билан меъёрлаштирилади. Ҳар хил частотали шовқинлар киши қулоғига ҳар хил таъсир қиласи. Шунинг учун ҳар бир ўрта геометрик частотанинг октава чизиги шовқиннинг йўл қўйса бўладиган меъёри белгиланган.

Октава чизиги – товушлар частотасининг юқоригиси пасткисидан икки марта катта қийматга тенг бўлган интервалидир, яъни

$$\sqrt{\frac{f_{юкори}}{f_{пастки}}} = 2 \quad (3.8)$$

Шовқинларни меъёрлаштиришда ўрта геометрик частоталарнинг қуидаги октава чизиқлари қабул қилинган: 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 8000, Гц.

Октава чизиқларининг ўрта геометрик частотаси қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$f = \sqrt{f_{юкори} \cdot f_{пастки}} \quad (3.9)$$

Шовқинлар частотасининг спектри бўйича кенг минтақали (бунда таркибида кўп товуш частоталари бўлади, масалан, тўкув дастгоҳидан чиқаётган шовқин) ва тонал турларига бўлинади. Тонал шовқинларда маълум тон аниқ эшиитилиб туради. Масалан, вентилятордан ажралиб чиқаётган шовқин. Тонал шовқин кенг минтақали шовқинга нисбатан киши организмига кўпроқ салбий таъсир кўрсатади (13-расм).



Сан Пин №0065-96 бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг доимий иш жойларида ва корхона худудларида шовқиннинг қуида-гича йўл қўйса бўладиган даражалари қабул қилинган (4-жадвал).

4-жадвал

Товуш босимининг йўл қўйса бўладиган даражаси

Хоналар	Октава чизигининг ўрта геометрик частоталари, Гц								Товуш даражаси, дБА
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000	
Тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш цехлари (доимий иш жойлари) ва худудлари	103	96	91	88	85	83	81	80	90
Тўқимачилик корхоналарининг идоралари хоналари	79	70	63	58	53	52	50	49	60
Яшаш жойлари ҳудудлари микрорайонларининг дам олиш майдонлари	67	57	49	44	40	37	35	33	45

Тўқимачилик саноати корхоналарида шовқинни умумий даражасига қараб чамалаб баҳолаш мумкин. Бунинг учун шовқин ўлчаш асбобининг Ашқаласидан фойдаланилади ва бу дБА да ўлчанадиган стандартлаштирилган ва барча шовқин ўлчаш асбобларида мавжуддир.

Шовқин меъёрларига, унинг таъсири қилиш вақтининг узунлигига қараб тузатишлар киритилади. Бу тузатишлар қўйидаги 5-жадвалда келтирил-гандир.

5-жадвал

Йўл қўйиш мумкин бўлган товуш босимиға тузатишлар

Шовқин таъсири вақтининг узунлиги, соат	Шовқин Ҳарактери	
	Кенг минтақали	Тонал
4 дан 8 гача	0	-5
1 дан 4 гача	-6	-1
15 мин. дан 1 соатгача	-12	-7
5 мин. дан 15 мин. гача	-18	-13
5 минутгача	-24	-19

Тўқимачилик саноатининг кўпгина машина ва дастгоҳларининг шовқин даражалари гигиена меъёрларидан юқорироқ бўлар эди. Йигирув – пишитув цехларининг иш жойларида товуш даражаси А шкаласи бўйича 80-98 дБА, тайёрлов – тўқув ва йигирув цехларида 75-95 дБА, пиликлаш ва пилталаш цехларида 80-100 дБА ни ташкил этади. Шовқин чиқиши бўйича энг юқори даражани тўқув цехлари ташкил қиласди. Айниқса мокили автоматик тўқув дастгоҳлари ўрнатилган цехларда умумий шовқин даражаси юқори частотали спектрларда 100-104 дБни ташкил этади. Бу эса ишчиларнинг организмига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда республикамизда курилаётган янги тўқимачилик корхоналарида ўрнатилган ускуна ва дастгохларда шовқин 15-20 дБА га камайган ва меъёрий даражалардан катта фарқ қилмайди.

Шовқинга қарши қурашиш усуллари

Шовқинга қарши қурашиш қўйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:


- оқилона акустик режалаштириш (шовқинли ускуналарни тўғри жойлаштириш);
- манбанинг шовқин чиқаришини камайтириш;
- шовқинни ихоталаш;
- шовқинга қарши тўсиқлар қўллаш;
- шовқинга қарши шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

Оқилона акустик режалаштириш. Корхона обьектларини режалаш-тириш, корхона бош тархини лойихалашда шовқин чиқарувчи обьектларни локаллаштириш, маълум жойларга, яъни бошқа обьектларга шовқиннинг зарари тегмайдиган қилиб жойлаштириш талаб қилинади. Бунда биринчи навбатда “шамоллар гулдастаси”, яъни шу аҳоли пунктида шамолнинг асосий йўналиши ҳисобга олинади.

Шовқинли цехлар билан “тинч” хоналар (идоралар, кутубхона, тиббиёт хонаси ва ҳ.к.лар) орасидаги масофа шовқинни керакли миқдорда камайтира оладиган даражада бўлиши керак. Агар корхона шаҳар ҳудудида бўлса

(тўқимачилик корхоналари аксар шаҳар ҳудуди ичида жойлашган бўлади), шовқинли цехлар аҳоли яшовчи уйлардан узокроқда, яъни корхона ҳудудининг ичкарисида жойлаштирилиши керак. Агар бундай цехлар бир бинонинг ичида жойлаштирилиши керак бўлса “тинч” хоналар шовқинли хоналардан шовқинни яхши ихоталовчи тўсиқлар билан таъминланиши ёки бошқа, одам кам бўладиган хоналар, санузел ва каридорлар билан ажратилган бўлиши керак.

Умуман шовқин манбасидан L , м узокликда қанча сўнишини қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин (20-расмга қаранг). Масалан, тўқув цехидан 30м узокликда корхона ҳовлисида жойлашган сартарошхонадаги шовқиннинг кучини аниқлаш керак.



Шовқин манбаидан 1 м масофадаги кучи 94 дБ.

$$L_x = L_{uu} - 20 \lg L - 8 = 94 - 20 \lg 30 - 8 = 56,4 \text{ дБ}$$

бу ерда L – шовқин манбаи билан обьект орасидаги масофа,

L_{uu} – шовқин манбанинг шовқин чиқариш кучи

даражаси, дБ (одатда ундан 1 м масофада ўлчанади);

L_x – шовқини L масофада сўниши, дБ.

Шовқин кўп чиқарадиган цехлар атрофи, яхши кўкаламзорлаштирилган, барги қалин дараҳт ва буталар билан қопланган бўлиши керак.

Манбанинг шовқин чиқаришини камайтириш. Манбанинг шовқин чиқаришини камайтириш усули энг радикал усуллардан ҳисобланади, у шовқинни кескин камайтириш имконини беради. Бу шовқинли машинанинг конструкциясини ёки технологик жарабённи ўзгартириш орқали амалга оширилади. Масалан, машина ва ускуналардаги зарбали ҳаракатларни зарбасиз

ҳаракатларга алмаштириш, агрегатларнинг кичик тебранишли кинематик схемаларини яратиш ва ҳ.к.

Манбадаги шовқинни пасайтиришда энг қулай усуллардан бири деталларнинг титрашини камайтиришdir. Бунинг учун, металлардан ясалган деталларни ички ишқаланиш коэффициенти катта бўлган материаллар (резина, битум, битумлаштирилган кигиз, картон) билан қопланади.

Пластмассадан ясалган шестеряларни қўллаш ва шестерялар юзасини резина билан қоплаш шовқинни сезиларли даражада пасайтиради. Масалан, пневмомеханик йигириув машиналарида халқали йигириув машиналарига нисбатан шовқин 10 – 20 дБ камдир.

Тўқимачилик саноатида шовқин, асосан механик ва автоматик тўкув дастгоҳларидан чиқади. Дастроҳ механизмларининг зарбали иш принципи айниқса тепки механизми, Ҳаракат узатувчи шестерялар, батанинг ва мокининг урилиш пайтларида шовқин ошиб кетади. Масалан, эски автоматик тўкув дастгоҳининг иш пайдаги шовқин даражаси 98 дБ бўлса, мокисиз ишлаганда эса 83 дБ га, батан ва погонялкасиз ишлаганда 79 дБ, тепки механизмисиз ишлаганда эса 65 дБ гача пасайган.

Автоматик тўкув дастгоҳлари ишининг зарбали принципининг ўзгариши, мокисиз дастгоҳларга алмаштириш шовқин даражасини сезиларли камайтириш имконини берибина қолмай, шу билан бирга унинг иш унумдорлигини оширишга имкон берган.

Фақатгина тўғри тишли ҳаракатлантирувчи шестеряларни қийшиқ тишларга алмаштиришнинг ўзигина шовқин даражасини 60-75% га камайтирган. Уларни сифатли ва аниқ қилиб тайёрлаш 3-4 дБ, ҳаракат узатувчи қисмларнинг сифатли мойланиши эса шовқин даражасини 2 – 3 дБ га пасайтирган.

Шовқинни ихоталаш. Шовқинни манбада ихоталаш, уни пасайтиришнинг таъсирчан тадбирларидан биридир. Ҳозирги пайтда ихоталашнинг техник даражаси шовқинни 20 – 40 дБ камайтириш имконини беради. Шовқинни ихоталовчи воситаларга кабиналар, тўсиқлар ва ҳимоя қобиқлари ҳамда машина ва механизmlарни ерга ўрнатиш жойларига резина

қистирмалар, пўкак ва пўлат пружиналар орқали ўрнатиш мисол бўлиши мумкин.

Масалан, қалинлиги 40 мм ли намат ва резина – намат қистирмалар ишлатилганда шовқин 1 – 2 дБ , юқори частоталарда эса 5 – 7 дБ га камаяди.

Машина ва унинг айrim қисмларини қобиқлар билан беркитиш шовқинни камайтиради. Буларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қобиқлар ичи товуш ютувчи материаллар билан қопланади. Бунда машина ва механизмларнинг Ҳаракатидан қобиқларнинг ўзи титраб, шовқин чиқармаслигига эришиш керак.

Қобиқнинг шовқинни камайтириш самарадорлигини қуидаги формула билан аниқланади:

$$A = G + \delta \quad (3.10)$$

бу ерда G – ютилиш ҳисобига шовқиннинг камайиши, дБ;

δ - ихоталаш ҳисобига шоқиннинг камайтиши, дБ;

Ютилиш ҳисобига шовқиннинг камайиши товуш ютувчи материалнинг зичлигига боғлик бўлиб, уни қуидаги формулалар орқали ҳисобланади:

$$G = 13,51 \cdot \lg P + 13, \text{ дБ}; \quad P < 200 \text{ кг}/\text{м}^3 \text{ бўлганда.} \quad (3.11)$$

$$G = 23 \cdot \lg P - 9, \text{ дБ} \quad P > 200 \text{ кг}/\text{м}^3 \text{ бўлганда.} \quad (3.12)$$

бу ерда P – товуш ютувчи материалнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$.

Товушни ихоталаш ҳисобига шовқиннинг камайиши эса қуидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\delta = 10 \lg \frac{S_2 \cdot \alpha_2}{S_1 \cdot \alpha_1}, \text{ дБ}; \quad (3.13)$$

бу ерда S_1 – қобиқ деворлари юзасининг майдони, м^2 ;

S_2 – товуш ютувчи қоплама деворлари юзасининг майдони, м^2

α_1 - товушни ихоталаш коэффициенти, (техник намат учун $\alpha_1 = 0,01$);

α_2 - товушни ютилиш коэффициенти (бу қопламанинг материалига боғлиқдир, техник намат учун $\alpha_2 = 0,3$).

Тўсиқларнинг (қурилиш конструкциялари) ўртача шовқини ихота қилиш қобилияти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$R_{\text{жп}} = 10 \lg \sum_{i=1}^n S_i - 10 \lg \sum_{i=1}^n \frac{S_i}{10^{0,1} \cdot R_i}, \text{ дБ}; \quad (3.14)$$

бу ерда R_i - шу қурилиш конструкциясидаги ҳар бир элементнинг товушни ихоталаш қобилияти. Масалан, конструкциядаги тешиклар (дераза ёки эшик ўринлари) учун $R_i = 0$. S_i - қурилиш конструкциясидаги ҳар бир элементнинг майдони, м^2 .

Мисол. Проборлаш участкаси тўқув цехидан умумий юзаси $S_i = 50 \text{ м}^2$ бўлган девор билан тўсилган. Унинг икки деразаси ва эшик ўрни (очиқ) каби конструктив элементлари мавжуд. Бунда деворнинг товушни ихоталаш қобилияти 500 Гц частотада $R_1 = 50 \text{ дБ}$, деразаларнинг юзаси $S_2 = 3 \text{ м}^2$, $R_2 = 38 \text{ дБ}$ ва эшик ўрнининг юзаси эса $S_3 = 5 \text{ м}^2$, $R_3 = 0$ шу тўсиқнинг товушни ихоталаш қобилиятини аниқланг.

$$R_{\text{жп}} = 10 \lg(50 + 3 + 5) - 10 \lg(50 \cdot 10^{-5} + 3 \cdot 10^{-3,8} + 5 \cdot 10^0) = 11 \text{ дБ};$$

Шовқинни сўндириш Тўқимачилик корхоналарида шовқинни бўғиш ниятида цех биноси элементларига шовқин ютувчи панеллар ишлатилади. Айrim ҳолларда цехларнинг шифтлари ораси ватин билан тўлдирилган ёғоч рамаларига жойлашган ғоваклаштирилган пўлат қопламалар билан қопланади.

Тадқиқотлар шовқин ютувчи қопламаларнинг кенг диапазонида (4000-6000 Гц) шовқин ютиш коэффиценти юқорилигини (0,5-0,65) кўрсатади. Маълумки, 4000 Гц атрофидаги частоталарда санитария меъёрларидан ортувчи шовқинлар энг зарарли ҳисобланади.

Булардан ташқари, айrim корхоналарда цех деворлари ва шифтларини шовқин ютувчи материаллар билан пардозлаш жорий қилинади. Бунда цехнинг баландлиги жуда ҳам юқори бўлмаган ҳолларда (4-6 м) юқори самарага эришиш мумкин. Цех шифтлари баланд бўлган ҳолларга бунга қўшимча равишда шовқин манбаи билан иш жойлари ораларига ғоваклаштирилган шовқин ютувчи


материаллар ҳамда қопланган шовқин тўсувчи экранлар (улар металлдан, ойна, ёғоч, пластмаса ва бошқа материаллардан тайёрланиши мумкин) ўрнатилади.

Юқорида айтиб ўтилган пардозлаш материалларининг шовқин ютиш ҳисобига умумий шовқин кучининг камайиши қўйидагича ҳисобланади, дБ


$$\Delta L = 10 \lg \frac{\sum \alpha_2 S_2}{\sum \alpha_1 S_1}, \text{ дБ,} \quad (3.15)$$

Бу ерда: $\sum \alpha_2 S_2$ - хоналарда пардозлаш ҳисобига шовқин ютилиши эквивалентининг йифиндиси, дБ, $\sum \alpha_1 S_2$ - хоналарда шовқин ютувчи пардозлаш қўлланмагандаги шовқин ютилиш эквивалентининг йифиндиси, дБ, $\alpha_1; \alpha_2$ - девор, шифт ёки панелларнинг товуш ютиш коэффициенти; $S_1; S_2$ - девор шифт ёки панелларнинг юзалари, м².

Кўпинча тўқимачилик корхоналарида аэродинамик шовқинлар, яъни кучли ҳаво оқими ҳисобига ажralиб чиқадиган шовқинлар учрайди. Бу ҳолларда шовқинни камайтириш мақсадида ҳар хил конструкцияли глушителлар ишлатилади. Булар, найсимон (21-расм), ари инига ўхшаш ғовак (22-расм), пластинкали ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Буларнинг умумий хусусияти шундаки, ички деворлари товуш ютувчи материаллар билан қопланган бўлади.



21-расм Найсимон шовқин
сўндиргичлар



22-расм. Ғовак (ари инига ўхшаш)
шовқин сўндиргичлар

Найсимон сўндиргичлар учун товуш сўндириш қобилияти қўйидагича ҳисобланади.

$$\Delta l = 10 \lg \frac{\alpha_p}{\sqrt{D}}, \text{ дБ} \quad (3.16)$$


Бу ерда: D – найнинг диаметри, м,

α_p – товуш ютиш коэффициентининг ҳисоблаш учун ишлатиладиган қиймати, дБ/м^{0,5}.

Найсимон сўндиригичларда доира шаклидагилар, тўртбурчак шаклдагиларга нисбатан шовқинни камроқ сўндиради.

Сўндиригичлар товушни бўғиб, унинг спектрал таркибини кескин ўзгартиради. Айниқса одам қулоғига ёқимсиз бўлган ўрта ва юқори частотали товушларни интенсив равишда бўғади.

Товуш ютувчи пластинкалар - ораси товуш ютувчи материаллар билан тўлдирилган, тўр билан қопланган ёғоч ёки металл, пахта ва луб толаси, ғишт кукуни ва шунга ўхшаш материаллар қўлланиши мумкин.



23-расм. Пластинкали шовқин сўндиригичлар

Пластинкали сўндиригичларнинг (23-расм) товушни бўғиши қобилияти қўйидаги формула бўйича ҳисобланади.:

$$\Delta L = 15,8 \alpha p \sqrt{\frac{F_k}{F_r}} - 1, \text{ дБ} \quad (3.17)$$

Бу ерда F_k – ҳаво ўтувчи каналларнинг кўндаланг кесим юзаси, м²;


F_r – сўндиригичнинг кўндаланг кесим юзаси, м²;

б-жадвал

Товушнинг ютиш коэффициентини ҳисоблаш учун ишлатиладиган қийматлари

Материаллар	Сўндиригичлардаги товуш ютиш коэффициентларининг ҳисоблаш учун ишлатиладиган ўрта геометрик частоталардаги қийматлари, Гц.
-------------	--

	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
Луб, капрон толалари, пахта, шиша толаси	0,22	0,30	0,51	0,61	0,70	0,72	0,60	0,50
Фишт кукуни	0,20	0,26	0,42	0,5	0,53	0,52	0,50	0,48



Шовқинни сўндириш учун цехларда бундан ташқари лабиринтлар (24-расм) кўлланилади.

Аэродинамик шовқинларда сўндиригичларнинг турлари ва ўлчамлари улардан ўтаётган ҳавонинг ҳажми, тезлиги ва шовқиннинг талаб қилинадиган даражаси ва бошқа шароитларга боғлиқ.

Бунда сўндиригичнинг кўндаланг кесим юзаси қўйидаги формула бўйича хисобланади:

$$S = \frac{Q}{V_{\text{акб}}}, \text{ м}^2 \quad (3.18)$$

бу ерда Q – сўндиригичдан ўтадиган ҳавонинг ҳажми, $\text{м}^3/\text{с}$;

$V_{\text{акб}}$ – сўндиригичда ҳавонинг йўл қўйса бўладиган тезлиги, $\text{м}/\text{с}$; жамоат ва маъмурий биноларда $V_{\text{акб}} = 4-10 \text{ м}/\text{с}$ ва тўқимачилик корхоналари биноларида – $12 \text{ м}/\text{с}$ гача қабул қилинган (тезлик $12 \text{ м}/\text{с}$ бўлганда глушителнинг узунлиги 1 м қилиб олинади).

Умуман сўндиригичнинг узунлиги қўйидагича хисобланади:

$$L_{\text{жп}} = \frac{\Delta L_{\text{мод}}}{\Delta L}, \text{ м} \quad (3.19)$$


бу ерда ΔL_{td} – сўндиригичда шовқиннинг талаб қилинадиган даражадаги камайиши, дБ;

ΔL – сўндиригичда шовқиннинг ҳар бир метрига тўғри келадиган камайиши, дБ

Маълумки, цехлардаги шовқин даражаси фақатгина манбаалардан тўғридан – тўғри келаётган товушлар ҳисобигагина эмас, балки акс-садо (яъни қайтган товушлар) ҳисобига ҳам ошиши мумкин. Бундай ҳолларда, манба шовқинини камайтириш имкони бўлмаса, қайтган товушлар энергиясини сўндириш цехнинг ички девор ва шифтлари товуш ютувчи қопламалар билан қопланади ҳамда шифтларга куб, конус ва бошқа шаклларда товуш ютувчи материаллар осиб қўйилади. Яъни хоналарга акустик ишлов берилади.

Одатда ҳамма қурилиш материаллари товуш ютиш хусусиятига эга, лекин уларнинг товуш ютиш коэффициентлари (α) ҳар хил. Ғишт, бетон ва шунга ўхшаш қурилиш материалларида $\alpha = 0,01 - 0,05$ бўлиб, бу жуда камдир. Хоналарга акустик ишлов беришда α ўрта частоталарда 0,2 дан юқори бўлган материаллар ишлатилади.

Кўпинча хоналарга акустик ишлов беришда 25– расмда кўрсатилган материаллар ва шакллар қўлланилади.



25-расм. Хоналарга акустик ишлов беришда
қўлланиладиган ғовак шакллар.

Акустик плиталар 4 шифтларга тўғридан-тўғри ёки маълум масофа қолдириб бириктирилади. Бу плиталар, шиша, капрон, минерал толалардан ҳамда ҳар хил бириктирувчи моддалар билан қориштирилган ёғоч қипиклари, поливинилхlorид ва шунга ўхшаш ғовак материаллардан ясалиб, уларни бўяб, ёки маълум формаларда ишлаб чиқарилади.

Бу плиталарнинг товуш ютиш хусусиятлари ғовак материалларнинг қалинлигига, товушнинг частотасига ва плита билан девор орасидаги ҳаво қатлами бор ёки йўқлигига боғлиқдир.

Айни пайтда бу қоплама 20-200мм ни ташкил қилади, бунда асосан ўрта ва юқори частоталардаги товушлар ютилади.

Ишчиларни шовқиндан сақлашнинг самарали турларидан яна бири, шовқин манбалари билан иш жойлари орасига ўрнатиладиган экранлардир. Экранларнинг акустик афзаллиги уларнинг орасида товуш тўлқинлари қисман ўта оладиган зона ҳосил қилишдан иборатдир. Шовқиннинг экрандан ўтиш даражаси экраннинг ўлчамига ва товушнинг тўлқин узунлигига боғлиқдир. Экраннинг бир хил ўлчамида товуш тўлқин узунлиги қанча катта бўлса, экран ортида товуш ўта оладиган зона шунча кичик бўлади. Шунинг учун экранлар асосан ўрта ва юқори частотали шовқинлардан тўсиш учун ишлатилади. Паст частоталарда экранлар кам самаралидир. Шовқин даражаси юқори бўлган айрим цехлардаги иш жойлари, масалан, операторларнинг бошқариш пултлари шовқиндан химояланган кабиналарга жойлаштирилади.

Титрашни камайтириш йўллари

Титраш киши организмига салбий таъсир қилади, натижада иш унумдорлигини пасайтиради, кўпинча оғир касбий касаллик – титраш касаллигига олиб келади. Шунинг учун титрашга қарши тадбирларга алоҳида аҳамият берилади.

Титраш касаллиги касбий касалликларга киради. Бу касалликни бошланғич даврдагина яхшилаб даволаш мумкин.

Титраш касаллигини даволаш, айниқса, касаллик ружу қилган ҳолатларда узок муддатда даволанади. Кўп ҳолларда касаллик ўтиб кетса, ногиронликка олиб келиши мумкин.

Машина ва механизмларининг титрашини камайтириш қўйидаги усусларда олиб борилади:

- титрашни келтириб чиқараётган манбага таъсир қилиш;
- резонанс ҳолатидан чиқариш;
- титрашни демпферлаш;
- титрашни динамик сўндириш;
- машина ва биноларнинг конструктив элементларини ўзгартириш;
- титрашни ихоталаш ва шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

Механизациялашган, электр ёки ҳаво ёрдамида ишланганда, қўлни титрашдан сақлаш учун маҳсус қўлқоплар, қистирма ва пластикалардан ташкил топган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилади. Шахсий ҳимоя воситаларига қўйиладиган умумий талабалар Сан Пин №00.65 – 96 да белгиланган.

Титраш касаллигини олдини олиш учун титраш мавжуд бўлган ишларда маҳсус иш тартиби қўлланилади. Масалан, титраш мавжуд бўлган машиналарда умумий иш вақти сменанинг 2/3 қисмидан ошмаслиги керак. Бунда тинмасдан ишлаш вақти 15-20 мин ва дам олиш вақтлари бўлиши кераклиги кўзда тутилган. Ишни ташкил қилишда титрашли операцияларни титраш бўлмаган ишлар билан алмаштириб туриш керак.

Титрашни ўлчаш учун кўпгина асбоблар мавжуд. Булардан стандарт оқтава филтрли ИШВ-1 ҳамда ВИП-2, ВР-1 ва бошқалар. Чет элда чиқариладиган асбоблардан RFT (Германия) ҳамда “Брюль ва Къер” фирмасининг (Дания) асбобларидир.

Назорат саволлари:

1. Ишлаб чиқариш корхоналарини ёритиш.қандай талабларга жаво бериши керак?
2. Ёруғликнинг асосий тавсифларини айтинг?
3. Ёруғликнинг асосий катталикларига нималар киради?

4. Ишлаб чиқаришда шовқин нима?
5. Ишлаб чиқаришда титраш қанд й содир бўлади?
6. Уларнинг инсон организмига заарли таъсири қандай?.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Хусанова С.И и др. Аварийно-спасательные работы. Учебное пособие. Для студентов технических ВУЗов. Т., 2008. 139с.

1. Хусанова С.И. ва бошқ. Mehnatni muhofaza qilish va hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv amaliy qo‘llanma. “Adabiyot uchqunlari”. Т.,2016. 507b.
2. Хусанова.С.И., Гурьянов. В.Ф. Рекомендации по организации подготовки населения к действиям при чрезвычайных ситуациях. Услубий қўлланма. Т., 2016. 72б.
4. Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
5. 2.Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
6. Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” - Т.: 2005. -355 b.
7. G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- 8 .Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.

4-маъзуза: Ишлаб чиқариш объектларида ҳаво алмаштириш. Табиий ҳаво алмаштириш. Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва асосий мухофаза воситалари.

Режса:

- 1.Ишлаб чиқариш объектларида ҳаво алмаштириш. Табиий ҳаво алмаштириш. Маҳаллий ҳаво алмаштириш системалари.
- 2.Юк кўтариш воситалари ва механизмларини ишлатишда хавфсизликни таъминлаш. Босим остида ишлайдиган идишларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

3.Ишлаб чиқаришда электр хавфсизлик асослари. Электр токини инсон организмига таъсири. Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва асосий муҳофаза воситалари.

Таянч сўз ва иборалар:юк кўтариш, ёрдамчи, механизация, оғир қўл меҳнати, арқон, занжир, пўлат арқон, лифтлар, техник кўриқ, синов, асбоблар, тормозлар, аппаратлар, ёритқичлар, ҳабар берувчи “сигнал” асбоблар, статик синов, динамик синов, деформация, қолдиқ.. ток кучи, кучланиш, қаршилик, частота, паралич, фибриляция, вақт, цикл, фаза, хусусият, массаж, ток юрувчи қисм, нол сим, ерга улаш, узиб қўйиш, химоя, ихоталаш, диэлектрик қўлқоп, резинали ботинка.

4.1.Ишлаб чиқариш объектларида ҳаво алмаштириш. Табиий ҳаво алмаштириш. Маҳаллий ҳаво алмаштириш системалари.


Корхоналарида асосий ва ёрдамчи ишларни механизациялаш хавфсиз иш шароитларини яратишда, юқори меҳнат унумдорлигига эришишда ва маҳсулот сифатини оширишда катта аҳамият касб етади.

Оғир қўл меҳнатини механизациялашда хавфсизликнинг барча шартларини бажариш талаб этилади, чунки ишлаб чиқаришдаги жароҳатларни анализ қилиш уларнинг 20-25% юк кўтариш ташиш оғир ва қийин ишларни бажариш пайтида рўй беришини кўрсатади.

Пахта тойларини, оғир бўхча ва машиналарни созлаш вақтида оғир қисмларини кўтариш ва ташиш юк кўтариш механизмларининг конструкциясига боғлиқ.

Уларни қўйидаги ҳолларга бўлиш мумкин:

- 1. Юк кўтариш кранлари.**
- 2. Юк кўтариш лифтлари.**



1-кранлар; 2-автомобил кранлари; 3-илгакли күттаргичлар.

Юк күтариши ва тушириши механизмларида ўтказиладиган синовлар

Монометрлар ҳар 12 ойда текшириб пломбалаб ёки клейлаб санаси ёзиб қўйилади ва ҳар 6 ойдан кечиктирмай журналдаги контрол ёзув билан солиштирилади.

Монометрлар ишламай қолган ҳолларда портлашни олдини олиш асбоби сифатида огоҳлантирувчи клапанлар ва портлаш мембраналари қўлланади. Мембрана идишдаги босим иш босимидан 25 % ортиқ бўлганда очилиб кетишга мўлжалланади.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида баландлиги 2м дан ортиқ жойларда Госгортехнадзорнинг барча талаблари бажарилиши керак. Юк күтариш машиналарини Госгортехнадзор органларида қайд қилингач ва техник кўриқдан ўтгачгина ишлатиш мумкин. Техник кўриклар 2 хил, яъни тўлиқ камида 3 йилда бир марта ва қисман-ҳар 12 ойда бир марта.

Тўлиқ техник кўриқда юк күтариш машиналари текшириш статик ва динамик синовлардан ўтказилади. ***Қисман техник кўриқда*** статик ва динамик кўрик ўтказилмайди.

Текшириш вақтида барча механизм ва электр қисмлари хавфсизликни таъминловчи асбоблар, тормозлар, бошқариш апаратлари, ёритгичлар ва сигнал берувчи асбобларнинг иши қўриб чиқилади.

Статик синов машинанинг паспортида ёзилган юк күтара олиш чегарасидан 25 % ортқроқ, юк ортиб синаб кўрилади. Бунда у шу юк билан ер сатҳидан 200-

300 мм баланд кўтарилиган ҳолда 10 минут давомида ушлаб турилади. Шундан сўнг юк туширилиб қолдиқ деформация бор йўқлиги аниқланади.

Динамик синовда паспортида ёзилган юк кўтара олиш қобилиятидан 10 % ортиқ юк ортилиб юкни бир неча марта кўтариб тушириб синааб кўрилади. Бунда ҳам қолдиқ деформация и сезилмаса, демак кранни кейинги муддатда ишлатишга руҳсат берилади.

Пўлат арқонларни (канат) сифатини текшириш учун 1 см узунлигидаги узилган симлари сони билан ҳамда занглаш туфайли диаметрининг камайиши орқали аниқланади. Олинган рақамлар нормага солиштирилади.

Юкларни қўлда ташиши.

Юкларни қўлда ташиш узоқлиги 50 м дан ошмаган тик бўйича баландлиги 3 м дан кам бўлган масофаларгагина руҳсат этилади. Бунда юк кўтариш нормаларига қаттиқ риоя қилиниши керак, бинобарин:

18 ёшгача бўлган қизлар учун -7 кг

18 ёшгача бўлган ўғил болалар учун- 13 кг

18 ёшдан катта аёллар учун- 9 кг

18 ёшдан катта эркаклар учун- 30 кг.

Икки аёл киши замбилда (замбилнинг оғирлигини қўшиб) ҳисоблаганда 22 кг гача кўтариши мумкин. Бошқа барча ҳолатларда бу ишлар механизациялаштирилиши шарт.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётини электр токисиз тасаввур қилиш жуда қийин. У ишлаб чиқаришда, транспортда, майший ҳаётда ва ҳаётнинг барча жабхаларда кенг қўлланилади. Шу билан бирга электр токи туфайли жароҳатланиш ҳавфи ҳам ошиб бораяпти.

Олимларнинг тадқиқот қилишларича электр билан жароҳатланишда қуйидаги факторлар таъсир қиласар экан: ток кучи, кучланиш, токнинг тури ва частотаси, токнинг танадан ўтиш йўли, токнинг таъсир қилиш вақти ҳамда одам танасининг шахсий хусусиятлари.

Одам танасидан ўтаётган ток кучи қиймати электр токи билан жароҳатланишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қуидаги жадвалда ток кучи қийматлари ва уларнинг организмга реакцияси келтирилган.

<i>Таъсир чегараси номи</i>	<i>Таъсир қилиши ҳарактери</i>	<i>Киши танасидан ўтаётган ток кучи, A.</i>	
		<i>Ўзгарувчан</i>	<i>Ўзгармас</i>
Сезиш чегараси	Кўл бармоқлари салгина қалтирайди. Иссиклик сезила бошлайди.	0,5-1,5 мА (0,0005-0,0015) А	5,7
Ушлаб қолмайдиган	Бармоқ мушакларининг қисқариши. Токли симларни ушлаб олганда қийинчилик билан бўлсада токдан ажратиб олади.	6-10, мА (0,007-0,01) А	20-25
Ушлаб қоладиган	Бармоқларнинг чангак бўлиб қолиши. Кучли оғриқ сезиш. Нафас олишнинг қийинлашуви.	20-25, мА (0,02-0,025) А	50-70
Ҳалок қилувчи	Юрак ва нафас олиш аъзоларининг параличи. Кўпинча ўлим билан тугайди.	90-100, мА (0,09-0,1) А	500 *

*- *Юрак фибрилляциясининг чегараси.*

Киши танасидан ўтаётган ток қиймати.

$$I_{одам} = U_{занжир}/R_{одам} A$$


Бу ерда $R_{одам}$ - одам танаси қаршилиги, $Ом$.

$U_{занжир}$ - занжирдаги кучланиш, B .

Кучланиш.

Агар ҳавфли деб киши ўзи ажrala олиш токини хисобласак, унда ҳавфли кучланиш, 40 дан 200 В гача, айниқса, 40 дан 100 В гача диапазонда деб хисобланади.

Хавфсиз кучланиш миқдори қуруқ хоналар учун 40 В гача , нам хоналар учун 12 В гача. Шунинг учун барча ток билан ишлайдиган қўл асбоблари 36 в га мўлжалланган бўлади.




Токли сим узилиб ерга тушганда ёки бирор бир ток мавжуд ускунадан ток ерга ўтиб кетганда, шу атрофда 15-20 м масофада ерда токли майдон ҳосил бўлади. Шу майдонга кириб қолган киши оёқлари орасида қадам кучланиши ($R = 0,7\text{м}$) пайдо бўлади, бу эса ҳавфли.

Токнинг тури ва частотаси.


Ишлаб чиқариш частотасидаги (50 Гц) ўзгарувчан ток кишининг асаб системасига кучли таъсир кўрсатади ва мушакларни қисқартиради. Шунинг учун киши токли қисмларга тегиб кетса (ток кучи 0,02 А) мустақил улардан ажралиб чиқолмайди. Частотанинг ортиши билан токнинг ҳавфли таъсири камайиб боради. Лекин бу пасайиш 1000 Гц гача давом этади. Частотаси 50 Гц ва 500 Гц бўлган ток бир хил ҳавфлидир.

Токнинг йўли.

Бунда электр токининг киши танасидан ўтиш йўли тушунилади. Бу жароҳатланиҳсда муҳим рол ўйнайди. Организмда токнинг ўтиш йўли қуийдагича бўлиши мумкин.



. Күлдан-күлга



Күлдан- оёққа

Ток танадан энг қисқа йўл билан ўтади деган фикр нотўғридир. Ҳар хил аъзоларнинг токка қаршилиги ҳар хилдир. Бунда энг муҳими умумий токнинг неча фоизи юракдан ўтишидадир. Масалан:

Күлдан-күлга ўтганда юракдан 3,3%

Чап күлдан оёққа ўтганда юракдан 3,7 %

Ўнг күлдан оёққа ўтганда юракдан 6,7 %

Оёқдан-оёққа ўтганда юракдан 0,4 % ток ўтади.

Токнинг таъсир қилиши вақти.

Бу фактор ҳам ток орқали жароҳатланишдаги муҳим факторлардан ҳисобланади. Ток уриш вақти қанча катта бўлса унинг ҳавфли таъсири ҳам шунча катта бўлади. Амлиётда киши танасига токнинг таъсири 0,001 дан 2 сек. бўлган вақтда кўпроқ жароҳат бўлиши кузатилган.

Ток билан жароҳатланган кишиларга дастлабки бир минут ичида ёрдам берганларнинг 90 % гача сақлаб қолишган.

Токнинг таъсири вақти узайган сари организмнинг қаршилиги кескин камаяди. Масалан: 30 сек дан кейин қаршилик 25 % га, 90 сек дан кейин esa 70 % га камаяди.

Бу, ток таъсирига тушиб қолган кишига зудлик билан ёрдам бериш кераклигидан дарак беради.

Юрак фибрилляцияси.

Одатда юрак бир минут давомида 60-70 марта қисқариб-кенгайиб туради, яъни тақрибан ҳар-бир зарба бир секундга тўғри келади. Шу вақт ичида юрак мушаклари ҳам таранглашган ва бўшашган ҳолатда бўлади. Бу вақтни цикл деб аталади.

Бир цикл давомида юрак 0,1 с давомида бўшашган ҳолатда бўалди. Бу эса фаза деб аталади. Агар токнинг уриш вақти фазага тўғри келиб қолса юрак ФИБРИЛЛЯЦИЯСИ деб аталган ҳодиса рўй беради, яъни юрак уришдан тўхтаб қолади. Бу эса жуда ҳавфли. Бундай ҳолларда врачлар деффибриллятор деган асбоб билан катта ток ёрдамида юракни яна ишлатиб юборадилар.

Одам танасининг шахсий хусусиятлари.

Электр токи билан жароҳатланишда киши организмининг физик ва психик ҳолатлари муҳим рол ўйнайди. Айниқса юрак ва ошқозон туберкулёз ва асаб касалликлари билан оғриган кишиларга токнинг таъсири кучлидир. Шунинг учун электр токи билан ишлайдиган ишларга шу касалликлари бор одамлар олинмайди.

Хонанинг хусусияти.

Электр токи уриши ҳавфи мавжуд барча хоналар З гурӯхга бўлинади. Унчалик ҳавфли бўлмаган қуруқ, исситиладиаган жуда ҳам иссиқ бўлмаган ($t= 15-25 ^\circ C$), ток ўтказмайдиган чанглар ажратиб чиқарувчи хоналар.

1. Юқори ҳавфли нам, қуруқ, лекин исстилмайдиган ва ток ўтказувчи чангларни кўп миқдорда ажратиб чиқарувчи, одамларни терлатадиган даражада иссиқ хоналар.

2. Ўта ҳавфли- жуда нам хоналар, уларда деворлар, шип, пол ва унда жойлашган барча нарсаларнинг устки қисми шабнам билан қопланган, ҳаво буғ, ўткир газ ва буғлар билан тўйинган ва ш.ў. хоналар.

Ток ургандада дастлабки ёрдам.


Агар бирор бир кишини электр токи урса, бир секунд ҳам кетказмай, зудлик билан унит ток таъсиридан ажратиб олиш керак. Уни қуруқ ва теккис ерга осмонга қаратиб ётқизиш керак. Нафас олмаётган ва юраги ишламаятган бўлса, унга сунъий нафас бериш ва юрагини массаж қилиш керак. Зудлик билан врачга ҳабар бериш керак.

Сунъий нафас бериш то врач келгунга қадар узлуксиз олиб борилади. Бунинг усуллари кўп, лекин энг самаралилари:

Оғздан-оғизга Оғиздан-бурунга.

Бунда юборилаётган ҳаво ўпкага тўла йетиб бориши учун жабрланувчи кураги тагига қийимларини буклаб ёки бирор бошқа нарса тўшалади. Бунда бош бироз пасайиб, даҳан кўтарилади ва нафас йўллари тўғирланади.

Юракни сунъий массаж қилиш учун кўкрак қафасининг пастки қисмида, охирги қовурғаларнинг учрашган нуқрасидан икки энлик юқорироқقا ўнг қўл панжасини ва унинг устига чап қўл панжасини қўйиб 2-3 марта қаттиқ босилади, 2-3 марта нафас юбориб яна 2-3 марта қаттиқ босилади ва ҳ.к. шу йўсинда то врач келгунча давом эттирилаверади.




Электр токидан жароҳатланишини олдини олиш.

Электр токидан жароҳатланишни олдини олиш учун профилактик тадбирлар муҳим рол ўйнайди. Булар қўйидагилардир.

1. Ток юрувчи қисмларни ишончли ихоталаш.
2. Ток юрувчи қисмларни тўсиш.
3. Ҳимоялаш мақсадида ерга улаш.
4. Ҳимоялаш мақсадида нол симига улаш.
5. Ҳимоялаш мақсадида узиб қўйиш.


Ҳимояловчи ерга улаш- машинанинг ток юрмайдиган, лекин тасодифан кучланиш остида бўлиб қолиши мумкин бўлган қисмларини ерга ўтказгич орқали улаб қўйишга тушунилади. Бунда ток остида бўлиб қолган машина қисмларидан ток қаршилиги кам бўлган ерга ўтиб кетади. (47-расм)



Ҳимоялаш учун нол симига улаш.


Бунда аввалдан ерга улаб қўйилган нол симига машиналарнинг ток юрмайдиган қисмлари ўтказгич орқали уланади.

Сабаблари: маълумки тупроқ ҳар турлидир, қумлоқ, соғ тупроқ, нам тупроқ, қуруқ, тошлоқ, гранитли ва ҳ.к. Албатта уларнинг қаршилиги ҳар хил. Шунинг учун қаршилиги катта бўлган ерларда бир ердан (масалан трансформаторда) нол симни ерга улаб бошқа барча машиналарни шу нол симига улаш қулайроқдир. (18-расм)



Химоялаш учун узиб қўйиш.

Электр ускуналарида кишини ток уриш ҳавфи пайдо бўлганда автоматик равишда ўчириб қўйиш системасидир. (21-расм)



Химоя воситалари ва асбоблари.

Электр ускуналарини бошқарувчи ишчини электр токи уришидан ҳимоя қилиш учун қўйидаги воситалар ва асбоблар қўлланади.

1. Ихоталовчи- кишини ток ўтаётган қисмлардан тўсади, ихоталайди. Масалан: диэлектрик кўлқоплар, калишлар, ботилар, резина гиламлар, поёндозлар, тагликлар, штанга ва қисқичлар дастаги ток ўтказмайдиган қилиб ишланган асбоблар.
2. Кучланиш кўрсаткичлар.
3. Кўчма ва вақтинчалик ерга уловчилар, тўсқичлар ва огоҳлантирувчи плакатлар.
4. Ҳимояловчи воситалар: кўзойнаклар, газниқблар, распираторлар ва ҳ.к.

5. Баландда ишлаш мўлжалланган мосламалар, стремяка нарвонлар, монтерлар тирноқлари (оёққа боғлаб столбага чиқадиган асбоб), монтер камарлари ва ҳ.к.

Назорат саволлар:

1. Токнинг таъсир вақтидеганда нима тушунилади?
2. Электр токи уриши ҳавфи нечта гурухга бўлинади?
3. Электр токидан жароҳатланишни олдини олиш учун қандай профилактик тадбирлар қилинади?
4. Электр ускуналарини бошқарувчи ишчини электр токи уришидан ҳимоя қилиш учун қандай воситалар қўлланилади?
5. Электр ускуналарини бошқарувчи ишчини электр токи уришидан ҳимоя қилиш учун қандай асбоблар қўлланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1.Хусанова С.И и др. Аварийно-спасательные работы. Учебное пособие. Для студентов технических ВУЗов. Т., 2008. 139с.

1. Хусанова С.И. ва бошқ. Mehnatni muhofaza qilish va hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv amaliy qo‘llanma. “Adabiyot uchqunlari”. Т.,2016. 507b.

2. Хусанова.С.И., Гурьянов. В.Ф. Рекомендации по организации подготовки населения к действиям при чрезвычайных ситуациях. Услубий қўлланма. Т., 2016. 72б.

4. Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.

5. 2.Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.

6. Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” - Т.: 2005. -355 b.

7. G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.

8 .Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.

АМАЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-амалий машғулот:Ишлаб чиқариш хоналарининг зарарли чанглар билан ифлосланганлик даражасини аниқлаш.

Ишдан мақсад:Иш жойларидағи чанг миқдорини ўлчашни ўрганиш.

Умумий маълумотлар

Чанг /аэрозол/ - турли катталиктаги ҳавода учеб юрувчи заррачалардир. Жуда кўп технологик жараёнлар чанг ажралиб чиқиши билан бирга кечади. Пахтани дастлабки ишлаш заводларида, тўқимачилик фабрикаларининг титиш, саваш, тараш ва ўраш цехларида пиллакашлик пояфзал, тикувчилик фабрикаларида ва бошқа кўпгина корхоналарда жуда кўп миқдорда чанг ажралиб чиқади.

Чанглар заҳарли ва заҳарсиз бўлиши мумкин. Заарсиз чанг ҳам ўзининг таркибида заарли бактериялар олиб юриши ва цехда инфекция тарқалишига сабаб бўлиши, юқори нафас йўлларини қитиқлаши, тери тўқималарига ўтириб, уларни ифлослантириши натижасида касаллик тарқатувчи турли микробларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Чангли ҳавода ишлаш - кўпинча кўзнинг ҳам касалланишига олиб келади. Заарли чанг кишига юқорида кўрсатиб ўтилган таъсирлардан ташқари нафас, овқат ҳазм қилиш органлари ва тери орқали қонга ўтиб организмни заҳарланишига олиб келади. Чангнинг инсонга заарли таъсир ўтказмаслиги учун ишлаб чиқариш хоналарида йўл қўйса бўладиган концентрациясидан оширмаслик керак. Шундай екан, вақти-вақти билан чангнинг ҳаводаги миқдорини ўлчашни билиш керак.

Ҳаводаги чангнинг концентрациясини аниқлашнинг бир неча /калориметрик, нефелометрик, титрометрик, индикацион, оптик, электр ва стандарт ёки гравиметрик ва бошқа/ усуслари мавжуд бўлиб, булардан энг қулай ва кўп фойдаланиладигани стандарт усулидир.

Унинг туб маъноси қуидагичадир, олдиндан оғирлиги ўлчанган филтр орқали маълум миқдорда чангли ҳаво ўтказилади. Ҳаво ўтказиб бўлингандан сўнг филтрнинг оғирлиги қайта ўлчанади. Филтрлар оғирлигининг фарқини /мг/

шу филтр орқали сўрилган ҳавонинг ҳажмига нисбати билан ўлчанадиган катталик орқали цехдаги чанг концентрацияси аниқланади. Бу катталик $\text{мг}/\text{м}^3$ да ўлчанади.

Ишлаб чиқариш хоналарида чанг концентрациясини аниқлаш иш жойларида, ердан тахминан 1,5 м баландлиқда, яъни ишчининг нафас олиш зонаси баландлигига бажарилади;

Намуна олувчи материал сифатида ҳавони яхши ўтказувчи перхлорвинил матоси ФПП-15 аналитик аэрозол филтрлари ишлатилади. Бу филтрлар жуда майда чанг заррачаларини ҳам яхши ушлаб қолади, аэродинамик қаршилиги кам, бу эса катта ҳажмда /100л/мин гача/ ҳавонинг ўтишига имкон беради. Бундан ташқари ФПП-15 газламаси намни ўзидан итариш хусусиятига эга. Сўриладиган чангли ҳавонинг нисбий намлиги 100% га яқин шароитни ҳисобга олмагандা тайёрланган филтрлар ўзининг доимий оғирлигигача қуритиш талаб қилинмайди. Бундай ҳолда тажрибадан сўнг филтрларни термостатда 55-60°C да 20-30 минут қуритиш керак ва бир соат давомида уй ҳароратида ушлаш керак. Шундан сўнг филтрлар оғирлигини ўлчаш мумкин. Аниқ маълумот олиш учун филтрга ўтирган чангнинг оғирлиги шу филтр оғирлигининг 1% дан кам бўлмаслигини назарда тутиш керак. ФПП-15 газламасидан тайёрланган филтрлар эса энгил. Масалан, АФА-В-18 маркали филтрнинг юзаси 18 см^2 ва оғирлиги тахминан 100 мг. Шунинг учун бундай филтрларда чангнинг миқдори камида 1мг бўлиши керак. Ҳаводаги чанг концентрацияси катта бўлган цехларда аниқ маълумот олиш учун филтр юзасида 10-15 мг чанг бўлиши, лекин бу миқдор 30-50 мг дан ошиб кетмаслиги керак, чунки бу ҳолда филтрнинг аэродинамик қаршилиги анча ортиб кетади. Бу лаборатория иши ишлаб чиқариш цехларида эмас, ҳавода чанг кам бўлган ўқув хонасида бажарилгани сабабли керакли миқдорда чанг йиғиши учун ҳар бир тажрибани 30-40 минут давом этириш керак бўлар эди. Тажриба вақтини камайтириш мақсадида ҳамда шу хонада бошқа лаборатория ишларини бажараётган талабаларга ҳалақит бермаслик учун, бу ишни бажариш махсус тайёрланган чанг камерасида бажарилади. Бунда чанг камерада вентилятор орқали қўзғатилади.

Филтр орқали ўтаётган ҳавонинг миқдорини ротаметр ёки реометр асбоблари ёки Мигунов аспиратори ёрдамиаа ўлчанади.

Ротаметр - ичида пўкак ҳалқаси бор, конус шаклидаги даражаларга бўлинган шиша найчадир. Ротаметр орқали ўтган ҳавонинг миқдорини пўкак ҳалқанинг баландлигига қараб шу асбобнинг паспорти орқали аниқланади.

Реометр асбоби сўрилаётган ҳаво ҳажмини ўзгартириш имконини берувчи бешта диафрагма билан таъминланган. Ҳар бир реометр ўз шахсий паспортига эга бўлиб, унда реометр қўрсаткичига ҳаво ҳажмини аниқлаш чизмаси берилган.

Масалан, реометр шкаласидаги сув устуни учинчи диафрагмада ва ундан ўтаётган ҳаво ҳажми 20 л/мин бўлган ҳолатда қайси қийматни кўрсатишни аниқланг.

Бунинг учун З - диафрагма паспортини /2-Расмга қаранг/ олиб ординатадан 20 л/мин А нуқта қийматини топамиз. Бу нуқтадан горизонтал йўналишда эгри чизик билан кесишгунча давом етамиз ва "Б" нуқтани белгилаймиз. Бу нуқтадан тик бўйлаб пастга тушиб абциссадан "В" нуқтани топамиз. Бу "В" нуқта 7,6 қийматини кўрсатади. Демак реометрдан 20 л/мин ҳаво ўтаётганда, учинчи диафрагмада реометр шкаласи 7,6 мм сув устуни қийматини кўрсатар екан.

Мигунов аспиратори тўртта кичкина ротаметрлар ва насосдан ясалган ихчам асбоб бўлиб, чанг концентрациясини цех шароитида ўлчаш учун анча қулайлик яратади.

Тажриба ўтказиш учун қўйидаги асбоблар керак бўлади.

1. АФА филтрлари, патрон, маҳсус чангли ҳаво камерасининг тешигига ўрнатилган патронга АФА маркали фильтр ўрнатилади;

2. Филтр орқали ўтаётган ҳавонинг миқдорини ўлчаш учун ишлатиладиган

реометр ёки ротаметр ёки Мигунов аспиратори.

3. Тажрибанинг давом этиш вақтини ўлчаш учун секундомер.

4. Ҳаво сўрувчи асбоб /маиший чангютгич/. Аспиратор қўлланганда зарурати йўқ.

5. Филтрни жойлаштириб ва олиб қўйиш учун қисқич.

6. Аналитик тарози.

Электр билан ишловчи асбоб симлари ихоталанган бўлиши керак. Реометр патрон ва чанг ютгич билан резина найлар орқали 3-расмда кўрсатилган схема бўйича уланади.

Ишни бажариш тартиби.

1. Қоғоз ҳалқа орасидан қисқич билан филтрни чиқариб, аналитик тарозида 0,1 мг аниқликкача оғирлигини ўлчаб ёзинг.

2. Филтрни қоғоз ҳалқа билан биргаликда патронга жойлаштириб, уни чанг камерасининг маҳсус тешигига маҳкамланг.

3. Камерадаги чангни қўзғатиш учун вентиляторни ишлатиб юборинг.

4. Аспираторни ишга тушириб, диафрагма тугмасини бураб сўрилаётган ҳавонииг ҳажмини 20 л/мин га келтиринг.

5. Аспиратор билан баравар секундомерни ҳам ишлатиб юборинг.

6. 2-3 минутдан сўнг аспираторни секундомер билан бир вақтда ўчиринг ва

тажриба давом етган вақтни минутларда ёзиб олинг.

7. Патронни бураб чиқариб олинг ва қоғоз ҳалқани очиб, қисқич ёрдамида филтрни авайлаб, ундаги чанг зарралари тўкилиб кетмаслиги учун тўрт букланг.

8. Филтрни аналитик тарозида тортиб оғирлигини ўлчаб ёзиб олинг. Агар филтрнинг тажрибадан олдинги оғирлиги g_1 , тажрибадан кейинги оғирлигини g_2 билан белгиласак, филтр орқали ўтаётган ҳавонинг ҳажми V бўлса, унда ҳаводаги

чангнинг концентрацияси қўйидагича топилади,

$$C = \frac{g_2 - g_1}{V}, \quad \text{мг / м}^3 \quad (4)$$


Фильтр орқали сўрилаётган ҳавонинг ҳажми тажриба давом етган вақтни $/t/$ бир минут давомидаги сўрилган ҳаво ҳажмига $/K/$ кўпайтмасини 1000 га нисбати билан ўлчанади, яни

$$V = \frac{Q \cdot T}{1000}, \text{ м}^3 / \text{мин} \quad (5)$$


Бунда маълумки Q л/мин да, t минутларда. Бу катталикни м^3 га айлантириш учун 1000 сонига бўлиш керак.

Чанг концентрациясини аниқлаш учун қуийдаги умумлаштирилган формуладан файлаланса ҳам бўлади:

$$C = \frac{(g_2 - g_1) \cdot 1000}{Q \cdot T}, \text{ мг / м}^3 \quad (6)$$



2-расм



3-расм. Чанг концентрациясини аниқлаш схемаси

1-вентилятор, 2-камера, 3-фильтр учун патрон, тарози (АДВ-200), 5-реометр, 6-хаво сўрувчи асбоб (маиший чанг юткич), 7-секундомер, 8-сўрилаётган хаво ҳажмини ростловчи ЛАТР (лаборатория автотрансформатори)

Топшириш саволлари.

1. Цехларда иш жойларидаги чанг концентрацияси қайси катталикларда ўлчанади?

Жавоб: г/л, мг/л, м²/м³, мг/м³, м³/мг.

2. Ишни бажариш вақтида хаво ҳажмини ўлчашда қайси асбобдан фойдаландингиз?

Жавоб: ротаметр, реометр, аспиратор, микроманометр, анемометр.

3. Стандарт усули бўйича чанг концентрациясини аниқлаш формуласини кўрсатинг

Жавоб:

$$C = \frac{(q_2 - q_1)1000}{QT}; \quad C = \frac{(q_2 - q_1)100}{QT}; \quad C = \frac{(q_2 - q_1)}{QT}; \quad C = \frac{(q_2 - q_1)QT}{1000}; \quad C = \frac{QT}{q_2 - q_1};$$

4. Корханалари учун чангнинг йўл қўйса бўладиган концентрациясини /ЙҚБК/ кўрсатинг. /мг/м³ ларда/

Жавоб: 8-10, 6-8, 4-6, 2-4, 2-10

4. Пахта чангнинг дисперслиги /катта-кичиклиги/ бўйича одам организми учун хавфли диапазонини кўрсатинг. /мкм ларда/.

Жавоб: 50 гача, 20 гача, 15 гача, 10 гача, 5 гача.

2-амалий машғулот: Саноат корхоналари ва муассасаларда микроиқлим шароитларини аниқлаш.

Ишнинг мақсади:

1. Микроиқлимнинг асосий катталиклари ва уларнинг киши организмига таъсири билан танишиш;
2. Микроиқлим катталиклари - ҳарорат, нисбий намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва атмосфера босимини ўлчаш асбобларини ўрганиш;
3. Лаборатория шароитида иш жойларида микроиқлим катталикларини ўлчаш ва топилган катталикларни санитария ва стандарт меъёрларга солиштириш;

Ишлаб чиқариш цехларининг иш зоналаридағи ҳаво мухити қуидаги шароитлар билан характерланади: ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва атмосфера босими. Бундан ташқари, санитария-гигиқ шароитлари иссиқлик нурланишиининг жадаллиги ва кишини қамраб турган ҳаво мухитидаги газлар кўлами сифатига (ҳавонинг газлар, буғлар, чанг, ионлашганлик даражаси ва бошқалар билан ифлосланганлигига) ҳам боғлиқ. Цехларда иш унумдорлигини оширишда, меъёрий иқлим шароитларни яратиш мухим рол ўйнайди. Цехларда мўтадил шароитлар санитария меъёрлари ГОСТ 12.1.005-88 билан белгиланади.

Микроиқлим катталикларининг киши организмига таъсири.

Маълумки, киши организми узлуксиз равища иссиқлик ажратиб чиқаради, бу иссиқликнинг миқдори маълум микроқлим шароитида мушаклар ишининг жадаллигига боғлиқ. Тинч ҳолатда турганда киши организми ўрта ҳисобда 70 ккал/соат иссиқлик чиқаради. Организмга тушадиган юкнинг ортиши билан ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори ҳам ортади. Одам бажарадиган барча ишлар оғирлик даражаси бўйича уч категорияга бўлинади:

I. Енгил ишлар: Буларга асосан, ўтириб бажариладиган, туриб ёки юриб бажариладиган, лекин мунтазам равища зўриқиш талаб қилмайдиган ёки юк кўтаришни талаб қилмайдиган ишлар киради. (энергия сарфи 172 Дж/сек ёки 150 ккал/соатгача).

IIa. Ўртacha оғирликдаги ишлар: уларга доимо юриб бажариладиган, тик турган ҳолда бажариладиган ва юкларни ташиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар киради. (энергия сарфи 172-232 Дж/сек 150-200 ккал/соат).

IIb. Ўртacha оғирликдаги ишлар. Буларга юриб ва унчалик оғир бўлмаган юкларни (10 кг гача) ташиш билан боғлиқ ишлар киради. энергия сарфи 232-295 Дж/сек ёки 200-250 ккал/соат).

III. Оғир ишлар: Буларга сурункали равища зўриқиш билан, доимо салмоқли оғирликдаги юкларни (10 кг дан ортиқ) ташиш билан боғлиқ ишлар киради (энергия сарфи 295 Дж/сек ёки 250 ккал/соат дан ортиқ).

Организмаги физиологик жараёнларни меъёрда бориши учун атроф-муҳит ажралиб чиқаётган иссиқликни ўзига қабул қилиш хусусиятига эга бўлиши керак. Организм ажратиб чиқараётган иссиқлик миқдори ва атроф-муҳитнинг совутиш хусусиятига мос тушиши унинг нуфузини белгилайди. Агар киши юқори иш унумдорлигига эришган ҳолатда ҳам яхши кайфиятини таъминланса, бундай микроқлим шароит комфорт яъни энг қулай шароит ҳисобланади. Маълумки, киши организми терморегуляция, яъни ўз ҳароратини бошқара билиш хусусиятига эга. Бу асосан қўйидаги уч хил йўл билан амалга оширилади: биохимик, қон айланиш интенсивлигининг ўзгариши ва терлаш. Биохимик терморегуляция организмда кечадиган жараёнларнинг жадаллиги ўзгариши натижасида содир бўлади. Қаттиқ совуқ еганда мушакларнинг

титраши организмнинг иссиқлик ажратиб чиқаришини 150-200 Вт/с гача ошириши аниқланган. Организм қизиб кетганда иссиқликни атроф-муҳитга бериши ортади. Бу тери қон томирларининг кенгайиши ва уларга қоннинг кўп миқдорда оқиб келиши натижасида содир бўлади ва аксинча, организм совуб кетганда тери қон томирларининг торайиши уларга қоннинг кам оқиб келиши туфайли ташқи муҳитга иссиқлик бериш камаяди.

Киши терлаганда, намлиknинг бугланиши натижасида терининг юзлари иссиқликни йўқотади. Комфорт шароитда иссиқлик узатиш миқдори иссиқлик пайдо бўлиш миқдорига тенгdir. Соддороқ қилиб айтганда организм қанча иссиқ чиқарса шунча миқдордаги иссиқликни, ташқи муҳитга беради. Шунинг учун киши организмининг ҳарорати доимо 36,0-36,6 °C миқдорда сақланади. Агар иссиқлик мувозанати бузилса, киши ўзини ёмон ҳис қиласди.

Масалан, агар иссиқлик узатиш иссиқлик ажратиб чиқаришдан кам бўлса, организмда иссиқлик йигилиб у қизиб кетади. Ёки, иссиқлик узатиш, иссиқлик ажратиб чиқаришдан кўп бўлса организм совиб кетади. Организмнинг қизиб ёки совиб кетиши, унинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, иш унумдорлигини пасайтиради, ҳамда касаллик ёки баҳтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

Ишчиларнинг комфорт ҳиссиёти цех ҳавосининг микроиқлим параметрларини танлашга боғлиқdir. Саноат корхоналарини лойиҳалаш меъёрлари цехда бажариладиган ишнинг табиатини, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасини ва йил фаслини ҳисобга олади. Ишлаб чиқариш цехларидаги микроиқлим шароит кўпгина ҳолларда нафақат комфорт талабларни, шу билан бирга технологик жараённи зарур шарт-шароитларини хам қониқтириши керак. Микроиқлим - катталиклари бу жараённинг бажарилишига ёрдам беради, ёки тўсқинлик қиласди. Агар технологик талаблар бўйича танланган микроиқлим катталиклар комфорт шарт-шароитга ёки санитария талабларига мос тушмаса, цехда ишловчиларга алоҳида комфортли зоналар ташкил қилинади.

Қурилманинг баёни ва зарур асбоблар.

Микроиқлим катталикларини ўлчаш асбоблари мажмуасидан ташкил топган. Булар Август психрометри, аспирацион Ассман психрометри, ҳаво тезлигини ўлчаш учун косачали ва қанотли анемометрлар, барометр, шамоллатгич ва секундомерлардир.

Тсехдаги ҳарорат одатда психрометрнинг қуруқ термометри ёрдамида ўлчаниб, у ҳавонинг нисбий намлигини ўлчаш билан бирга қўшиб олиб борилади. Цехларда иссиқлик чиқарувчи манбалар мавжуд бўлса симобли термометрларнинг бир жуфти қўлланилади. Булардан бирининг симобли идиши кумушлантирилган, иккинчиси эса қорага бўялган бўлади. Термометрларнинг кўрсатиши ҳар хил бўлади, бунинг сабаби, кумушлантирилгани нурли энергияни қайтарса, қоралангани уни ютади. Бу ҳолда ҳақиқий ҳарорат қўйидаги формула бўйича аникланади.

$$t_{\text{хак}} = t_{\text{аг}} - a(t_k - t_{\text{аг}}) \quad (1)$$

бу ерда $t_{\text{хак}}$ - ҳақиқий ҳарорат;

$t_{\text{аг}}$ - кумушлантирилган термометр кўрсаткичи;


t_k - қорайтирилган термометр кўрсаткичи;

a - асбобнинг константаси.

Нисбий намлик психрометрлар ёрдамида ўлчанади. Уларнинг асосий қисми иккита бир хил термометрдан иборат. Улардан бирининг резервуари гигроскопик мато билан ўралган бўлади. Психрометрнинг ишлаш принципи атроф-муҳит ҳавосининг намлигига қараб буғланиш жадаллигига асослангандир. Атроф-муҳит ҳавоси қуруқ бўлса хўлланган термометр T_x кўрсатиши қанча паст бўлса, буғланиш жадаллиги шунча катта бўлади. Ҳаво сув заррачаларига тўйинган бўлса, унда хўлланган термометр T_x кўрсатиши қуруқ термометр T_k кўрсатишига teng бўлади.

Одатда нисбий намликни ўлчаш учун Август ва Ассман психрометрлари қўлланади. Ассман психрометри анча мукаммал бўлиб, унда иккала термометр резервуарлари металдан ясалган найчалар ичига жойлаштирилади. Бу уларни иссиқлик нурланиши таъсиридан асрайди. Цехдаги ҳаво ҳаракатининг термометр резервуарларига таъсирини камайтириш мақсадида шу найчалар

орқали махсус вентилятор ёрдамида тезлиги 2,5-3,0 м/с бўлган ҳаво оқими сўриб турилади. Вентилятор психрометринг корпусига ўрнатилган бўлиб пружина ёки электр двигател ёрдамида юргизилади. Психрометр термометрлари кўрсаткичларини ўлчаб олгач, нисбий намлик психрометрик номограммалар (1-расм) ёрдамида аниқланади.



1-расм.

Ҳаво ҳаракатининг тезлиги одатда анемометрлар билан аниқланади.

Анемометрлар икки хил бўлади. Косачали анемометрлар 1-15 м/с оралиқдаги тезликларни, қанотли анемометрлар анча кичик 0,3-0,5 м/с оралиқдаги

тезликларни ўлчашга мўлжаллангандир. Лаборатория шароитида ҳавонинг ҳаракати майший вентилятор ёрдамида ҳосил қилинади. Ўлчов ишлари қуидаги олиб борилади. Анемометр ҳали юргизилмасдан аввал кўрсаткичилари ёзиб олинади ва уни ўлчаниши керак бўлган ҳаво оқимида киритилади. Косачали анемометр вертикал, қанотли анемометр эса қанотлари ҳаво оқимида перпендикуляр ҳолатда қўйилади. Шу ҳолатда анемометр инерция қаршилигини енгиш учун 15-20 с салт айлантирилади ва ундан сўнг бир вақтда асбоб билан секундомер юргизилади. Шундай ҳолда у 50-100 с ҳаво оқимида ушлаб турилади ва ўчирилиб анемометрнинг кўрсаткичи ёзиб олинади.

Куидаги формуладан анемометр стрелкаси бир секундда

$$n = \frac{N_2 - N_1}{t} \quad (2)$$

шкаланинг неча бўлагига сурилганини аниқлаб оламиз.


бу ерда N_1, N_2 - анемометрнинг бошланғич ва охирги кўрсаткичлари,
t - ўлчаш вақти, с.

Бу катталик ёрдамида эса ҳар бир анемометр паспортида бериладиган графикдан фойдаланиб ҳаво ҳаракатининг ҳақиқий тезлиги м/с ларда аниқланади. Атмосфера босими бизга маълум бўлган барометр-анероидлар ёрдамида ўлчанади.

Ишни бажариш тартиби

1. Лаборатория ишининг баёни ва асбоблар билан танишиб чиқинг.
2. Куидаги микроклиматтада аниқланг:
 - а) Барометр-анероид ёрдамида атмосфера босимини;
 - б) Ассман психрометрининг қуруқ термометри ёрдамида ҳавонинг ҳароратини;
 - в) Ассман - психрометри ёрдамида ҳавонинг нисбий намлигини (бу асбобда нисбий намликни ўлчашда термометрнинг мато ўралган идиши сув билан ҳўлланиб, вентилятор юргизиб юборилади. Агар пружинали вентилятор бўлса, дастаси соат стрелкаси бўйича 5-6 марта буралади);
 - г) анемометр майший вентилятордан 2-2,5 м масофада, ҳаво оқимида қўйиб унинг тезлиги аниқланади.
 - д) Август психрометри ёрдамида нисбий намлик аниқланади.

е) Иш жойидаги ўлчанган микроқлим шароитларга номограмма (5-расм) бўйича баҳо беринг ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар киритинг.



2-Расм. Микроқлим омилларига баҳо бериш номограммаси.

Топширии саволлари.

1. Цехларда ҳаво ҳаракати тезлиги қайси катталикларда ўлчанади?

Жавоб: m^2/c , m/c^2 , m/c , m^3/c , m^2/c^2 .

2. Нисбий намлик қайси катталикларда ўлчанади?

Жавоб: mg/c , c/m^2 , %, m^2/m , c/m^2 .

3. Атмосфера босими микроқлим шароитини характерловчи катталик бўла оладими?

Жавоб: ҳа, йўқ, қисман, айрим ҳолларда.

5.Ҳавонинг ҳарорати қайси асбоб билан ўлчанади?

Жавоб: барометр, анемометр, реометр, термометр, алтиметр.

6.Цехларда ҳаво ҳаракати тезлиги қайси асбоб билан ўлчанади?

Жавоб: анимометр, психрометр, люксметр, электрометр, манометр.

7.Оғирлик категорияси ўрта иш жойларидағи ҳаво ҳаракати тезлигининг йўл кўйса бўладиган меъёрини қўрсатинг /м/с ларда/.

Жавоб: 0,1;0,3;0,5;0,7;0,9.

**Ишлаб чиқариш цехларидаги ҳавони ҳаракат тезлиги ва барча
бажариладиган ишларни оғирлиги бўйича бўлинадиган категориялари
ҳақида тушунчалар ҳосил қилиши.**

**Цех ҳавосининг ҳаракат тезлиги ва цехдаги оғирлиги бўйича
бажариладиган ишларни категориялари ҳақида тушунчалар.**

Киши сезадиган ҳаво ҳаракати тезлиги $v=0,2$ м/с ни ташкил этади. Ҳаво ҳаракати тезлиги қиши пайтида $v=0,2-0,5$ м/с дан ошмаслиги, ёзда еса $v=0,2-1,0$ м/с оралиғида бўлиши керак. Иссиқ цехларда ҳаво ҳаракати тезлиги $v=3,5$ м/с гача бўлиши мумкин.

Юқори ҳарорат билан бирга юқори нисбий намлик мавжуд бўлган иш жойларида айниқса организм қийналади. У қизиб кетади. Цехларда ҳаво ҳаракати кескин ўзгариб турса, совуқ ҳаво ҳаракати юқори бўлса, йелвизаклар мавжуд бўлса бу корхонада шамоллаш туфайли касалланиш кўп учрайди.

Барча ишлар оғирлиги бўйича 4 категорияга бўлинади:

I - енгил ишлар- Энергия сарфи 172 Дж/с, (150 ккал/соат) гача: енгил, ўтириб ёки юриб бажариладиган ишлар;

II- ўрта оғирликдаги ишлар- энергия сарфи 172-232 Дж/с (150-200 ккал/соат) юриб бажариладиган ва 10 кг гача юк кўтариш билан бўғлиқ бўлган ишлар;

III- ўрта оғирликдаги ишлар- эргия сарфи 232-293 Дж/с (200-250 ккал/соат), юриб бажариладиган ва 10 кг дан ортиқ юк кўтариш билан боғлиқ бўлган ишлар;

III - Оғир ишлар- энергия сарфи 293 Дж/с дан (250 ккал/соат) кўп бўлган ишлар: Бунга оғир жисмоний меҳнат билан боғлиқ ишлар киради; поммастер, юк ташувчи, ремонтчи ва ҳ.к.

Давлат санитария инспекциясининг ахборотича иш жойидаги ҳароратга қараб ҳаво тезлигининг қуиидаги қийматлари тавсия етилади.

З-жадвал

Иш жойидаги ҳаво ҳарорати t	Йўл қўйса бўладиган ҳаво ҳаракати, V м/с
16-20	0,25 дан кўп эмас
22-23	0,25- 0,3
24-25	0,4- 0,6
26-27	0,7- 1,0
28-30	1,1- 1,3

Киши организмининг имкониятлари жуда чексиз ва ҳали тўла ўрганиб бўлинган эмас. Масалан: организм жуда қисқа вақт ичида +160 °C га чидай олар экан. +70 °C га эса бир соат давомида, қисқа вақт ичида -89 °C ҳароратга чидаши мумкин.

Микроклиматикалыктарини ўлчаш асбоблари:

1. Босим- барометр, барографлар;
2. Ҳарорат- термометр, термограф;
3. Нисбий намлик- психрометрлар (Август, Ассман), ёзиб борувчи асбоб- гигрографлар;
4. Ҳаво ҳаракатининг тезлиги- анемометрлар.
 - A) қанотли
 - B) косачали
 - C) термоанемометрлар.

Мухокама учун саволлар:

1. Ҳавони ҳаракат тезлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳавони ҳаракат тезлигини қандай ўлчов приборлари орқали ўлчанади?
3. Бажариладиган ишлар оғирлиги бўйича қандай турларга бўлинади ва у нимага боғлиқ?

З-амалий машғулот: Ишлаб чиқариш корхоналарида ва иншоотларда табиий ёруғликни аниқлаш.

Ишдан мақсад: Ишлаб чиқариш корхоналарида ва иншоотларда табиий ёруғликни аниқлаш.

Умумий маълумотлар:

Ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларини рационал ёритиш меҳнат муҳофазасининг асосий тадбирларидан бири ҳисобланади. Тўғри лойиҳаланган ва амалга оширилган ишлаб чиқариш цехларидаги ёруғлик қуидагиларга хизмат қиласди:

- кўзни кам толиқтириш, кўриш ишлари шароитини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш;
- ишлаб чиқариш муҳитига ва ишчиларнинг психологиясига ижобий таъсир кўрсатиш;
- ишнинг хавфсизлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда жароҳатларни камайтириш.

Ҳамма ишлаб чиқариш хоналарида кундузи ишлаш учун, медицина-санитария талаблари нуқтаи назаридан, мукаммал ва иқтисодий жиҳатдан арzon бўлган табиий ёруғликни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Табиий ёруғлик тузилиши бўйича уч турли бўлиб, бинонинг ён томонидан, юқорисидан ва икковининг биргаликда қўлланиши ҳолатида амалга оширилади.

Ён томондан бериладиган ёруғликка, бинонинг ташки деворларидағи ойна деразалари орқали қуёш нурлари кириб цехни ёритади. Юқоридан бериладиган табиий ёруғлик билан еса, бинонинг томидаги фонар, шед ва зенит гумбазлари орқали ёритилади.

Комбинацияланган ёки қурама ёруғлик цехни ҳам ён томонидан, ҳам юқоридан биргаликда ёритишдир. Тсехларни табиий ёруғлик билан ёритишнинг бу тури анча рационал бўлиб, цех бўйича бир текис ёритилганлик ҳосил қиласди.

Ишлаб чиқариш хоналарининг ёритилиши бўйича иш юзларининг люксларда белгиланган ёритилганлик ёруғлик техникасининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Табиий ёруғликда, цехлардаги ёритилганлик жуда кэнг чегараларда ўзгаради. Бу ўзгаришлар куннинг вақти, йилнинг фасли, жойнинг географик кенглиги, метеорологик омиллари, ер юзасининг нур қайтариш хусусияти ва бошқалар билан белгиланади. Шунинг учун, табиий ёруғликни иш жойларида ёритилганликнинг абсолют катталиги сифатида ифодалаш мумкин. Табиий ёритилганликни меъёрловчи катталик сифатида, нисбий катталик бўлмиш табиий ёритилганлик коэфисценти қабул қилинган. Бу ишлаб чиқариш хонаси ичидаги ёритилганликни E_n , шу вақтнинг ўзида ташқарида горизонтал юзада уланган ёритилганликка E_t нисбати билан фоизларда ўлчанадиган катталиkdir.

$$e = \frac{E_n}{E_t} \cdot 100 \% \quad (1)$$

1-жадвал

Табиий ёритилганлик коэфисцентининг ишлаб чиқариш хоналари учун қиймати

Кўзда бажариладиган ишларнинг таърифи	Объектни илғаб олиш мумкин бўлган энг кичик ўлчами	Кўзда бажариладиган ишнинг разряди	Табиий ёруғликдаги е нинг қиймати, %	
			Юқори ва комбинация	Ён томондан ёритилганда
Бажариладиган ишлар:				

-энг юқори аниқлиқдаги	0,15	I	10,0	3,5
-жуда юқори аниқлиқдаги	0,15-0,3	II	7,0	2,5
-юқори аниқлиқдаги	0,3-0,5	III	5,0	2,0
-ўрта аниқлиқдаги	0,5-1,0	IV	4,0	1,5
-паст аниқлиқдаги	1,0-5,0	V	3,0	1,0
-дағал	5,0 дан катта	VI	2,0	0,5
-иссик цехларда ўз-ўзидан нурланувчи материаллар билан ишлаш	-	VII	3,0	1,0
-технологик жараённи умумий назорат қилиб тuriш	-	VIII	1,0	0,3
-вақти-вақти билан ускуналар ҳолатини назорат қилиш	-		0,7	0,2
-механизациялашган ва механизациялашмаган омборларда ишлаш	-	IX	0,5	0,1

Табиий ёритилғанлик коэффициенти /т.ё.к/ 7-жадвалдан қуидаги омиллар асосида аниқланади:

- кўзда бажариладиган ишнинг табиати /кўрилаётган предметнинг кўзилғай олиш катталиги, масалан йигирувчи ва тўқувчилари шида ипнинг йўғонлиги, соатсозда соатнинг майда қисмлари, ўқувчида сарф ўлчамлари ва бошқалар/.
- ёруғлик системаси;

- ёруғлик иқлими коэффициенти /бу катталик бинонинг жойлашган минтақасига боғлиқ/.
- кунгайлик коэффициенти /бу катталик бинонинг қайси томонга қараб тушганлигига боғлиқ. Бино шарқ, томонга қараб тушган бўлса - кунгай томон дейилади.

Табиий ёритилганлик коэффициенти экспериментал ўлчовлар асосида ҳисобланади. Бунинг учун люксметр асбоби ёрдамида хонанинг ички / E_i / ва ташқи / E_t / ёритилганлиги горизонтал текислиқда ўлчанади. Ташқаридаги ёритилганлик ўлчанганды люксметр фотоэлементига атрофдаги бино ва иншоотларнинг сояси тушмаслигига аҳамият бериш керак.

Керакли асбоблар ва мосламалар.

Люксметр Ю-116 чўғланма лампалар ва табиий ёруғлик орқали ҳосил бўлган ёритилганликни ўлчаш учун мўлжаллангандир.

Люксметр - ўлчов асбоби ва қопламали алоҳида фотоэлементдан ташкил топган. Асбобнинг иккита шкаласи бор. Бири 0 дан 30 лк гача, иккинчиси 0 дан 100 лк гача ўлчашга мўлжалланган.

Хар бир шкалада нуқталар билан ўлчов диапазонининг бошланиши кўрсатилган; 0-100 шкаласида бу нуқта 20 белгисининг, 0-30 шкаласида еса 5 белгисининг устида жойлашган. Асбоб стрелканинг нол ҳолатига келтириш имконини берувчи корректорга эга.

Селенли фотоэлементнинг асбобга улаш жойи, корпуснинг ён деворида жойлашган.

Фотоэлемент пластмассадан ясалган корпус ичида бўлиб, ўлчовчи асбобга розеткали шнур ёрдамида бирикади, бу ўз навбатида бирикиш полярлиги тўғри бўлишини таъминлайди (мабодо тескари уланса асбоб кўрсатмайди).

Асбобининг хатосини камайтириш мақсадида, фотоэлемент, ёруғлик тарқатувчи оқ, пластмассадан ишланган ярим сфера шаклидаги қоплама ва шаффоф бўлмаган пластмасса ҳалқа билан таъминланган. «К» харфи билан

белгиланган қоплама алоҳида қўлланмай, "M", "P", "T" ҳарфлари билан белгиланган қопламалардан бири билан биргаликда қўлланади.

Бу уч қопламадан ҳар бири "K" қопламаси билан бирга учта ёруғлик - ютувчи ҳосил қиласди. Бундан мақсад, асбобнинг ўлчаш диапазонини мос равишда 10, 100, 1000 марта оширишдир.

Асбобни ишга тайёрлаш мақсадида уни горизонтал ҳолатга стрелкани еса нол ҳолатига келтиринг. Бу иш фотоелемент асбобдан узиб қўйилган ҳолатда бажарилади.

Ўлчанаётган ёритилганлик қийматини ҳисоблаш қўйидаги тартибда бажарилади: юқорида айтилган қопламалар ёрдамида танланган ўлчов диапазонларининг энг катта қиймати босилган тугманинг қарама-қарши томонидан олинади. Масалан, ўнг томондаги тугма босилса унинг қаршисида 10 каррали ўлчаш диапазонларининг энг катта қийматлари кўрсатилган /0 дан 100 гача/ бўлган шкаладан фойдаланиш керак. Агар чап томондаги тугма босилса /унинг қаршисида 30 каррали ўлчаш диапазонининг энг катта қийматлари кўрсатилган/ 0 дан 30 гача бўлган шкаладан фойдаланилади. Асбобнинг тегишли шкаласидан ўқилган қийматларни "M", "P" ва "T" қопламаларида кўрсатилган камайтириш коэффициентларига кўпайтириш керак.

Масалан, фотоелементда "KP" қопламаси ўрнатилган ва чап тугма босилган, стрелка 0-30 шкаласининг 15 рақами устида ўлчангандан ёритилганлик $5 \times 100 = 1500$ лк бўлади.

Люксметрни узоқ вақт тўғри ишлашини таминалаш учун селенли фотоэлементини ортиқча ёритилганликдан асраш қопламаларининг тўғри танланишига аҳамият бериш талаб етилади. Шу мақсадда ўлчанаётган ёритилганлик қиймати ноаниқ бўлса ўлчашни энг катта диапазонли "KT" қопламасидан бошлаш керак.

Ишни бажариш тартиби

1. Люксметр Ю-116 нинг тузилиши билан танишиб чиқинг.

- Лабораторияда деразадан 1, 2, 3, 4, 5 м масофаларла полдаги белгилар бўйича ёритилганликни ўлчанг. Бунда стол баландлигига (0,8 м) фотоэлемент юзасини тепага қаратиб полга параллел ҳолда ушланг. Шу вақтининг ўзида ташқаридаги ёритилганлик ҳам ўлчанади.
- Формула /3/ бўйича ўлчанган бешта нуқтанинг ҳар бири учун табиий ёритилганлик коэффициентини ҳисобланг.
- Олинган қийматлар бўйича унинг ўзгариш графигини чизинг.
- 5.2 - жадвалдан фойдаланиб, табиий ёритилганлик коэффициенти қиймати ва ёритиш системаси бўйича ойнадан 1, 2, 3 м ва ҳ. к. узокликда бажариладиган ишнинг тури ва разрядини аниқланг.
- Чизиқнинг йўғонлиги 0,7 мм бўлганда ойнадан 2 м масофада чизмачилик ишларини ва микрометр шкаласининг бўлимлари қалинлиги 0,7 мм бўлганда деразадан 4 м масофада ўлчов ишларини бажариб бўладими?

Олинган рақамларни ва қилинган хулосаларни лаборатория ишига оид ҳисботингизга ёзинг.

Топширии саволлари

И Цехлардаги ёритилганлик қайси катталикларла ўлчанади?

Жавоб: люмен, люкс, %, люкс/м², м²/лк.

2. Ёритилганлик қайси асбобда ўлчанади.

Жавоб: кататермометр, волтметр, амперметр, люксметр, электрометр.

3. Табиий ёруғлик турларини кўрсатинг.

Жавоб:

Юқоридан Умумий Локаллаштирилган

Ён томондан Маҳаллий Бир текис

Аралаш Аралаш Нотекис

- Табиий ёритилганлик коефисцентини аниқлаш формуласини кўрсатинг?

Жавоб:

$$e = \frac{E_u}{E_m}; \quad e = \frac{E_m}{E_u}; \quad e = \frac{E_u}{E_m} \cdot 100\%; \quad e = \frac{E_m}{E_u} \cdot 100\%; \quad e = \frac{E_u}{100 \cdot E_m};$$

5. Люксметр асбобининг ишлаш принципи

Жавоб: ионлар, фотоэлектр, химиявий, электро-статик, гравитация

4-амалий машғулот: Саноат корхоналарида шовқинни аниқлаш.

Ишдан мақсад: Саноат корхоналарида шовқинни аниқлаш

Умумий маълумотлар

Шовқин кишининг саломатлигига ва иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, касб хасталигини келтириб чиқариши мумкин. Шовқин чиқарувчи манбаларнинг салбий таъсирини камайтириш учун одатда шовқин ютувчи ва шовқин тўсувчи материаллар ишлатилади.

Шовқинни тўсиш тебранишларни манбаълардан тарқалишига тўсқинлик қиласди. Бу хусусият шовқин тўсувчи материалнинг зичлигига боғлиқ.

Катта миқдорда шовқин чиқарувчи агрегатлар ўрнатилган цехларда шовқинни камайтириш учун тўлқинларининг қайтган энергиясини камайтириш керак. Бу, тўсиқлар юзаси орқали товуш тўлқинлари энергиясининг ютилиши натижасида эришиллади. Бу эса материалларнинг товушни қай даражада ютиш хусусиятига боғлиқдир.


Ушбу лаборатория ишида шовқин чиқарувчи генератор қопламасининг товуш ютиш ва тўсиш самараси аниқланади. Қопламалар одатда металл, пластмасса ёки ёғочдан ясалади. Кожухларнинг ички деворлари товуш ютувчи материаллар билан қопланади Пўлат ва ғовак материаллар шовқинни яхши ютиш хусусиятига эга. Бундай материалларга намат, тивит, пахта, астбест, винипор ва бошқалар мисол бўла олади.

Лаборатория мосламасидаги қопламанинг самарадорлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta L = L - L_k$$

бу ерда L - товуш тўсувчи кожухнинг қопқоғи очиқ ҳолатдаги товуш босимининг умумий қиймати, дБ.

L_k - худди шунинг ўзи товуш тўсувчи кожухнинг қопқоғи ёпиқ ҳолатда, дБ.



- 1- шовқин генератори
- 2- қоплама девори
- 3- товуш ютувчи материал
(техник намат)

1-расм. ИШВ-1 шовқин ва титраш ўлчаш асбобининг юза панели

Шовқин тўсувчи кожухнинг назарий самарадорлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A = \sigma + \delta, \text{ дБ}$$

бу ерда δ - товушни тўсиш ҳисобига шовқиннинг камайиши, дБ

σ - товушни ютиш ҳисобига шовқиннинг камайиши, дБ.

Товушни тўсиш ҳисобига шовқиннинг камайиши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\delta = 10 \lg \frac{S_2 \alpha_2}{S_1 \alpha_1}, \text{ дБ}$$

бу ерда S_1 - кожух деворлари юзасининг майдони, м^2 ,

S_2 - техник намат деворлари юзасининг майдони, м^2

α_1 -кожухнинг шовқин тўсиш коэффициенти, / $\alpha_1=0,01$ /

α_2 - техник наматнинг шовқин ютиш коэффициенти, / $\alpha_2=0,3$ /

Товуш ютиш ҳисобига шовқиннинг камайиши товуш ютувчи материалнинг зичлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги формула бўйича ифодаланади:

$$\sigma = 13,5 \lg P + 13 \quad P > 200 \text{ кг}/\text{м}^2 \text{ бўлганда}$$

$$\sigma = 23 \cdot \lg P - 9 \quad P < 200 \text{ кг}/\text{м}^2 \text{ бўлганда}$$

бу ерда:

Р- товуш ютувчи материалнинг зичлиги. Техник намат учун Р=300 кг/м³.

Мослама ва асбобнинг баёни

Амалий ишини бажариш учун қурилган мослама шовқин тўсувчи ёғочдан ясалган қути 2 /41a-расм/ ва унинг ичига ўрнатилган шовқин тарқатувчи генератор И дан тузилган. Қутининг ички деворлари техник намат 3 - билан қопланган.

Шовқинни ўлчовчи ИШВ-1 асбоби шовқиннинг умумий қиймати 30-130 дБ ва 16-8000 Гц диапазонда ўлчай олади. Уни таъминлаш иккита "Крона- ВТс" батареяси орқали ёки 220 В ли электр занжиридан амалга оширилади.

Асбобнинг юза панели юқорисида микрофонга улаш штеккери «вход». частоталар шкаласи, товуш ёки титрашни ўлчаш переключатели ва ўлчов асбоби пастки қисмида эса ўлчов диапазонлари переключателлари «Делител И» ва «Делител ИИ» ҳолатида иккита шкалада бўлиб улар 30 дан 90 дБ гача на 0 дан 40 дБ гача ҳар 10 дБ интервал билан ёзиб чиқилган. Панелнинг шу пастки қисмида асбобни ўчириш, таъминлаш назорати, тез ва секин ўлчаш тугмаси, иш турлари переключатели (A, B, C), ўзиёзар асбобга улаш уячаси (Выход) ва ерга улаш тугмалари жойлашган

Шовқин ўлчагичнинг ишлаш принципи қуйидагичадир: келаётган товуш тўлқинлари, микрофон мемранаси ёрдамида, товуш босими қийматига мутаносиб қийматда ўзгарувчан электр кучланиши ҳосил қиласди. Бу кучланиш асбобдаги кучайтиргич ёрдамида маълум марта кучайтирилиб, децибелларда бўлакларга бўлинган стрелкали индикатор билан ўлчанади.

«Род работы» переключателини «контрол питания» ҳолатига келтиринг. Бунда ўлчагичнинг стрелкаси «батарея» сектори ичida бўлиши керак. Агар стрелка бу сектордан чапроқда бўлса, батареялар алмаштирилиши керак. Асбоб аввал айтганимиздек кучланиши 220 В бўлган электр занжирдан ҳам таъминланиши мумкин. Шундан сўнг, «Род измерений» переключатели частота характеристикиси «A» устига келтирилади. Чунки шовқиннинг умумий қийматлари шу шкалада ўлчанади.

«Делител I» ва «Делител II» переключателларини чапга (агар стрелка шкаланинг 10 сонидан ўнгроқда бўлса ёки ўнгга, агар стрелка шкаланинг "0" ҳолатидан чапроқда бўлса) бураш йўли билан стрелканинг 0 билан 10 дБ орасидаги ҳолатда бўлишига эришинг.

Ўлчанаётган шовқининг қиймати «Делител I» ва «Делител II» переключателлари қийматлари ва ўлчов асбоби стрелкаси қиймати йифиндисига тенг. Масалан, «Делител I» переключатели 50 қийматида, «Делител II» переключатели 10 қийматида турибди, ўлчов асбоби стрелкаси 4 белгисида. Демак, шовқиннинг ўлчанган қиймати $(50+10+4)$ 64 дБ га тенг бўлади.

Ишни бажариш тартиби.

1. Стол устига, қопқоғи очилган ҳолда шовқин генераторини ўрнатинг. Уни токка уланг.

2. Шовқин ўлчагичнинг микрофонини генератордан бир метр масофада ушлаб туриб, «Делител I» ва «Делител II» переключателлари ёрдамида асбобнишига тушириб аста-секин шовқин генератрининг товуш босими қийматини. Ўлчанг яъни асбоб стрелкаси 0 билан 10 рақами орасида бўлишига эришинг.

3. Генератор қопқоғини ёпиб қўйиб, шу ўлчовларни қайтариш. Сўнгра /35/ формула ёрдамида қуриламанинг экспериментал самарадорлигини аниқланг.

4. Қопламанинг ўлчамларини ўлчаб ва қийматларини ҳисоблаб, товушни тўсиш ва ютишнинг назарий самарадорлигини /36/ формула бўйича ҳисобланг.

5. Ўлчов ва ҳисоблар натижаларини қуидаги жадвалга ёзинг.

Шовқиннинг умумий босими қиймати	Шовқиннинг қоплама қўлланилгандағи умумий қиймати	Қопламанинг шовқин ютиш ва тўсиш самарадорлиги	
		Экспериментал қиймати	Назарий қиймати

1. Шовқин қандай катталиқда ўлчанади?

Жавоб: Гц, В, дБ , лк.

2. Ишни бажаришда қайси шумомердан фойдаландингиз?

Жавоб: ИШВ- И, ИШВ-2, Ш- 63, Шум- 1М- 30, РФТ.

3. Ютилиш ҳисобига шовқиннинг камайишини ҳисоблаш формуласини кўрсатинг. Бунда шовқин ютувчи материалнинг зичлиги $p = P > 200$ кг/м³

Жавоб: $\sigma = 13,5 \lg P + 13$, $\sigma = 23 \lg P - 9$, $\sigma = 13,5 \lg P - 13$, $\sigma = 23 \lg P + 9$, $\sigma = 13,5 \lg P - 9$

4. Ихоталаш ҳисобига шовқиннинг камайишини ҳисоблаш формуласини кўрсатинг.

$$\delta = 10 \lg \frac{s_2 \alpha_2}{s_1 \alpha_1}; \quad \delta = 10 \lg \frac{s_1 \alpha_1}{s_2 \alpha_2}; \quad \delta = 10 \lg \frac{s_1 \alpha_2}{s_2 \alpha_1}; \quad \delta = 10 \lg \frac{s_2 \alpha_1}{s_1 \alpha_2}; \quad \delta = 10 \lg \frac{s_1 s_2}{\alpha_1 \alpha_2};$$

5. Тўқимачилик ускуналари учун йўл қўйса бўладиган энг юқори шовқин миқдори. /дБ/ Жавоб: 65 гача, 75 гача, 85 гача, 95 гача, 105 гача.

V. Кейслар банки

1-Кейс. Зичлиги $0,68 \text{ т}/\text{м}^3$ бўлган 100 т аммиакли ҳимояланмаган идиш бузилган. Атрофи очиқлик, шамолнинг ерга яқин қисмидаги тезлиги $2 \text{ м}/\text{с}$ га тенг (инверсия). Кимёвий шикастланиш ҳудудининг ўлчамини ва юзасини топинг ?

Ечиш. 1. Суюқ аммиак тўкилган ҳудуднинг тахминий юзаси қуидаги формуладан топилади:

$$Syuza = \frac{G}{\rho \cdot 0,05} = \frac{100}{0,68 \cdot 0,05} = 3000 \text{ м}^2$$

Бу ерда: G – КТЗМ микдори, т;

ρ - Аммиак зичлиги, $\text{т}/\text{м}^3$;

$0,05$ – Тўкилган аммиак қатламининг қалинлиги (то‘г‘риловчи коефитсиент).

2. Кимёвий заарланишнинг чукурлигини иловадаги 6,7-жадваллардан фойдаланиб, топамиз:

$$Г = 3 \cdot 5 \cdot 0,6 = 9 \text{ км.}$$

3.Заарланган кимёвий ҳудуднинг кенглигини топамиз:

Инверсияда- $0,03 \text{ Г}$

Изотермияда- $0,15 \text{ Г}$

конвексияда- $0,8 \text{ Г}$

$$\text{Ҳудуд кенглиги: } K = 0,03 \cdot 9 = 0,27 \text{ км.}$$

4.Кимёвий заарланиш ҳудудининг юзасини топамиз:

$$С \text{ ҳудуд} = 1/2 \cdot Г \cdot K = 0,5 \cdot 9 \cdot 0,27 = 1,2 \text{ км}^2$$

2-Кейс. 1-кейс шарти бўйича аммиакнинг заҳарлаш вақтини топинг?

Аммиакнинг таъсир этувчи вақти иловадаги 8-жадвалдан фойдаланиб, топилади:

$$T \text{ заҳарланиш} = 1,2 \cdot 0,7 = 0,84 \text{ соат (50 дақиқа)}$$

3-Кейс. Кимёвий шикастланиш о‘чог‘ида жойлашган тураржой биносидаги одамларнинг талофатланиш сонини топинг (Бинода 300 та одам яшайди, улар 90 фоиз газниқоб билан таъминланган).

Ечиш. Иловадаги 9-жадвалдан фойдаланиб, одамларнинг талофатланиш сони: 9 фоиз (27 киши), шулардан энгил даражада талофатланганлар сони: $27 \cdot 0,25 = 7$ кишини; ўртача ва оғир даражада $27 \cdot 0,4 = 11$ киши, ўлим билан якунланадигани $27 \cdot 0,35 = 9$ кишини ташкил этади.

IV. ГЛОССАРИЙ

Лотинча	Русча	Инглизча	Шарқи
Abraziya	Абразия	Abrazo	daryo, dengiz, ko‘l va suv omborlari qirg‘oqlarining to‘lqin ta’sirida emirilishi.
Biologik avariya	Биологическая авария	Biological accident	xavfli biologik moddalarning odamlar hayoti va sog‘ligiga, qishloq xo‘jalik hayvonlari va o‘simliklariga havf tug‘diruvchi, hamda atrof tabiiy muhitga ziyon etishga olib keluvchi miqdorda tarqalishi bilan kechuvchi avariya.
Gidrodinamik avariya	Гидродинамическая авария	Hydrodynamic accident	texnogen hususiyatli xavfquollodda vaziyatning yuzaga kelish havfini tug‘diruvchi, suvning katta tezlikda tarqalishi bilan bog‘liq bo‘lgan gidrotexnika inshootlaridagi avariylar.
Sanoat avariyasi	Промышленные аварии	Industrial accidents	sanoat ob’ekti, texnik tizim yoki sanoat qurilmasidagi avariya.
Radiatsiyaviy avariya	Радиационная авария	Radiation accident	uskuna nosozligi, hodimlar (personal)ning hatti-harakatlari (harakatsizligi), tabiiy va texnogen hususiyatli havfquollodda vaziyatlar tufayli

			kelib chiqqan fuqarolarning belgilangan me'yordan ko'proq nurlanish olishiga yoki atrof muhitning radiaktiv ifloslanishiga olib kelishi mumkin bo'lgan yohud olib kelgan ionlashtiruvchi nurlanish manbai ustidan boshqaruvning izdan chiqishi.
Akvatoriya	Акватория	Akvatoriya	dengiz, okean, ko'l, suv ombori yoki portning belgilangan chegarasidagi suv yuzasi maydoni.
Ball	Ball	Ball	biror-bir hodisa (shamol kuchi, bulutlilik, dengizning to'lqinlanishi)ni baholash uchun qabul qilingan shartli raqamli birlik.
Seysmik ball	Сисмическое балл	Seismic rating	Er yuzasidagi zilzila entensevligining shartli birligi (raqamli baholash).
Barometr	Барометр	Barometr	atmosfera bosimini o'lchaydigan asbob. Simobli barometrlar eng aniq atmosfera barometrlari hisoblanadi. Ularning ko'rsatkichlari bo'yicha atmosfera bosimi o'lchanadi.

Ofat	Бедствие	Disaster	odatdagи hayat tarzining keskin buzilishi, odamlarning muhofazaga kiyim-boshga, tabiiy va ijtimoiy yordamga muhtoj bo‘lishiga olib keladigan halokatli vaziyat. Ofat ikki guruhga ajratiladi: 1) tabiiy hodisa sabab bo‘lgan ofat.; 2) Inson omili sabab bo‘lgan ofat. (urushlar avariylar va boshqa fv epidemiyalar).
Tabiiy ofat	Природная катастрофа	Natural disaster	odamlarning hayoti va sog‘ligiga tahdid tug‘ilishi mumkin bo‘lgan yoki tug‘ulgan shuningdek moddiy boyliklar va atrof tabiiy muhitning tarkibiy qismlari vayron bo‘lishi yoki yo‘q qilinishi mumkin bo‘lgan katta ko‘lamda vayronalik keltiruvchi tabiiy-antropogen hodisa yoki jarayon.
Ekologik ofat (ekologik halokat)	Экологические катастрофы (экологическая катастрофа)	Environment al disasters (environment al disaster)	tuproq, atmosfera, gidrosfera va biosfera holatining o‘zgarishi (antropogen ta’sirlar ostida) oqibatida kelib chiquvchi va odamlar sog‘ligiga ularning ma’naviy

			sohasiga yashash muhitiga iqtisodiyotiga gen va genafonga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi juda katta ko'lamdagi favqulodda hodisa. Ekologik ofat ko'pincha tabiiy muhitning orqaga qaytmas o'zgarishlari bilan birga kechadi.
Biologik xavfsizlik	Биологическая безопасность	Biological security	odamlar, hayvonlar, o'simliklar, atrof muhitning biologik favqulodda vaziyat manbai keltirib chiqargan yoki keltirib chiqaradigan havflardan muhofazalanganlik holati.
Favqulodda vaziyatlarda havfsizlik	Безопасность в случае возникновения чрезвычайной ситуации	Security in case of an emergency	aholining iqtisodiyoti ob'ektlarining atrof-muhitning favqulodda vaziyatlar havfidan muhofazalanganlik holati.
Yong'in xavfsizligi	Пожарная безопасность.	Fire safety.	odamlarning, yuridik va jismoniy shaxslar mol – mulkinining shuningdek atrof tabiiy muhitning yong'indan muhofazalanganlik holati.
Bofort shkalasi	Шкала Бофорта	Beaufort scale	butun dunyo metrologiya tashkiloti tomonidan shamolning tezligini uning er

			ustidaga buyumlarga ta'siri yoki ochiq dengizdagи tulqinlanishga qarab aniqlar uchun qabul qilingan 12 balli shkala. SHamolning o'rtacha tezligi standart – ochiq tekis yuzadan 100 m balandlikda ko'rsatiladi. SHkala ingliz admerali F. Bofort (1774 – 1857) tomonidan 1806 yili ishlab chiqilgan. 1874 – yildan boshlab xalqaro senompit amaliyotda foydalanish uchun qabul qilingan.
Rixter shkalasi	Шкала Рихтера	The Richter scale	zilzila vaqtida vujudga keladigan seysmik to'lqinlarning enegriyasi baholashga asoslangan magnitudaning seysmik shkalasi. Rixter shkalasi bo'yicha zilzila magnitudasi va uning 12 balli shkala bo'yicha epitsentrдagi kuchi o'rtasidagi munosabat o'choq chuqurligiga bog'liq bo'ladi. SHkala 1935 yili amerikali seysmolog CH.Rixter tomonidan tashkil etilgan, 1941 – 1954 yillarda

			B.Butenberg tomonidan nazariy asoslangan.
Antropogen omil	Антропогенные факторы	Anthropogenic factors	atmosfera, gidrosfera va litosfera tarkibi va rejimning o‘zgarishi, havo, daryolar, dengizlar va okeanlarning shuningdek tuproqlarning sanoat texnologiyalari maxsulotlari va radiaktiv moddalar bilan ifloslanishi, ekotizm tarkibi va tuzilishining buzilishi va boshqalarni keltirib chiqaradigan inson faoliyati, uning atrof muhitiga ta’siri bilan yuzaga keltirilgan omil.
Radiatsiyaviy xavfli omil	Радиационный фактор риска	Radiation risk factor.	havo tarkibida radon (toron), radon (toron) parchalanishining qisqa yashovchi mahsulotlari, radon (turon) parchalanishining uzoq yashovchi mahsulotlari, radiaktiv chang bo‘lishligi, uran radi, tori, poloniy, qo‘rg‘oshin-210 bo‘lgan umumiy radiaktivlik: suvda texnologik eritmalarda va pulpa tarkibida uran, radi, tori, radon (toron), poloniyning

			<p>bo‘lishi: radiaktiv ifloslanganlik (bino, asbob – uskuna, tranport vositalari, maxsus kiyim va h.k): tashqi muhit (tuproq, o‘simpliklar, tog‘ jinslari) da radionuklitlar-radi, uran, toriy, qo‘rg‘oshin-210 bo‘lishi; ish vaqtida radiaktiv moddalar bilan bevosita mashg‘ul bo‘lgan hodimlarning va radiaktiv moddalar bilan bog‘liq bo‘лмаган hodimlarning tashqi va ichki nurlanishi bilan keltirib chiqarilgan insonning, hodimlarning tabiiy texnologen nurlanishi.</p>
Vabo	Чумা	The plague	(lot. Cholera yunon. Cholezarda, jahl, zahar) – ingichka ichakning shkastlanishi, suvtuz balansining buzilishi, suyuqlik yo‘qotilishi tufayli organizmning turli darajada suvsizlanishi bilan tavsiflanuvchi o‘tkir yuqumli kasallik. Vabo vibrionini keltirib chiqaradi. Kasallik vibrion tashuvchidan suv,

			ovqat, iflos ko‘llar orqari yuqadi.
Sunami	Цунами	Tsunami	<p>suv osti yoki sohil bo‘yi zilzilalar chog‘ida dengiz tubi cho‘ziq maydonlarning yuqoriga yoki pastga siljishi natijasida yuzaga keladigan, dengiz to‘lqinlaridan iborat xavfli tabiat hodisasi, S. Katta tezliklarda (1000 km/s gacha) bir necha ming kilometr masofaga tarqaladi. Suv devori oldida havoning zo‘r to‘lqini tarqaladi. U portlash to‘lqin kabi bino va inshootlarni vayron qiladi. Vayronalikning ehtimoliy ko‘lamlari ball bilan o‘lchanadi: kuchsiz (1-2 ball) dan vayronali keltiruvchi (5-6 ball) gacha.</p>
Hayot faoliyati	Деятельность жизни	The activities of life	bu insonning kunlik faoliyati, dam olish va yashash tarzidir.
Atrof-muhit	Окружающая среда	Environment	insonni o‘rab turgan muhit bo‘lib, insonning hayot faoliyatiga, uning sog‘ligi va nasliga to‘g‘ridan to‘g‘ri, birdan urinma yoki masofadan tasir etishiga qobiliyatli omillarning (jismoniy,

			ximiyaviy, biologik, informatsion, ijtimoiy) shartli yig‘indisidir.
Biosfera	Биосфера	Biosphere	barcha turdagи organizmlar, jumladan inson yashashi mumkin bo‘lgan atrof-muhit bo‘lib, u murakkab tuzilishdagi er sharining muhim qobig‘idir.
Texnosfera	Техносфера	Texnosphere	o‘tmishda beosferaga taaluqli bo‘lgan keyinchalik insonlarning o‘zining moddiy va ijtimoiy-iqtisodiy ehtiyojlarini yanada yaxshilash maqsadida tug‘ridan-tug‘ri yoki sirtdan texnik vositalar bilan ta’sir etgan hududdir.
Maishiy muhit	Среда обитания	Living environment	bu maishiy sharoitdagi insonga ta’sir qiluvchi barcha omillarning yig‘indisidir. Organizmni maishiy omillarga reaksiyasini fanning sog‘lom turmmish tarzi, sog‘lom turmish tarzining kasallik profilaktikasi bilan aloqasi masalalariga bag‘ishlangan mavzularda o‘qish mumkin.
Ishlab chiqarish muhiti	Производствен ная среда	Production environment	bu mehnat faoliyati jarayonida insonga ta’sir qiluvchi omillar yig‘indisidir.

Tabiiy muhitdagi xavfsizlik	Экологическая безопасность	Environment al security	bu ekologiya sohalaridan biridir.
Baxtsiz hodisa (jarohatlanish)	От несчастных случаев. (Травмы)	Accident (injury)	inson tanasining teri yoki ayrim qismlari tashqi mehanik, kimyoviy, issiqlik va elektr ta'siri natijasida shikastlansa, buni baxsiz hodisa (jarohatlanish) deb ataladi.
Kasbiy kasalliklar	Профессиональные заболевания	Occupational diseases	ishchi – hodimlarga zararli ish sharoitlarining salbiy ta'siri natijasida hosil bo'ladigan kasalliklar kiradi.
Zararli ish sharoitidagi	Опасные условия труда	Hazardous working conditions	yomon (nobob) iqlim sharoitlari, zaharli changlar, me'yordan ortiq shovqin va titrash, bosimni me'yordan oshishi, yorug'likning etarli bo'lmasligi.
Xavf	Риск	The risk	inson hayotiga va sog'lig'iga zarar keltirishi, yong'in, portlashlami yuzaga keltirishi, zararli va zaharli moddalarning atrof muhitga tarqalishi, bino va inshootlarning buzilishi, hududlaming suv bosishi va boshqa ko'ngilsiz oqi- batlarga olib kelishi.

Xavfsizlik	Безопасность	Security	inson faoliyatining holati bo‘lib, u muayyan ehtimollikda yuzaga keladigan xavflami bartaraf qilishga yo‘naltirilgan xavflar majmuyi.
Texnosfera	Техносфера	Texnosphere	ishlab chiqaiish jarayonidagi yoki ish zonasidagi sodir bo‘lishi mumkin bo‘ladigan xavfli joy.
Gomosfera	Гомосфера	Gomosphere	ishlovchining ishlab chiqarish obyektida bo‘lmadigan joyi.
Himoya vositalari	Защитное оборудование	Protective equipment	– ishlab chiqarish jarayonida ishtirok etadigan insonlarga zararli va xavfli ishlab chiqaiish omillarining ta’sirini kamaytirish yoki uning oldini olish uchun qo‘llaniladigan vositalar majmuyi.
Hayot faoliyati xavfsizligi	Безопасность жизнедеятельности	Life safety	xavfsiz hayotni ta’minlash uchun insonning mehnati faoliyatida, atrof muhit musaffoligi (ekoilogiya) izdan chiqqanda, favqulodda vaziyatlar yuz berganda yuzaga keladigan xavf-xatarlarni yo‘qotish yoki kamaytirish, jarohatlangan, shikastlangan fuqarolarga birinchi tibbiy

			yordam ko'rsatish chora-tadbirlari majmuyi.
Favqulodda vaziyat	Чрезвычайная ситуация	An emergency situation	muayyan hududda o'zidan so'ng odamlarning qurbon bo'lishi, odamlar sog'lig'i yoki atrof-tabiiy muhitga ziyon yetkazishi, kishilarning hayot faoliyatiga kattagina moddiy zarar va uning buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan avariya, halokat, tabiiy ofat, epidemiya, epizotiya, epifitoliyalar natijasida yuzaga keladigan holat.
Hudud	Регион	Region	yer, suv, havo makoni, ishlab chiqarish yoki ijtimoiy maqsadlardagi obyektlar, shuningdek, atrof-tabiiy muhit majmuyi.
Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish	Ликвидация чрезвычайных ситуаций	The elimination of emergency situations	favqulodda vaziyat yuzaga kelganda amalga oshiriladigan hamda odamlarni qutqarish va insoniar sog'lig'ini saqlash, atrof - tabiiy muhitga zararining, hamda moddiy zararlar miqdorini kamaytirish.
Favqulodda vaziyatlar	Чрезвычайная ситуация	Emergency Situation	favqulodda vaziyatlar vazirligi avariylar, halokatlar va tabiiy ofatlar tufayli vujudga kelgan

			<p>favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ulaming oqibatlarini bartaraf etish sohasidagi ishlarga rahbarlikni hamda ulami muvofiqiashtirib borish ishlarini amalga oshiruvchi markaziy davlat boshqaruvi organi hisoblanadi.</p>
Fuqaro muhofazasi	Гражданской защиты	Civil Protection	<p>favqulodda vaziyatlarning, halokatlaming oldini olish va ulaming oqibatlarini bartaraf etish, aholining hududlarini va moddiy boyliklarini muhofaza qilish maqsadida o‘tkaziladigan tadbirlarni amalga oshiruvchi davlat tizimi.</p>
Tabiiy ofat	Стихийный бедствия	Natural disaster	<p>tabiatda yuz beradigan favquloddagi o‘zgarish boiib, u birdan, katta tezlikda insonlaming mo‘tadil yashash, ishlash sharoitlarining buzilishi, odamlarning va qishloq xo‘jalik hayvonlarining o‘iimi, moddiy boyliklarning buzilishi yoki yo‘q bo‘lib ketishi va boshqa salbiy oqibatlarga olib keluvchi hodisalar.</p>

Tektonik yer silkinishi	Тектонические землетрясения	Tectonic earthquake	yerning chuqur qisimida yuzaga keladigan tektonik kuchlaming tarqalish jarayonida yer ustki qatlamining tebranishini xarakterlaydigan o‘zgarish.
Giposentr	Гипоцентр	Gipocentr	yer silkinishining chuqur ichki qismidagi o‘chog‘i markazi.
Episentr	Эпицентр	Epicenter	yer silkinishining, yer ustki qatlamining eng maksimal silkinish joyi.
Sel ofati	Наводнение бедствий	Flood disaster	togli hududlarda kuchli yomg‘irlaming yog‘ishi, muzlik va qorlaming tez erishi natijasida hosil bo‘ladigan daryo toshqinlarining tog‘ yonbag‘rilarida nuragan tog‘ jinsi bo‘laklarining, daraxt ildizlari va shox-shabbalari bilan pastlik tomon oqizib kelishi.
Geologik xavfli hodisalar	Опасных геологических событий	Dangerous geological events	odamlar o‘limiga, ma’muriy- ishlab chiqarish binolarini, texnologik asbob-uskunalarini, energiya ta’rninoti, transport kommunikatsyalari va infratuzilma tizimlarining, ijtimoiy yo‘nalishdagi binolarning va uy-joylaring

			turlicha darajada buzilishiga, ishlab chiqarish va odamlar hayot faoliyatining izdan chiqishiga olib keladi.
Gidrometerologik xavfli hodisalar	Гидрометрологических опасные события	Gidrometerologik dangerous events	odamlar o'limiga, aholi yashash joylarini, ba'zi sanoat va qishloq xo'jaligi obyektlarini suv bosishiga, infratuzilma va transport kommunikatsyalari, ishlab chiqarish va odamlar hayot faoliyatining buzilishiga olib kelgan va shoshilinch ko'chirish tadbirlari o'tkazilishini talab qiladigan tabiiy ofatlar.
Epidemeologik vaziyatlar	Эпидемиологическая ситуация	Epidemiological situations	odamlar o'rtasida xavfli infeksiyalar: o'lat, vabo, isitma; epidemik toshma, terlama, Bril kasalligi; zoonoz infeksiyalar: Sibir yarasi, quturish; bezgak kasalliklari; zaharli moddalar bilan zaharlanish; oziq-ovqatdan zaharlanish holatlari.
Epizootiya	Эпизоотическая	Epizootic	hayvonlaming ommaviy tarzda kasallanishiga yoki nobud bo'lishiga olib keladigan vaziyat.

Epifitotiya	Эпифитотия	Epifitotiya.	o'simliklaring ommaviy nobud bo'lishiga olib keladigan vaziyat.
Fuqaro muhofazasi xizmati	Служба гражданской защиты	Civil Protection service	fuqaro muhofazasi maxsus tadbirlarini bajarish, fuqaro muhofazasi tizimlarining harakatlarini ta'minlash uchun kuchlar va vositalami tayyorlash maqsadida tuzilgan funksional bolinnilar majmuyi.
Fuqaro muhofazasi kuchlari	Силы гражданской обороны	Civil Defenses Forces	qutqaruva va boshqa kechiktirib bo'laydigan ishlarni (QBTI) amalga oshirish uchun tuziladigan fuqaro muhofazasi harbiy qismlari, umumiy va maxsus hududiy, funksional va obyekt tizimlari.
Himoya inshootlari	Защитные сооружения	Protection facilities	aholini va ishlab chiqarish xodimlarini hamma ta'sir omillaridan: yuqori harorat, radioaktiv, portlovchi va kuchli zaharli moddalardan, inshootlar buzilganda ularing qismlaridan hamda qirg'in qurollar ta'sirlaridan saqlashga moljallangan muhandislik inshootlari majmuyi.

Radiatsiyaviy avariya	Радиационная авария	Radiation accident	uskuna nosozligi, xodimlaring xatti-harakatlari (harakatsizligi), tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar tufayli kelib chiqqan, fuqarolarning belgilangan me'yordan ko'proq nurlanish olishiga yoki atrof muhitning radioaktiv ifloslanishiga olib kelishi mumkin bo'lgan, yoxud olib kelgan ionlashtiruvchi nurlanish manbayi ustidan boshqaruvning izdan chiqishi.
Yurak-o'rka reanimatsiyasi	Сердечно- легочной реанимация.	Cardio- pulmonary resuscitation	insonni klinik o'lim holatidan qayta jonlantirish uchun nafas oldirish va yurakni bilvosita uqalash tadbirlari majmuyi.
Immobilizatsiy a qilish	Иммобилизаци я	Immobilizati on	singan suyakni o'jidan siljitmasdan faner bo'laklari, qattiq karton qog'oz, yupqa taxta va boshqa vositalar yordamida qimirlamaydigan qilib bog'lash.
Ekologik ekspertiza	Экологическая экспертиза	Environment al expertise	rejalashtirilayotgan yoki amalga oshirilayotgan xujalik va boshqa xil faoliyatning ekologik talablarga muvofiqligini belgilash hamda

			ekologik ekspertiza ob'ektini ruyobga chiqarish mumkinligini aniqlash.
Ekologik monitoring	Экологический мониторинг	Environment al monitoring	ekologik nazoratning birinchi bosqichi bo'lib, u atrof tabiiy muhit va tabiiy resurslarning davriy o'zgarishini (kadastr ma'lumotlariga asoslangan tarzda) kuzatib borish, hisobga olish, baho berish va istihbolini belgilash tizimi.
Xavflar taksonomiyası	Риски таксономию	Risks taxonomy	bu murakkab hodisalarning tushunchalarini, kishi faoliyatiga qaratilgan narsalarni turkumlash (klassifikatsiya) va sistemalash to'g'risidagi fandir. U faoliyat xavfsizligi sohasida ilmiy bilimlarni uyushtirishda, xavflarning tartibini yanada chuqurroq o'rghanishda katta ahamiyatga ega.
Ergonomika	Эргономика	Ergonomics	"Inson – mashina - muhit" tizimini o'rGANUVchi fan bo'lib, u insonning ish jaryonidagi harakatidir. Ergonomika ishlab chiqarish jarayonida ishchining charchamasdan, mehnat qobiliyati pasaymagan va

			sog‘lig‘ini yo‘qotmagan holda eng yuqori ish unumdorligiga erishishda funksional imkoniyatlarini o‘rganuvchi fandir.
Kimyoviy zararlar	Химическое повреждение	Chemical damage	umumiylar zaharovchi, qichituvchi, rak kasaliga olib keluvchi va boshqa salbiy ta’sir etuvchi zararlovchilar kiradi.
Chang	Пыль	Dust	– qattiq va suyuq moddalarning juda kichik zarrachalaridan iborat bo‘lib, ular havoda muallaq uchib yuradi.
Yorug‘lik oqimi	Поток света	The flow of light	nur quvvatiga aytildi va birligi sifatida lyumen (lm) qabul qilingan.
To‘sqliar	Препятствия	Obstacles	qurilish maydonida jarohatlanishlarning oldini olishni muhim omillaridan biri, bu to‘g‘ri va talabga javob beradigan konstruksiyalari to‘siquidir. To‘sqliar mustahkam, oddiy va ularni o‘rnatish oson bo‘ladi. Barcha qo‘llaniladigan to‘sqliar qo‘llash maqsadlariga ko‘ra ikki guruhgaga bo‘linadi: turg‘un va olinib ko‘chiriladigan.

VII.ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II.Норматив-хукукий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.
15. 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
16. 16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

Ш. Махсус адабиётлар

1. Хусанова С.И и др. Аварийно-спасательные работы. Учебное пособие. Для студентов технических ВУЗов. Т., 2008. 139с.
2. Хусанова С.И. ва бошқ. Mehnatni muhofaza qilish va hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv amaliy qo‘llanma. “Adabiyot uchqunlari”. Т., 2016. 507b.
3. Хусанова С.И., Гурьянов. В.Ф. Рекомендации по организации подготовки населения к действиям при чрезвычайных ситуациях. Услубий қўлланма. Т., 2016. 726.
4. Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
5. 2.Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.

6. Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma'ruza kursi. "Aloqachi" -T.: 2005. -355 b.
7. G'oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- 8 .Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.- T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
9. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O'quv qo'llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.
10. Ёрматов F. Ѓ. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: 2005.

IV.Интернет сайтлар

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
6. www.mintrud.uz.-Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
7. <http://www.bezopasnost>. Безопасность. Образование.
8. <http://www.alleng.ru>Безопасность жизнедеятельности